

С.М.ЗОКИРОВА

**КОНТРАСТИВ  
ЛИНГВИСТИКАНИНГ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

ТОШКЕНТ

ISBN 978-9943-11-368-8



**FAN VA**  
**TEKNOLOGIYALAR**

9 78 9943 11 368 8

С.М.ЗОКИРОВА

**КОНТРАСТИВ  
ЛИНГВИСТИКАНИНГ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 81'1  
КБК 74.200  
3-96

3-96 С.М. Зокирова. Контрастив лингвистиканинг назарий асослари.  
–Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 152 бет.

ISBN 978-9943-11-368-8

Ушбу монография контрастив лингвистиканинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, унда контрастив лингвистиканинг шаклланиши, контрастив лингвистиканинг тилшуносликда туган ўрни, мультилингвистик фанларга қўшаётган хиссаси, шунингдек, контрастив лингвистикадаги асосий эталонлар, лакунарлик, эквивалентлик, конгруэнтлик, трансференция ва интерференция сингари масалаларга тўхталиб ўтилган. Шунингдек, контрастив лингвистиканинг терминологик аппарати изохи масаласи ёритилган.

Монография тилшунос олимлар, мазкур соҳа бўйича изланиш олиб бораётган мутахассислар, лингвистика йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

\*\*\*

Данная монография посвящена теоретическим основам контрастивной лингвистики. В ней освещены проблемы формирования контрастивной лингвистики, её место в языкознании, вклад контрастивной лингвистики в мультилингвистические науки, а также, такие основные эталоны и понятия контрастивной лингвистики как лакунарность, эквивалентность, конгруэнтность, трансференция и интерференция. Рассмотрены вопросы толкования терминологического аппарата контрастивной лингвистики.

Монография предназначена для филологов, магистрантов, студентов, ведущих исследования в данной области, а также, для читателей интересующихся вопросами современных направлений лингвистики.

\*\*\*

The monograph is dedicated to theoretical bases of contrastive linguistics. The issue of contrastive linguistics forming and its place in linguistics, the contribution of contrastive linguistics to multi-linguistic science and also such main model and notions of contrastive linguistics as lacunarity, congruence, equivalence, non-equivalent lexis, transference, interference and lacunar units are considered. This research pays much attention to contrastive linguistics terminology apparatus.

The monograph is recommended for philologists, master and bachelor degree students, leading researchers of this field and also for readers who is interested in questions of modern linguistics.

УЎК: 81'1  
КБК 74.200

Мазкур монография Фаргона давлат университети Кенгашининг  
2016 йил 30 августдаги 1-йигилишида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-11-368-8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори қабул қилинди.

Республикамизда она тилига бўлган эътибор ҳамда чет тилларини ўқитишнинг кучайиши ўз-ўзидан тилларни чоғиштириб ўрганишга сабаб бўлмоқди.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида қатор янги соҳаларда тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Булардан бири тилшуносликнинг бошқа ижтимоий фан соҳалари билан биргаликда тадқиқ этиш масаласидир. Тадқиқот иши бугунги кунда тилшуносликнинг устувор йўналишларидан саналган типология, компаративистика, универсал тилшунослик (универсалология), психоллингвистика, социоллингвистика, когнитив тилшунослик, лингводидактика, нутқнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш каби фанларнинг материалларига мурожаат қилади. Шунингдек, психология, этнопсихология, маданият тарихи, фалсафа, маданиятшунослик фанлари билан яқин боғлиқдир.

Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг 60-70 йилларида бу соҳани ўрганишга жиддий киришилган бўлса, бу йўналишдаги тадқиқотларга ўзбек тилшунослигида XXI аср бошларига келиб катта

қизиқиш билан қарала бошланди. Дастлабки ишларда олимлар ушбу фан йўналишининг лингводидактик нуқтаи назардан ёндашган бўлсалар, бугунги кунга келиб контрастив лингвистиканинг таҳлил методлари ҳамда назарияси масалалари долзарб бўлмоқда. Йўналишга тегишли масалалар мультилингвистик фанлар сирасига кирувчи типология, қиёсий-тарихий тилшунослик, ареал тилшунослик ўрганиш объектларидан ажратиб, ўзининг тадқиқ соҳасини аниқлаб ўрганилиши лозим бўлгани сабабли ҳам олимлар мазкур фанлар масалаларини айнан қайси ўринда бир-биридан ажрата билиш лозимлигини белгилашда катта муаммоларга дуч келганлар. Масалалар ўрганилишида контрастив лингвистика терминининг маъносини таърифлашда турли, баъзан, бир-бирини инкор этувчи фикрлар учрайди<sup>1</sup>. Лекин, шунга қарамай, соҳада муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, жаҳон тилшунослигида контрастив лингвистиканинг шаклланишида Р.Ладо, Ш.Балли, Э.Косериу, К.Джеймс, В.Скаличка, Р.Дж.Ди Пьетро, Ч.А.Фергюсон, Г.Никкель<sup>2</sup> ва б. хизмат кўрсатишган. Контрастив лингвистиканинг назарий асослари И.А.Бодуэн де Куртенэ, Л.В.Щерба, А.В.Федоров, В.Н.Ярцева, В.Г.Гак, У.Вайнрайх каби забардаст тилшунослар асарларида ёритилган<sup>3</sup>. Ҳозирги кунда контрастив лингвистиканинг турли хил аспектдаги муаммолари билан И.А.Стернин, В.Б.Кашкин, А.Л. Зеленецкий, З.Г. Гергиева, Л.К.Байрамова ва б. шуғулланишмоқда<sup>4</sup>. Дунё тилшунослигида контрастив йўналишдаги тадқи-

<sup>1</sup> Гергиева З.Г. О статусе контрастной лингвистики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009 №6 (2); Зеленецкий А.Л. Контрастная лингвистика и типология // Вестник Воронежского государственного университета. Сер. Лингвистика и межкультурная коммуникация. - 2010. - N 1.

<sup>2</sup> Ладо Р. «Linguistics across cultures» L., 1957; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Москва: 1955; Coseriu E. Kontrastive Linguistik und Übersetzungstheorie ihr Verhältnis zueinander // Kontrastive Linguistik und Übersetzungswissenschaft. München, 1981; Косериу Э. Контрастная лингвистика и перевод: их соотношение // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Джеймс К. Контрастный анализ // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Скаличка В. Типология и сопоставительная лингвистика // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. М., «Прогресс», 1989; Ди Пьетро Р.Дж. Языковые структуры в контрасте // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Никкель Г. Контрастная лингвистика и обучение иностранному языку // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989.

<sup>3</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию.1, М.,1963; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -Л., 1968; Федоров А.В. Основы общей теории перевода. -М.: Высш. шк., 1983; Ярцева В.Н. Контрастная грамматика. -М.: Наука, 1981; Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. -М., Международные отношения, 1977; Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие. Зарубежная лингвистика. Вып. III. -М., 1999.

<sup>4</sup> Стернин И.А. Контрастная лингвистика -М.: Восток-Запад, 2006; Кашкин В.Б. Сопоставительная лингвистика. Воронеж, 2007; Гергиева З.Г. О статусе контрастной лингвистики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009 №6 (2); Зеленецкий А.Л. Контрастная лингвистика и типология // Вестник Воронежского государственного университета. Сер.: Лингвистика и межкультурная коммуникация. - 2010. - N 1; Байрамова Л.К. Введение в контрастивную лингвистику. Казань, 2005.

қотлар кўп бўлишига қарамасдан, бугунги ўзбек тилшунослигининг мазкур йўналишда изланишлар деярли амалга оширилмаган. Ўзбек тилшунослигида ўзбек ва чет тилларининг контрастив лингвистикасига доир фикрлар баъзи бир ишларда тасодифан учрайди. Монографик планда мазкур масала ҳали-ҳануз ўрганилмаган.

Мазкур тадқиқот натижаларидан ўтказилаётган контрастив изланишларнинг назарий йўналишини аниқлаш, йўналишнинг терминологик аппаратини яратиш, чоғиштирма тилшунослик методларидан илмий изланишларда ўринли фойдаланишда қўл келади.

## КОНТРАСТИВ ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб жамият ҳаётини тубдан ўзгартираётган муҳим ижтимоий воқеалардан бири глобаллашув жараёнидир. Мазкур жараён фан, техника ва технологиялар ривожланишининг тўхтовсиз тезлашиб бориши ҳамда бутун ер куррасини қамраб олиши билан изоҳланади. Бу жараён инсоният ҳаётининг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир<sup>5</sup>. Глобаллашув жараёни кундалик ҳаётимизга тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий сабаби бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти, равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа, ҳудудлар билан ҳамбарчас боғланиб бораётганидир. Бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши мумкин эмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Глобаллашув жараёни ҳар қандай давлат структурасига, хоҳ у ривожланган давлат бўлсин, хоҳ ривожланишдан орқада қолаётган давлат бўлсин, ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Глобаллашув жараёнида ривожланаётган замонавий жамиятда маданиятлараро коммуникация амалиёти ҳам тез суръатлар билан кенгаймоқда, жаҳонда турли тиллардаги ижтимоий ҳамда илмий аҳамиятга эга бўлган ахборот ҳажми борган сари кўпайиб бормоқда. Бу жараён бошқа фанлар қатори тилшунослик фанига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобаллашув жараёнининг интенсивлашуви тил алоқаларининг янада жадаллашувига олиб келиши табиий ҳол. Мазкур жараён тўхтовсиз содир бўлиб боради, ҳеч қандай чегара, чекловларни тан олмайди, чунки у жамият эҳтиёжлари ривожланишининг объектив қонунарига асосланади. Бугунги кунда Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиши, мамлакатимизда ўзбек ва чет тилларида ахборот алманишувининг тезлашуви, бу эса тезкор, сифатли таржимага, турли чет тилларини ўрганишга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ўсишига олиб келмоқда. Бу эса ўзбек тилини турли хорижий ҳамда маҳаллий тиллар билан контрастив жиҳатдан тадқиқ қилишни кун тартибига қўймоқда. Чунки турли тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, улардан тил ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш, ўрганилаётган тилда юзага

келиши мумкин бўлган хатолар, шунингдек, интерференция, трансференция ҳодисаларининг олдини олишга имкон яратади.

XX аср иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон, рус тилшунослиги, туркология, шу жумладан, ўзбек тилшунослиги жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда фанда жамият эҳтиёжларини қондириш йўлида янги-янги йўналишлар юзага келаётганлиги яққол кўзга ташланади. «Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб илмий тадқиқотлар парадигмаси ўзгарди. Илгари фундаментал фанлар назарий ғояларни илгари сурган ҳолда ҳаётга жорий этилган, яъни «назариядан амалиётга» тамойили устуворлик қилган бўлса, ҳозирги кунда кўп ҳолларда бунинг акси кўзга ташланмоқда: у ёки бу технологиянинг тараққиётига эҳтиёж назарий тадқиқотлар йўналишини белгиламоқда»<sup>6</sup>. Тилшунослик систем-структур парадигмадан антропоцентрик парадигмага қараб ривожлана бошлади. Агар систем-структур тилшуносликнинг асосий эътибори соф лингвистик масалаларга қаратилган бўлса, антропоцентрик йўналишдаги изланишлар тил ва унинг эгаси бўлган инсоннинг ўзаро муносабатлари, нутқнинг яратилиш механизми, тилнинг жамиятдаги ўрни, тил ва маданият, тилнинг миллийлиги каби муаммолар, яъни тил ривожланишининг ички қонуниятлари билан бир қаторда ташқи таъсир муаммолари, тил тараққиётининг экстралингвистик омиллари билан шуғулланмоқда. Натижада тилшунослик таркибида янги соҳалар пайдо бўлмоқда. Буларга «когнитив тилшунослик»<sup>7</sup>, «коммуникатив тилшунослик»<sup>8</sup>, «социолингвистика»<sup>9</sup>, «психолингвистика»<sup>10</sup>, «нейролингвистика»<sup>11</sup>, «компьютер лингвистикаси»<sup>12</sup>, «лингводидактика»<sup>13</sup>, «лингвокультурология»<sup>14</sup>, «этнолингвистика»<sup>15</sup>, «паралингвистика»<sup>16</sup>, «неолингвистика»<sup>17</sup>, «прагмалингвистика»<sup>18</sup>, «онтолингвистика»<sup>19</sup>, «антро-

<sup>5</sup>Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. -Тошкент, «Академнашр», 2012. 93-бет

<sup>6</sup>Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Тамбов, 2001.

<sup>7</sup>Маслова В.А. Коммуникативная лингвистика. В кн: Современные направления в лингвистике. -М., Академия, 2008. 60-86 с.

<sup>8</sup>Эргашева С. Социолингвистикада «тил сўёсати» тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. 2-сон. 105-107 б.

<sup>9</sup>Белянин В.П. Психолингвистика. -М., 2011.

<sup>10</sup>Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. -Тошкент, 2011

<sup>11</sup>Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. -Т., Академнашр, 2011.

<sup>12</sup>Сафаров Ш. Гап қурилиши: лингвистик таҳлил ва лингводидактика // Филология масалалари -Т.: ЎзДЖТУ, 2003. 3-4 сонлар. -51-54 б.

<sup>13</sup>Токарев В.Г. Лингвокультурология. Тула, 2009

<sup>14</sup>Седов К.Ф. Дискурс и личность. -М., 2004.

<sup>15</sup>Колчанский Г.В. Паралингвистика. -М., 1974.

<sup>16</sup>Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. Т-ошкент, «Академнашр», 2012

<sup>17</sup>Раҳимов М.Х. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. -ошкент, «Академнашр», 2013

<sup>18</sup>Седов К.Ф. Дискурс и личность. - М., 2004.

<sup>5</sup>Каримов И.А. Юксак миянавий - энгимас куч. -Т., «Миянавий», 2008.

поцентрик лингвистика»<sup>20</sup>, «контрастив лингвистика»<sup>21</sup> каби йўналишларни мисол қилиш мумкин.

Бу соҳалар ўзбек тилшунослигида нисбатан янги ҳисобланиб, буларга алоқадор бўлган маълум тадқиқотлар юзага келган бўлса-да, бу ҳаракатларни етарли деб бўлмайди. Айниқса, психолингвистика ва контрастив лингвистика масалалари ўзбек тилшунослигида етарлича очиб берилгани йўқ. Жумладан, контрастив лингвистика фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки дунё тилшунослигида мукамал даражада ўрганилмади, у ҳатто ўзининг тўла-тўқис мундарижасига эга бўлмади.

Контрастив лингвистика нисбатан янги йўналиш ҳисобланса-да, тилларни чоғиштириш қадим замонлардан, одамлар бошқа тил эгалари билан мулоқотга киришишга мажбур бўлган пайтлардан бошлаб вужудга келган. Масалан, инглиз олими Ж.К.Кэтфорд таъкидлаб ўтганидек, тилларни қиёслаш «Бобил тўс-тўполони»дан кейинок бошланди<sup>22</sup>. Маълумки, «Инжил»да келтирилган афсонага кўра, ягона тил ўрнига тиллар хилма-хиллиги кириб келади.

Рус тилшуноси И.П.Сусовнинг фикрича, тилларни амалий чоғиштириш қадим замонлардан бошланган<sup>23</sup>. Масалан, Бобил, Оссурия, Хетт подшоликларида шумер, аккад, хетт тиллари лексик сатҳда чоғиштирилган. Қадимги ҳинд тилшунослари веда, санскрит, пракрит тилларининг айрим ҳодисаларини қиёслашган. Ўрта аср Европа мамлакатларида лотин, қадимги юнон тиллари миллий тиллар билан грамматик сатҳда чоғиштирилган. Н.Ярцева бу тўғрида фикр билдирганда, тилларни чоғиштириш билан шуғулланган биринчи тадқиқотчилар тилмочлар бўлган, дея таъкидлайди<sup>24</sup>.

Тилшунослар учун Қадимги Месопотамияда милоддан олдинги учинчи минг йиллик охирларида яратилган махсус грамматикага оид рўйхатлар қизиқарлидир. Улар икки устундан иборат бўлиб, биринчи устун шумерча матн, иккинчи устун унинг аккадча таржимасидан иборат бўлган. Мазкур луғатларда сўзларнинг турланиши, боғловчилар билан келиши, олмошлар жадваллари,

олмошлар қатнашган қисқа гаплар, турғун иборалар, феълларининг тусланиши, грамматикага оид атамалар таржимаси келтирилган<sup>25</sup>.

Машҳур ҳинд тилшуноси Панини ўзининг «Аштадхьяи» номли санскрит тили грамматикасида санскрит, веда ҳамда пракрит тилларининг айрим жиҳатларини қиёслаган<sup>26</sup>.

Милодий IV асрда қадимги Римда юнон олими Макрабий томонидан «Юнон ва лотин феълларининг ўхшашлиги ва фарқлари ҳақида» номли асар ёзилган. Унда юнон ҳамда лотин тилларининг феъл категориялари қиёсланган. Бу антик тилшунослиқдан бизгача етиб келган ва грамматикани қиёсий ўрганишга бағишланган ягона асардир.

XI асрдаёқ Маҳмуд Кошғарий туркий тилларнинг қиёсий грамматикасини яратган, лекин Европа олимлари XX аср биринчи чорагига қадар бу илмий мерос билан таниш бўлишмаган.

XVI-XVIII асрлар давомида турли тилларни тасвирлаш, тил фактларини йиғиш бўйича катта ишлар амалга оширилган эди<sup>27</sup>.

Европаликларнинг санскрит тили билан танишувлари қиёсий услуб яратилишида катта аҳамиятга эга бўлган. Европа тилларининг Европадан анча узоқ бўлган Ҳиндистон қадимий тили билан ўхшашлиги барчани ҳайратлантирган эди. Санскрит ҳақидаги дастлабки маълумотларни европаликлар 1583-1588 йилларда Ҳиндистонда яшаган италян сайёҳи Филиппо Соссетидан олишган. У ҳинд тили билан танишгач, санскрит ва италян тилларида умумий, қариндош сўзлар мавжудлиги ҳақида маълумот берган.

Голландиялик тилшунос Иосиф Юстус Скалигер 1599 йили ёзган «Европаликлар ҳақидаги мулоҳазалар» китобида Европа тилларини 11та гуруҳга, жумладан, славян, герман, роман ва юнон гуруҳларига ажратади<sup>28</sup>.

М.В.Ломоносов Европа тилларидан рус, латиш, юнон, лотин, немис тилларининг қариндошлигини кўрсатган. Шунингдек, М.В.Ломоносов қариндош тиллар умумий, қадимий тил бўлиниши натижасида вужудга келган, деган фикрни ҳам илгари сурган<sup>29</sup>.

Тилларни қиёслаб ўрганишда Вильям Жонс (1746-1794) фаолияти ҳали алоҳида аҳамиятга эга. Асли англиялик бўлган Вильям Жонс шарқшунос ва ҳуқуқшунос бўлиб, 1783-1794 йиллари

<sup>20</sup>Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. -Тошкент, «Академнашр», 2012

<sup>21</sup>Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. -М.: Наука, 1981; Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. -М.: Восток-Запад, 2006

<sup>22</sup>Кэтфорд Ж.К. Обучение английскому языку как иностранному // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989. 365 с.

<sup>23</sup>Сусов И.П. История языкознания. -М.: АСТ: Восток-Запад, 2006. С. 9.

<sup>24</sup>Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. -М.: Наука, 1981. С. 30.

<sup>25</sup>Зокпиров М. Антик ва классик тилшунослик (услубий кўрсатма). -Фарғона, 2008. 46-б.

<sup>26</sup>Краткая история языкознания <http://helpiks.org/1-6163.html> (муружаат санаси 28.08.2016)

<sup>27</sup>Зокпиров М. Антик ва классик тилшунослик (услубий кўрсатма). -Фарғона, 2008. С. 47

<sup>28</sup>Википедия. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/rwwiki/943176> (муружаат санаси 29.08.2016)

<sup>29</sup>Ефимов А.И. М.В.Ломоносов и русский язык. -Москва 1961, С. 8

Бенгалияда олий судья лавозимида ишлаган. У Ҳиндистон халқлари тили ва маданиятини қиёслаб ўрганиш мақсадида 1784 йили Осиё жамятини ташкил қилди.

1786 йили унинг «Осиё тадқиқотлари» номли машҳур маърузаси нашр қилинди. Унда В.Жонс ҳинд-европа тиллари қиёсий грамматикасининг асосий қоидаларини белгилайди, аммо мазкур қоидаларни грамматик ва нутқ товушларининг таҳлили билан исботламаган. Лекин айтиш мумкин-ки, унинг ғоялари олимлар орасида санскрит тилига, ҳинд-европа тиллари қариндошлиги, уларнинг келиб чиқиши масалаларига қизиқишнинг кучайишига катта таъсир кўрсатди.

1808 йили германиялик олим, Иен тилшунослик гуруҳининг раҳбари ва назарий асосчиси Фридрих Шлегель (1772-1829) «Ҳиндларнинг тили ва донолиги ҳақида» номли машҳур асарини нашр қилди. Шлегель санскрит тилининг лотин, юнон, герман, форс тиллари билан қариндошлигини ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан ўрганди. У ҳинд-европа тиллари санскрит тилидан келиб чиққан, деб ҳисоблаган. Ф.Шлегель асарида биринчи мартаба қиёсий грамматика атамаси ишлатилган.

Қадимги ҳинд маданияти, фалсафаси, адабиётининг турли томонларини тавсифлаган мазкур китоб ҳинд-европа тилларини қиёсий ўрганиш ғоясини кенг доираларда тарғиб қилди.

XIX аср бошида нашр қилинган санскрит тили грамматикасига доир қатор асарлар ва луғатлар орқали европалик олимлар нафақат санскрит тилининг фонетикаси ва грамматикаси билан, балки ўз тилларини аниқ ва мукамал тасвирлаган қадимги ҳинд тилшуносларининг ғоялари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тилларни чоғиштириш бўйича тажрибалар энг қадим замонларда бошланган бўлишига қарамай, турли тилларни контрастив жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш ишлари чин маънода XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлабгина ривожлана бошлади. Жаҳон тилшунослигида контрастив лингвистиканинг шаклланишида Р.Ладо, Ш.Балли, Э.Косериу, К.Джеймс, В.Скаличка, Р.Дж.Ди Пьетро, Ч.А.Фергюсон, Г.Никкель<sup>30</sup> каби олимларнинг хизмати каттадир.

<sup>30</sup>Ладо Р. «Linguistics across cultures» L., 1957; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -Москва: 1955; Coseriu E. Kontrastive Linguistik und Übersetzungstheorie ihr Verhältnis zueinander // Kontrastive Linguistik und Übersetzungswissenschaft. München, 1981; Косериу Э. Контрастная лингвистика и перевод: их соотношение // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Джеймс К. Контрастивный анализ // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Скаличка В. Типология и сопоставительная лингвистика // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Ди Пьетро Р. Дж. Языковые структуры в контрасте // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989; Никкель Г. Контрастная лингвистика и обучение иностранному языку // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989.

Бу соҳада амалга оширилган асосий назарий тадқиқотлар И.А.Бодуэн де Куртене, Л.В.Шчерба, А.В.Федоров, В.Н.Ярцева, В.Г.Гак, У.Вайнрайх каби забардаст тилшунослар қарашларида кўзга ташланади<sup>31</sup>. Ҳозирги кунда контрастив лингвистиканинг турли хил аспектдаги муаммолари билан И.А.Стернин, В.Б.Кашкин, А.Л.Зеленецкий, З.Г.Гергиева, Л.К.Байрамова ва бошқалар шуғулланишмоқда<sup>32</sup>.

Ўзбек тилшунослигида тилларни чоғиштириб тадқиқ қилиш ишлари XI асрда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» ҳамда XV асрда Алишер Навоий томонидан ёзилган «Муҳокаматул луғатайн» асарларидан бошланган. Маҳмуд Қошғарий бир оиллага мансуб туркий тилларни қиёслаб, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб берган бўлса, Алишер Навоий турли тил оилаларига, турли тил системаларига мансуб бўлган туркий ва форс тилларини чоғиштириб ўрганган. А.Нурмонов ўз қарашларида Алишер Навоийни чоғиштирма (контрастив) тилшуносликнинг отаси<sup>33</sup>, Маҳмуд Қошғарийни эса қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиси деб эътироф этади<sup>34</sup>. Қиёсий-тарихий тилшунослик тилларни ҳам синхрон, ҳам диахрон аспектларда ўрганади ҳамда умумий бобо тилни тиклаш унинг бош вазифаси эканлиги билан характерланади. Маҳмуд Қошғарий қарашларида тил фактлари таҳлиliga қиёсий-тарихий ёндашув билан бирга, контрастив тилшуносликка хос таҳлилни ҳам кўриш мумкин. Алишер Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида туркий ҳамда форс тилларини лексик сатҳда ўзаро чоғиштирганидаёқ контрастив лингвистика масалаларини ўртага ташлаганлигини кўрамай.

XX аср ўзбек тилшунослигида Ж.Бўронов ва Ў.К.Юсупов ҳамда уларнинг издошлари тиллар типологияси ҳамда чоғиштирма тилшунослик назариясини ривожлантирдилар<sup>35</sup>. Мазкур соҳаларга

<sup>31</sup>Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. 1. -М., 1963; Шчерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1968; Федоров А.В. Основы общей теории перевода. -М.: Высш. шк., 1983; Ярцева В.Н. Контрастная грамматика. -М.: Наука, 1981; Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. -М., Международные отношения, 1977; Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие. Зарубежная лингвистика. Вып. III. -М., 1999.

<sup>32</sup>Стернин И.А. Контрастная лингвистика М.: Восток-Запад, 2006; Кашкин В.Б. Сопоставительная лингвистика Воронеж, 2007; Гергиева З.Г. О статусе контрастной лингвистики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009 №6 (2); Зеленецкий А.Л. Контрастная лингвистика и типология // Вестник Воронежского государственного университета. Сер. Лингвистика и межкультурная коммуникация. - 2010. - N 1; Байрамова Л.К. Введение в контрастивную лингвистику. -Казань, 2005.

<sup>33</sup>Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. -Тошкент, «Академнашр», 2012, 299-б.

<sup>34</sup>Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. -Тошкент, «Академнашр», 2012, 252-б.

<sup>35</sup>Бўронов Ж. Типологическая категория и сравнительное изучение языков. Фил.ф.д. илмий даражасини ошиш учун тиклан диссертация. М., 1979; Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. -Т., 1980.

оид тадқиқотларни Ў.К.Юсупов ўзининг 2006 йилда нашр қилинган «Вклад языковедов Узбекистана в развитие сравнительного языкознания» номли мақоласида қиёсланаётган тиллар нуқтаи назаридан қуйидагича ажратиб кўрсатган:

Инглиз – ўзбек – 37 та изланиш

Инглиз – рус – 1 та изланиш

Инглиз – немис – рус – 1 та изланиш

Инглиз – ўзбек – рус – 5 та изланиш

Рус – ўзбек – 20 та изланиш

Рус – қозоқ – 1 та изланиш

Немис – ўзбек – 4 та изланиш

Немис – қорақалпоқ – 2 та изланиш

Француз – ўзбек – 7 та изланиш

Ўзбек – турк – 8 та изланиш<sup>36</sup>

Ў.К.Юсупов келтирган бу илмий статистикадан шунини пайқаш мумкинки, олиб борилган изланишлар рейтингда инглиз ва ўзбек тиллари бўйича қилинган тадқиқотлар салмоқ жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ўзбек ва тожик тиллари бўйича бажарилган тадқиқотлар хусусида эса маълумот келтирилмаган. Ваҳоланки, Абдурауф Фитрат, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, Ф.Абдуллаев, У.Турсунов, В.В.Решетов, М.М.Мирзаев, К.Юсупов, Б.Бафоев, Ҳ.Ғуломов, М.Зокировларнинг тадқиқотларида<sup>37</sup> ўзбек ва тожик тилларининг умумий ва фарқли жиҳатларига оид қимматли фикрларни кўриш мумкин.

А.И. Абражеев, П.А. Данилов, Р.И. Бигаев, А.А. Азизов, М.Ш.Маматов, Ш.Р.Усмонова, Б.Юсуфлар ҳам ўз тадқиқотларини муайян тилларни у ёки бу жиҳатдан қиёслашга бағишлаганлар<sup>38</sup>.

Контрастив лингвистика тил материалларини турли жиҳатдан тадқиқ қилиши билан характерланади. Шу сабабли унда ўрганилаётган тилларнинг сатҳ бирликлари, уларнинг структур-се-

<sup>36</sup> Юсупов, Ў.К. Вклад языковедов Узбекистана в развитие сравнительного языкознания // Типология тилларнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) III. -Тошкент 2006.

<sup>37</sup> Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. -Т., 1934; Боровков А.К. По поводу «привазиции» узбекского языка. Известия АН Узбекской ССР, -Т., 1956, №8; Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? -Т., «Фан», 1972; Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т., «Ўқитувчи», 1995; Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро шевадари. -Т., 1969; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. -Т., 1974; Гулямов Х. Узбек-тодқиқотчиликке тилларнинг ўзаро таъсири. -Т., 1983; Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили кентаклари. -Т., 1989; М.Зокиров Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Фил.ф.н. илмий даражадаги олинган тақдир этилган диссертация. -Т., 2007.

<sup>38</sup> Абражеев А.И., Данилов П.А., Бигаев Р.И. Очерки по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. -Т., Ўқитувчи. 1960; Азизов А.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. -Т., Ўқитувчи, 1983; Маматов М.Ш. Предикативные атрибуты в немецком и узбекском языках. Автореферат дисс...канд.филол. наук. -Л.: 1976; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фан. ном. дисс. автореф. -Тошкент, 1998; Б.Юсуф. Туркча-ўзбекча «салдоқин сўзлар» дугачи. -Т.: «Ворис», 2009.

мантик, функционал, этномаданий, социолингвистик, психолингвистик ва бошқа хусусиятлари ҳам таҳлил объекти бўлиши мумкин. Лекин контрастив лингвистика масалалари конкретлаштирилиши, соҳа мундарижасига аниқлик киритилиши зарур. Бу янги соҳа мундарижасини аниқлаш мезони сифатида, бизнингча, Ферденанд де Соссюрнинг ассоциатив назарияси асос қилиб олинishi лозим. Чунки икки ва ундан ортиқ тилларнинг контрастив хусусиятлари илмий парадигма структурасидаги фарқланувчи белгиларга кўра аниқланади. Бу эса тил сатҳи моделлари тушунчаси билан боғлиқ. Ассоциатив birlik тил моделининг хусусий парадигмасини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам «тил сатҳи модели» таъсирида контрастив лингвистика соҳаси шаклланди. Бу янги соҳа доирасида контрастив грамматика<sup>39</sup>, контрастив фонетика ва фонология<sup>40</sup>, контрастив лексикология<sup>41</sup> ва хоказо йўналишлар вужудга келди.

XX асрнинг 60-70-йилларида дунёнинг турли мамлакатларида контрастив изланишлар сезиларли равишда ривожланди. Баъзи мамлакатларда эса контрастив лингвистиканинг ривожланишини мувофиқлаштирувчи махсус марказлар ташкил этилган. Бундай изланишларнинг биринчи тўлкини сифатида 1962 йилда АҚШда инглиз тилини бошқа тиллар билан чоғиштиришга йўналтирилган «Contrastive Structure Series» номли илмий журнал чоп этилишини кўрсатиш мумкин. Инглиз тили француз, немис, итальян, рус ва испан тиллари билан чоғиштириб ўрганилди. Сўнгра бир қатор европа лойиҳалари юзага келди. Буларга польшалик олим Я.Фишьяк бошчилигидаги поляк-инглиз лойиҳаси, югославиялик олим Р.Филипович бошчилигидаги сербхорват-инглиз лойиҳаси, руминиялик олим Д.Читоран бошчилигидаги румин-инглиз лойиҳаси, Маннгеймдаги немис тили институтида немис-инглиз, немис-испан, немис-япон ва шу каби бошқа лойиҳаларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бу лойиҳаларнинг аксарияти педагогик йўналишда бўлиб, чет тилларини ўқитишни осонлаштириш бўйича тавсиялар беришга қаратилган. Лекин бу «...лойиҳаларда контрастив лингвистиканинг назарий жиҳатларига тўхталиб ўтилмаган дегани эмас. Уларда икки тилни контрастив чоғиштиришда

<sup>39</sup>Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. -М., Наука, 1981.

<sup>40</sup>Бердникова О.В. Контрастивно-фонологический анализ вокализма русского и испанского языков. Автореферат дис. ... кандидата филологических наук : 10.02.19 / Воронежский гос. ун-т, -Воронеж, 2003. С.24.

<sup>41</sup>Гарифуллина, Альбина Маратовна Фразеологические единицы, выражающие эмоции и чувства человека, в турецком и английском языках: автореферат дис. ... кандидата филологических наук : 10.02.20 / Татар. гос. гуманитар. пед. ун-т. -Казань, 2005. С. 24.

тилнинг айрим қисмлари бўйича ишланмалар кўп учрайди. Шунингдек, бу лойиҳаларнинг барчасида таҳлил методининг бир хил эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз»<sup>42</sup>. Тадқиқотларда ҳар доим фарқлилиқ ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш чоғиштирилаётган икки тилдан бири бирламчи, яъни она тилидан ўрганилаётган иккинчи тилга қараб кетган.

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида контрастив лингвистика бўйича изланишлар, тадқиқотлар борган сари ортиб бораётганига қарамасдан, мазкур йўналиш мундарижаси, унинг предмети, тилларни тадқиқ қилиш методлари бўйича бахс-мунозаралар ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Айтиб ўтиш мумкинки, илмий адабиётларда контрастив лингвистика мундарижаси, тадқиқот объекти ҳамда предмети борасида турлича фикрлар билдирилади. В.Н.Ярцева дунё тилшунослигида контрастив изланишлар доираси етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги ва контрастив лингвистиканинг бошқа тилшунослик соҳалари билан муносабатига ойдинлик киритилмаганлигига ишора қилади<sup>43</sup>. Бизнингча ҳам контрастив лингвистиканинг тадқиқот объектини белгилаб олиш ниҳоятда муҳим саналади. Лингвистик адабиётларда контрастив лингвистика терминини қўллашда ҳам, уни қиёсий-тарихий, типологик, чоғиштирма тилшунослик каби соҳалардан фарқламаслик, уларда ўхшашлик ва бу ўхшашлик асосида чалкашлик бордек туюлади. Ҳаттоки бу йўналишнинг номланиши борасида ҳам турли хил қарашлар мавжуд. «Контрастив лингвистика» термини билан бир қаторда «конфронтатив лингвистика», «чоғиштирма тилшунослик» атамалари қўлланилиб келинмоқда. В.Н.Ярцева мазкур уч терминнинг синоним сифатида қўлланилишига ишора қилади. «Контрастив лингвистика» атамасидан фойдаланиш сабабини, чоғиштирилаётган тилларнинг умумий томони эмас, кўпроқ контраст жиҳатларига эътибор қаратилиши билан изоҳлайди<sup>44</sup>. Ваҳоланки, бугунги кун жаҳон тилшунослигида контрастив лингвистика, конфронтатив лингвистика ҳамда чоғиштирма тилшунослик терминлари фарқли ҳодисаларни ифодалаш тилшунослар томонидан аниқ ва равшан эътироф этилмоқда<sup>45</sup>.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, икки тилни контрастив тадқиқ этишнинг асосий мақсади ўрганилаётган тиллар грамматикасидаги фарқларни жамлаган нотўлиқ грамматикани тузишдан иборатдир. Шундай қилиб, контрастив грамматика тилларнинг ўзига хос фарқланишларига асосланувчи махсус грамматикадир. Лекин бу икки тил грамматикаларининг ўхшаш жиҳатлари ўрганилмайди, дегани эмас. Бундай ёндашув ўрганилаётган тилга нисбатан нотўғри нуқтаи назар шаклланишига олиб келиши мумкин. В.Н.Ярцева кўрсатиб ўтганидек, тилларни қиёслаш уларнинг структурасида ҳеч бўлмаса бир ўхшаш томон бўлгандагина самаралидир. Қиёсланаётган тилларда умуман ўхшашлик кузатилмасдан уларнинг ҳар бир элементи контраст ҳолатда ўрганиладиган бўлса, бундан фойда кам<sup>46</sup>. Бироқ шунга қарамай, контрастив лингвистикада икки тил бирликлари орасидаги ўзаро фарқланувчи ҳолатларга тадқиқотнинг марказий масаласи сифатида қаралади.

Контрастив тадқиқотнинг мақсади тил ости тизимларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини эмас, балки бир тилдаги лингвистик бирликларнинг семантик ва функционал жиҳатларининг иккинчи тилдаги эҳтимолий мувофиқликлари билан чоғиштириш натижасида орадаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашдир. Бунда фарқларни аниқлаш муҳимдир, чунки ўхшаш жиҳатлар «автоматик» тарзда намоён бўлади.

Контрастив лингвистика тил билими структурасида алоҳида фан тармоғи сифатида шаклланмоқда. Айни пайтда ўзининг турдош соҳалари қаторида тадқиқот объекти ва ўз бирликларига эга бўлиб бормоқда. Бугунги кунга қадар соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотлар контрастив лингвистикада тил сатҳлари ва бирликлари доирасида янги илмий тадқиқотлар амалга оширилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Шу маънода ўзбек ва тожик тиллари базасида фонетика, фонология, лексик ва грамматик сатҳ бирликларини контрастив таҳлил қилиш асосида ўзбек тилшунослигида қатор илмий-назарий янгиликларни қўлга киритиш имкони туғилмоқда. Жумладан, амалга оширилган мавжуд тадқиқотлар моҳиятидан келиб чиқиб, контрастив грамматика, хусусан, контрастив синтаксис соҳасида амалий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж сезилмоқда.

<sup>42</sup> Ярцева В. Н. Кўрсатилган асар, 6-7 бет.

<sup>43</sup> Ярцева В. Н. Кўрсатилган асар, 3-бет.

<sup>44</sup> Ярцева В. Н. Кўрсатилган асар, 3-бет.

<sup>45</sup> Гак В. Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. - М., «Прогресс», 1989. С. 5.

<sup>46</sup> Ярцева В. Н. Кўрсатилган асар, 10-бет.

## КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАНИНГ МУЛЬТИЛИНГВИСТИК СОҲАЛАР ҚАТОРИДАГИ ЎРНИ

Қиёслаш, ўзаро муносабатни аниқлаш, чоғиштириш – бу биринчи навбатда инсон тафаккурининг хусусияти, билиш фаолиятининг универсал асосидир. Таққосламай туриб ҳеч нарсани, жумладан, тилни ҳам билиб бўлмайди<sup>47</sup>. Тилшуносликда чоғиштириш ҳамда қиёслаш усули ва методикаларига кўп ҳолатларда, жумладан, бир тилга хос белгиларни ўрганганда ҳам, бир неча тилларга хос белгиларни қиёслаб ўрганганда ҳам мурожаат қилинади. Иккала ҳолат ҳам бирдай муҳим илмий аҳамиятга эга, чунки у тилнинг моҳияти, тузилиши, қўлланиши ҳақидаги тасаввур ҳамда билимларимизни кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Шунинг учун умумлаштириш, илмий билишнинг муҳим омили бу қиёслашдир, деган фараз қоидага айланган.

Контрастив лингвистика алоҳида фан соҳаси сифатида шаклланаётган пайтда, албатта, унга турдош соҳалар бўлган қиёсий-тарихий тилшунослик, чоғиштирама тилшунослик, ареал лингвистика, типологик лингвистика, универсалиялар лингвистикаси, контакт лингвистикаси кабилар ҳақида тўхталиб ўтиш, уларнинг тадқиқот майдонини ажратиш уни мустақил соҳа сифатида кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида мавзунинг моҳиятини ташкил қилади. Гарчи санаб ўтилган бу соҳалар ҳам тилларни таққослаб ўрганишнинг назарий асосларига таянса-да, ҳар бир соҳа масалалари ўз олдига қўйилган мақсадига кўра, ўзаро фарқланади. Тадқиқотларда объект бир бўлгани ҳолда мақсад фарқли бўлганлиги сабабли уларнинг масалага ёндашуви, бунинг натижасида ҳулосалари ҳам турлича бўлади.

Дунёда 6000 дан ортиқ тил мавжуд бўлиб, тилшуносликда икки ва ундан ортиқ тилларга тааллуқли бўлган тушунча ва назарияларни ўрганувчи соҳа ва йўналишлар, мустақил бўлимлар шакллانган. Бир неча тиллар тадқиқига бағишланган тадқиқотларда масалага ёндашув қиёсий-тарихий нуқтаи назардан бўладими, чоғиштирама бўладими, контрастив бўладими, типологик бўладими, ареал бўладими, бундан қатъи назар, уларда тилларга хос умумийлик ва ўхшашлик жиҳатларига таяниб иш кўрилади. Шу

асосга кўра, бу соҳалар ўртасида тадқиқот майдони чегараси қатъий аниқланмайди.

Бу соҳаларнинг тадқиқот майдонини ажратиш, тадқиқот мақсадига кўра фарқларни кўрсатиш, уларнинг ўзаро фарқланишига аниқлик киритиш ушбу тадқиқотимизнинг асосий мақсадини ташкил қилади. Шу маънода қиёсий-тарихий тилшунослик индустриални илмий асосга қўйган биринчи лингвистик йўналиш бўлиб, XIX асрнинг бошларида Германияда вужудга келган. Бу йўналишда дастлабки ютуқларнинг қўлга киритилиши Ф.Болл ва Я.Гримм, шунингдек, даниялик тилшунос Р.Раск номлари билан боғлиқдир<sup>48</sup>.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг объекти қариндош тилларнинг ўзаро мувофиқлигини аниқлаш ҳамда уларнинг замон ва макондаги эволюциясини тасвирлашдан иборатдир.

Европалик тилшуносларнинг санскрит тили билан танишуви тилшуносликда катта бурилиш ясади. Турли мамлакатлардаги тилшунослар ўз халқи ва тилининг тарихини чуқур ўрганишга киришдилар. Натижада эса тилларнинг ўхшашлиги, уларнинг қариндошлиги, тил оилаларининг бир умумий қадимий бобо тилдан келиб чиққанлик ҳолатлари илмий асосланди. Мазкур ғоялар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг таянч асоси бўлиб хизмат қилди.

XIX аср бошларида айрим тилшунос олимлар бир-биридан мустақил равишда у ёки бу тил оиласи доирасида тилларнинг қариндошлик муносабатларини аниқлашга киришдилар. Олимлар қариндош тилларнинг сўз ҳамда грамматик шаклларини ўзаро қиёслаб ёки бир тил ривожланишининг турли босқичларидаги сўз ва грамматик шакллари ўзаро таққослаш натижасида мунтазам қайтариловчи мувофиқликларни аниқладилар.

XIX аср охири XX аср бошига келиб «умумий бобо тил» тушунчаси тилшунослар учун тилларни ўрганишнинг техник воситасига, қиёсий-тарихий тадқиқот жараёнида гипотетик (фаразий) моделга айланди. Қиёсий-тарихий тилшунослик масалалари фанда назарий йўналиш касб этади. Унинг вазифаси қариндош тилларнинг ҳар бирининг тарихи ва ривожланишидаги алоҳида факт ва ҳодисаларни ўрганишдир. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг

<sup>47</sup>Исабеков С.Е. О роли внутри и межъязыкового сопоставления в лингвистике // Сравнительно-сопоставительное изучение языков и интерференция: Сб. научных трудов. -Алма-Ата, 1989. 43 с.

<sup>48</sup>Нурмонов А. Танланган асарлар III жилдлик. II жилд Лингвистик таълимотлар тарихи. -Т., «Академнашр» 2012 йил, 24-бет.

мақсади – ўрганилаётган қариндош тиллар учун умумий бўлган бирламчи шаклларни қайта тиклашдир.

XIX асрнинг биринчи ярмида қиёсий-тарихий тилшунослик доирасида тилларни таққослаш билан боғлиқ яна бир йўналиш – лингвистик типология вужудга келди. Мазкур йўналишнинг шаклланишида Ф.Шлегель, А.Шлейхер, В. фон Гумбольт қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Қиёсий-тарихий тилшунослиқдан фарқли равишда типологик йўналишдаги тадқиқотларнинг мақсади лингвистик белгилар асосида дунё тилларининг умумий типларини аниқлашдир.

Иен тилшунослик гуруҳининг раҳбари ва назарий асосчиси германиялик олим Фридрих Шлегель санскрит тилини юнон, лотин ҳамда туркий тиллар билан қиёслаган. Тадқиқотлар натижасида Ф.Шлегель тилларнинг биринчи типологик таснифини яратган. У тилларнинг икки: флектив ва аффиксал тури мавжуд деган хулосага келган<sup>49</sup>.

А.Шлейхер Ф.Шлегелнинг типологик таснифини қайта ишлаб чиқди. Натижада мавжуд икки турга (флектив ва аффиксал) учинчи тур (аморф) қўшилди. Флектив тилларда грамматик тузилиш ривожланишининг икки (синтетик ва аналитик) йўналишини кўрсатди<sup>50</sup>.

Бугунги кунда ўзак структураси асос бўлган тилларнинг морфологик таснифи (флектив, агглютинатив, аморф, полисинтетик) энг машҳур ва кенг эътироф этилган типологик таснифдир. Шунингдек, синтактик типология (гап структураси асосида), фонетик типологиялар ҳам мавжуд<sup>51</sup>. Лексик ва семантик типологияларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар бор. Типологик тадқиқотлар лингвистик белгиларга таяниб, дунё тилларининг умумий турларини аниқлашда назарий характерга эга.

XX аср тилшунослигида типологик тадқиқотлар асосида тилларни таққослаш билан боғлиқ яна бир йўналиш – универсалиялар лингвистикаси вужудга келди. Бу йўналиш тил универсалияларини аниқлайди. Тил универсалиялари (лотинча *universalis* – умумий, барчага баравар тааллуқли) – барча тиллар ёки уларнинг аксариятига хос хусусиятлардир. Б.А.Успенский қайд қилишича, “тил универсалиялари термини остида барча тиллар учун ёки

уларнинг мутлақ кўплиги учун умумий бўлган қонуниятларни тушуниш қабул қилинган<sup>52</sup>”.

Тил универсалиялари назарияси масалалари мундарижасига қуйидагилар кирди:

- 1) барча инсон тилларининг ҳайвонлар тилидан фарқли умумий хусусиятлари;
- 2) ҳар бир тилда у ёки бу воситалар орқали ифодаланган семантик категориялар мажмуи;
- 3) барча тил сатҳларига тегишли бўлган тил структураларининг умумий хусусиятлари.

Тил универсалиялари назариясида кўплаб тил тизимларини қиёслаш орқали бирор хулосавий фикрга келинади.

Тил универсалияларини ўрганиш анча узок тарихга эга. Мазкур йўналишдаги ҳаракатларни биринчи бўлиб антик давр грамматикачилари бошлаб беришган. Улар яратган таълимотга кўра, сўз турқумлари барча тилларда мавжуд бўлиши шарт. «Универсал грамматика» термини эса А.Арно ва К.Ланселор томонидан яратилган «Умумий рационал грамматика» (шунингдек, у Пор-Рояль грамматикаси деб юритилади) асарида илк бора тилга олинган<sup>53</sup>. Тил универсалияларига бўлган қизиқиш XX аср ўрталарида янада ошди. 1961 йили Нью-Йорк шаҳрида тил универсалиялари бўйича конференция бўлиб ўтди ва у мазкур соҳадаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Тилшунослиқда турли асосларга қурилган универсалияларнинг бир неча таснифи таклиф қилинган эди. Шундай қилиб, уларда универсалияларнинг қуйидаги турлари ажратилди: 1) дедуктив ва индуктив; 2) абсолют (тўлиқ) ҳамда статистик (нотўлиқ); 3) бирор бир ҳодисанинг бор-йўқлигини таъкидловчи содда ҳамда турли ҳодисалар орасида маълум бир тобелик борлигини таъкидловчи мураккаб; 4) синхрон ва диахрон<sup>54</sup>.

Соф лингвистик нуқтаи назардан универсалиялар тил сатҳларига кўра ажратилиши мумкин. Бундай ёндашувда универсалияларнинг фонетик, грамматик ва семантик сингари асосий турларини фарқлаш имкони туғилади.

Универсалиялар лингвистикаси назарий йўналиш бўлиб, унда тилларнинг қариндош, ноқариндошлигидан қатъи назар, дунёдаги

<sup>49</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1998. 511 с.

<sup>50</sup> Уша жойдан.

<sup>51</sup> В. Скаличка. О современном состоянии типологии. // Новое в лингвистике. – Вып VI. Языковые контакты. – Москва: Издательство иностранной литературы, 1963. 19-36 с.

<sup>52</sup> Успенский Б.А. Поэтика композиции (Структура художественного текста и типология композиционной формы). – М.: Искусство, 1970. 10 с.

<sup>53</sup> Нурмонов А. Қўрсатилган асар, 20-бет.

<sup>54</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1998. 535 с.

барча тилларда учрайдиган тил ҳодисаларини аниқлаш мақсадида изланишлар олиб борилади. Мазкур лингвистик йўналиш инсон тили табиатини, унинг механизмини аниқлашга, яъни умумий тилшунослик вазифаларини ечишга ҳисса қўшади.

Тилларни қиссий ўрганиш билан боғлиқ яна бир тилшунослик йўналиши ареал лингвистика бўлиб, лингвистик ҳодисаларнинг муайян географик кенгликда тарқалиши ва тиллараро (диалектлараро) муносабатни лингвистик география методлари асосида ўрганади. Ареал лингвистика атамаси фанга 1943 йилда М.Ж.Бартоли ва Дж.Виддасси томонидан киритилган<sup>55</sup>. Ушбу йўналишнинг назарий асослари ва тушунчавий аппарати А.Мейе, Б.А.Террачини, В.Пизани сингари олимлар белгилаб беришган<sup>56</sup>.

Ареал лингвистиканинг асосий вазифаси тилнинг ҳудудий бўлинишини аниқлаш ва изоглоссаларни тавсиф қилишдан иборат. Натижада диалектлар, тиллар ва ареал жамоалар (тил иттифоқлари) ўртасида ўзаро таъсир майдонлари (ареаллари) аниқланади.

Ареал лингвистиканинг марказий тушунчаси тил ёки диалект ареалидир. Бошқача айтганда, тил, шева ва айрим лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш чегараси ва уларнинг йиғиндисидир. Унинг яна бир марказий тушунчаси изоглоссадир. Изоглоссалар боғлиқ ва конвергент изоглоссаларга ажратилади. Боғлиқ изоглоссалар бир генетик умумийликка эга бўлган тилларда ривожланади. Конвергент изоглоссалар эса узоқ даврлар бир ҳудудда яқин алоқада бўлиш натижасида ареал умумийлигининг вужудга келиши асосида ҳосил бўлади.

Ареал лингвистика ҳам назарий йўналиш бўлиб, унинг вазифаси экстралингвистик омиллар таъсирида қариндош бўлмаган тилларда интенсив контактлар натижасида вужудга келган тасодифий ўхшашликларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва тил хусусиятларининг ҳудудий хосланишини тавсифлашдир. Шунингдек, ареал таснифда жаҳон тилларининг харитаси, турли мамлакатларда тил вазияти характеристикаси, айрим тилларнинг қўлланилиш доирасининг кенгайиши каби масалалар ҳам ечимини топади.

Контакт лингвистика ҳам тилларни таққослаш билан боғлиқ яна бир тилшунослик йўналиши бўлиб, бугунги кунда Ер қуррасининг турли минтақаларидаги мамлакатларнинг қиссий ва

негнөөдий ҳаётидаги ўзгаришлар таъсирида мазкур минтақа тиллари ўртасида содир бўлаётган ўзаро тил алоқалари, уларнинг бир-бирига таъсири ва бу ҳодисаларнинг шу минтақа тилларида намои бўлиши масалалари билан шуғулланади.

Европа тилшунослигида бу масалалар билан шуғулланиш XIX аср охиридан бошланди. Хусусан, Г.Шухардт ва И.А.Бодуэн де Куртене ўзаро ҳамкорликсиз, бир-биридан беҳабар ҳолатда «тилларнинг аралашуви» деган тушунчани тилшуносликка олиб кирдилар<sup>57</sup>. Аммо кўп тилшунослар бу терминнинг мавҳумлигини таъкидлаб, танқид қилдилар<sup>58</sup>.

Ҳозирги замон жаҳон тилшунослигида «тилларнинг аралашуви» термини ўрнида тил контактлари бирикмаси кенг қўлланилиб, ушбу термин тилшуносликка биринчи марта А.Мартине томонидан киритилди, У.Вайнрайх эса уни оммалаштирди<sup>59</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмида тилни майдон сифатида тадқиқ қилиш урфга айланди. Бу эса ўз навбатида турли тилларда бир хил номли тил микросистемалари (майдонлари)ни ўрганишга йўналган чоғиштирма тилшуносликнинг вужудга келишига замин тайёрлади<sup>60</sup>. Айтиш мумкинки, бу тадқиқот изланувчига масалаларнинг кенг объектини тақдим этади. Тадқиқотларда қариндош тиллар ҳам, ноқариндош тиллар ҳам ўрганилиши, бундан ташқари ўрганилаётган тилларнинг исталган тарихий ривожланиш босқичи танлаб олиниши мумкин (масалан, XVII аср рус ва немис тиллари ва ҳоказо).

Чоғиштирма тадқиқотнинг мақсади турли тилларнинг ички тизимларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлашдир. Одатда, чоғиштирилаётган тилларнинг тил ости тизимлари алоҳида-алоҳида ўрганилади (масалан, рус ва инглиз тилларида ҳаракат феъллари, немис ва француз тилларида тўсиқсизлик муносабатлари, поляк ва болгар тилларида кийим-кечак номлари ва ҳоказо), сўнг тадқиқот натижалари чоғиштирилади. Чоғиштирма тилшунослик доирасида у ёки бу тил ости тизимини ташкил қилувчи бирликлар мажмуи ва микдоридеги умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланади, ўрганилаётган тиллардаги микросистемалар систем тузилишининг ўзига хослиги белгиланади, чоғиштирилаётган тилларда тил ости

<sup>55</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар III жилдлик. I жилд Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабати. -Т., «Академишр», 2012 йил, 205-бет.

<sup>56</sup> Нурмонов А. Қўрсатилган асар. 206-бет.

<sup>57</sup> Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. -Москва: Иностранная литература, 1950. - С. 175; Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т.1. -Москва: Акад. наук СССР, 1963. 362-372 с.

<sup>58</sup> Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. -Москва: МГУ, 1970. 239 с.

<sup>59</sup> Новое в лингвистике. - Вып. VI, Языковые контакты. -Москва: Прогресс, 1972. 5 с.

<sup>60</sup> Стернин И.А. Контрастная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. -М., Восток-Запад, 2006. 9 с.

тизимларнинг маркази ва периферияси аниқланади. Тил ости тизимларининг маркази бу асосий, энг муҳим маънолар. Улар тил тизимидаги турли фактик гуруҳларнинг асосини ташкил қилади. Марказий семалар бўйича сўзлар парадигма, синонимик қатор, лексик-семантик ва антонимик гуруҳларга ажралади. Тил ости тизимининг периферияси ўз маъносига кўра марказдан энг узок бўлган бирликлар мажмуи. Перифериядаги бирликлар контекстуал маънога эга бўлиши мумкин. Одатда, периферия бошқа семантик майдонлар билан контактга киришиб, тил тизимининг узлуксизлигини ташкил қилади.

Чоғиштириш методи доирасида изланишлар олиб бораётган аксарият тадқиқотчилар ўз илмий ишларининг натижаларини тегишли тилларни ўқитиш жараёнида амалий қўлланилиши мумкинлиги билан кўрсатишади. Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тадқиқотлар асосан назарий характерда бўлиб қолмоқда, чунки икки тилнинг бир хил тил ости системасининг автоном чоғиштирма тасвирини яратишга қаратилган тадқиқотлар натижаларини ўқитиш амалиётида бевосита қўллаб бўлмайди. Чоғиштирма тилшунослик доирасида у ёки бу тил ости тизимини ташкил қилувчи бирликлар мажмуи ва микдоридagi умумий ва фарқли жиҳатлар аниқлангани, ўрганилаётган тиллардаги микро-системаларнинг систем тузилишининг ўзига хослиги белгилангани ҳолда ўқитиш амалиётини микросистемаларнинг систем тузилиши, бирликлар иерархиясининг ўзи қизиқтирмайди, чунки бу тушунчалар тилни амалий ўқитишнинг предметига кирмайди.

Чоғиштирма тилшунослик доирасида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб контрастив лингвистика ривожланиб, асрнинг сўнгги чорагида эса алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиқди.

Контрастив лингвистика тилшуносликда фундаментал назарий билимлар ҳамда уларга боғлиқ тушунча ва ҳодисаларнинг амалиётда қўлланилиши ўртасидаги энг ёрқин ва самарали алоқа шакллари сифатида намоён бўлади. А.А.Залевскаянинг фикрича, бу алоқа кўптармоқлидир:

биринчидан, фактик материалнинг таҳлили ҳамда махсус адабиётларда тақдим қилинган концепцияларнинг танқидий баҳоланиши, чоғиштирилаётган семантик ҳодисалар табиати ҳақидаги маълум фикрларни янгича талқин қилишга имкон беради;

иккинчидан, контрастив лексикология семантик типология, у орқали эса универсалиялар лингвистикаси учун материал тақдим

қилади. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари бир-бирини тўлдириб, тилларни қиёслашни нисбатан тўлиқ ва мукамал тасаввур қилишга имкон беради;

учинчидан, турли комбинацияда олинган тиллардаги семантик тизимларнинг контрастив тасвири мазкур системалар таркибий элементларини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳоланишини амалга оширишга имкон беради. Контрастив таҳлиллар ҳар бир чоғиштирилаётган тил лексикологияси бўйича тадқиқотларга янги йонашувни олиб кириши мумкин<sup>61</sup>.

В.Г.Вилломан ва П.А.Соболевалар фикрича, мазкур тадқиқотлар турли тилларда ҳодисаларнинг яқинлик ёки узоклик, умумий ёки фарқлилик даражасини аниқлашга ёрдам берувчи универсал метатил яратиш имконини беради<sup>62</sup>.

Кўриниб турибдики, мазкур йўналишлар ўз мақсад ва вазифалари, тадқиқот материаллари нуқтаи назаридан бир-биридан ёрқин фарқ қилади. Шунингдек, юқорида кўрсатилган қиёсий-тарихий тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик, ареал лингвистика, типологик лингвистика, универсалиялар лингвистикаси, контакт лингвистикаси сингари йўналишларда контрастив лингвистикадан фарқли ўларок, назарий характерга эга тадқиқотлар етакчилик қилишини алоҳида қайд қилиш лозим. Контрастив лингвистика ўзига турдош бўлган соҳалар ичида алоҳида ўрин тутади. Тил фактлари таҳлилида у ўзининг хос методлари ва аниқ мундарижасига эга. Контрастив лингвистика тилларни асосан синхрон аспектда ўрганади. Контрастив лингвистика учун чоғиштирилаётган тилларнинг ўзаро генетик қариндошлиги принципиал аҳамиятга эга эмас, контрастив метод ҳар қандай тилларни контраст ҳолатда ўрганиш имконини беради. Одатда, контрастив тадқиқотда тилларнинг бири она тили, иккинчиси чет тили мақомида бўлади.

Демак, камида икки тилнинг қиёсий тадқиқи контрастив лингвистиканинг тадқиқот объектини ташкил қилади. Мазкур тилларнинг генетик ёки ареал алоқалари, уларнинг типологик яқинлиги ёки узоклиги чоғиштириш объекти сифатида тадқиқотга тортилиши учун тўсиқ бўлмайди, яъни тадқиқотчи томонидан танлаб олинган икки ва ундан ортиқ тилларга хос бўлган контраст

<sup>61</sup>Залевская А.А. Вопросы теории и практики исследований // Этнокультурная специфика языкового сознания. Сборник статей -М., 1996. 27 с.

<sup>62</sup>Вилломан В.Г., Соболева П.А. Деривация и исчисление в контрастной лингвистике // Семантика и производство лингвистических единиц. -Пермь: Изд-во Пермского ун-та, 1979. 3 с.

белгилар фарқланишлар асосида чоғиштирилади. Бунда, асосан, тилларга хос бўлган зидланувчи ва фарқланувчи нукталар кўрсатилади.

Контрастив лингвистиканинг тадқиқот предметини чоғиштирилаётган тилларнинг умумий ҳамда фарқли жиҳатлари ташкил қилиши мумкин. Бундай ўхшаш ва фарқли жиҳатларни тилнинг барча сатҳларида кузатиш мумкин. Хусусан, контрастив лингвистика доирасида икки тилнинг фонетик ва фонологик, лексик ва фразеологик, морфологик, синтактик тизимларида чоғиштиришни амалга ошириш мумкин. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари чет тилларга ўқитишда самаралидир.

### КОНТРАСТИВ, КОНФРОНТАТИВ ВА ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИК АТАМАЛАРИ ХУСУСИДА

Бугунги кунда терминологияда энг кенг тарқалган «контрастив лингвистика» термини билан бир қаторда «чоғиштирма тилшунослик» ёки «конфронтатив лингвистика» атамалари ҳам ушбу тушунчага муқобил вариант сифатида қўлланилмоқда<sup>63</sup>. Бу ҳолат соҳа доирасидаги илмий қарашларнинг ривожланиш босқичида эканлиги, фикрлар ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги натижасида юзага келади.

Чоғиштирма тадқиқотлар турли системага мансуб тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Одатда, чоғиштирилаётган тилларнинг ички структураси алоҳида-алоҳида ўрганилади, сўнг тадқиқот натижалари чоғиштирилади. Чоғиштирма тилшунослик доирасида у ёки бу тилга хос ички структурани ташкил қилувчи бирликлар мажмуи ва миқдоридоги умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланади, ўрганилаётган тиллардаги микросистемаларнинг систем тузилишининг ўзига хослиги белгиланади, чоғиштирилаётган тилларда кичик системаларнинг маркази ва периферияси аниқланади.

А.Гудавичюс чоғиштирма тилшуносликка шундай таъриф беради: «бир-бирига чоғиштириш методи орқали икки ва ундан ортиқ тиллар ўрганилади. Бундай ёндашувда тадқиқотчи учун ҳам ўхшаш жиҳатлар, ҳам фарқли жиҳатлар муҳим<sup>64</sup> ҳисобланади». Ўзининг «Сопоставительная семасиология литовского и русского

языков» китобида А.Гудавичюс ўрганилаётган фанни «икки ва ундан ортиқ тилларнинг лексик системаларини уларни бир-бирига чоғиштириш методи орқали ўрганувчи фан»<sup>65</sup> деб таърифлайди. Муаллиф контрастив ва чоғиштирма тилшунослик терминларини фарқлашга ҳаракат қилган. У контрастив анализ иккита тил билан бетараганлигини таъкидлаган. Контрастив таҳлил, асосан амалий, хусусан, лингводидактик мақсадларга эга, деб изоҳлайди. «Бир тилни иккинчи тилнинг «ойнасида» ўрганиш контрастив тадқиқотларнинг кўринишидир<sup>66</sup>». Шундай қилиб, контрастив тадқиқотларда маълум бир тил ва унинг қиёс учун танлаб олинган тилдан, одатда, она тилидан фарқланиш хусусиятлари ўрганилади. Мазкур фикрни Р.А.Будагов ҳам тасдиқлайди: «қиёсий-чоғиштирма нуқтан назаридан сўз бирикмаларини ўрганишда фақат ўхшаш жиҳатлар эмас, балки фарқли жиҳатлар ҳам муҳим ва қизиқарлидир<sup>67</sup>». Бундай қарашда контрастив синтаксис масалалари ўртага ташланади.

«Чоғиштирма тилшунослик» атамасини қўллаш узоқ анъанага эга бўлиб, тилларни чоғиштириб ўрганишни назарий англаш бўйича дастлабки ҳаракатларга бориб тақалади<sup>68</sup>. Кейинги босқичларда мазкур атама ифодалаган маъно бир хил эмаслиги ҳамда бироз мавҳумлиги сабабли анча кам қўлланила бошлади,<sup>69</sup> деб таъкидланади. Бундай қараш соҳада илмий изчиллик йўқлигидан далолат беради.

Тилшунос олим И.Ф.Исенова чоғиштирма тилшунослик ҳамда контрастив лингвистиканинг мақсад, вазифа, метод ва умумий принциплари борасида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Чоғиштирма тилшуносликдан фарқли равишда контрастив лингвистиканинг предмети тилларни қиёслаш – лингводидактик нуқтанида бўлиб, тилларнинг шундай таққослануви билан белгиланадики, у иккинчи (чет) тилни яхшироқ ўрганишга ёрдам берадиган жиҳатларни аниқлаш ва тасвирлаш, тил системаларида грамматик ҳамда мазмуний тизимлардаги номувофиқ ҳолатларни изоҳлаш каби мақсадларни кўзда тутати<sup>70</sup>».

<sup>63</sup>Гудавичюс А. Кўрсатилган асар. 4 б.

<sup>64</sup>Гудавичюс А. Кўрсатилган асар. 4 б.

<sup>65</sup>Будагов Р.А. Сравнительно-семасиологические исследования (романские языки). -М., 1963. 19 с.

<sup>66</sup>Григорьева Л.Н. Основные положения контрастной лингвистики и ее внутренняя таксономия // Немецкая филология в Санкт-Петербурге: традиции и современность. СПб, 2001. 48 с.

<sup>67</sup>Ярцева В.Н. Контрастная грамматика. -М., 1981. С 30.

<sup>68</sup>Исенова Ф.К. Сопоставительное языкознание и контрастная лингвистика в современной языковой парадигме. // Вестник КарГУ. Сер. филологическая. - Караганда: изд-во КарГУ, 2007. №1. С 73

<sup>63</sup>Ярцева В.Н. Контрастная грамматика. -М., 1981. 3 с.

<sup>64</sup>Гудавичюс А. Сопоставительная семасиология литовского и русского языков. Вильнюс, 1985. 3 с.

В.М.Мокиенко чоғиштирма тилшунослик ҳамда контрастив лингвистикани бир-биридан фарқлаш ниҳоятда муҳим деб ҳисоблаган. У “биринчи термин чоғиштирилаётган тилларнинг фарқли хусусиятларини аниқлашга йўналтирилганлигини таъкидласа, иккинчиси тиллараро фарқлар билан бирга тиллараро умумий жиҳатларни чоғиштириш жараёнининг ўзини ифодалайди<sup>71</sup>” деб кўрсатади. Бизнинг назаримизда, йўналишларга берилган изоҳлар ўрин алмашиб қолган.

Ж.М.Омашева чоғиштирма тилшунослик ва контрастив лингвистиканинг фарқи ҳақида гапирганда, тил бирликларини структур-систем ҳамда функционал хусусиятларини чоғиштириш нуктаи назаридан тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблайди<sup>72</sup>. Маълумки, тил системаси мураккаблиги ва динамиклиги билан характерланади. Шу сабабли чоғиштирма тадқиқотнинг назарий ҳамда амалий масалаларга қаратилган шакллари тил жараёнларини систем тузилма сифатида тасаввур қилиш заруратини кўймоқда. Шу билан бирга, тадқиқот объекти ва субъекти нуктаи назаридан йўналишларни ажратиш керак. Чоғиштирма ва контрастив тадқиқотлар ўртасидаги фарқлар тадқиқотчи томонидан белгилаб олинган мақсад, вазифалар билан белгиланади: чоғиштирма тилшуносликда назарий ҳамда амалий мақсад ва вазифаларни кўйиш асосида ўрганилса, контрастив лингвистикада эса икки тил системасини қиёслаш асосида ҳар бир тил системасига хос хусусиятларни аниқлаб, иккинчи тилга ўқитиш жараёнини такомиллаштириш кўзда тутилади<sup>73</sup>.

Контрастив лингвистиканинг чоғиштирма тилшунослик таркибидан алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиқишида контрастив тадқиқотларга бағишланган махсус конференциялар ўтказилиши алоҳида ўрин тутди (биринчи конференция 1968 йили АҚШнинг Жоржтаун университетига ўтказилган), когнитив лингвистика муаммолари 1972 йилдан бошлаб халқаро лингвистик конгресслар дастурига киритилди, бугунги кунда “контрастив тадқиқотларни лингвистик фанлар сирасида, тадқиқотлар учун ўз мустақил

объектига эга бўлган назарий йўналиш сифатида мавжудлигини рад этиш асоссиздир<sup>74</sup>”.

«Контронтатив лингвистика» термини фанга Л.Заброки томонидан «контрастив лингвистика» атамаси билан бир вақтда киритилган ҳамда Шарқий Европа мамлакатларида кенг қўлланилган<sup>75</sup>. Гарчи баъзи тилшунослар бу икки терминнинг маъно доирасини ўзаро фарқлашга ҳаракат қилишган бўлса ҳам, айримлар «контрастив лингвистика» ҳамда «контронтатив лингвистика» атамалари синоним терминлар сифатида ҳозиргача бир маънода қўлланиб келинмоқда,<sup>76</sup> деган фикрни билдирадилар.

Тилларни контрастив ҳамда контронтатив чоғиштиришнинг ўзаро муносабати масаласида кўп олимлар ўз фикрларини баён этганлар. Улардан бири В.Я.Миркин контрастив чоғиштириш дидактик қиёсий типология доирасида, контронтатив чоғиштириш эса назарий типология доирасида аҳамиятлидир, деган хулосага келган<sup>77</sup>. Лекин, турлича тарзда билдирилган фикрларда шу нарса леники, тилларни контрастив ёки контронтатив чоғиштиришни типология билан айнан бир хил деб қараб бўлмайди. Айниқса, уларга типологиянинг кўриниши сифатида қараш асло мумкин эмас. Типологиядан фарқли равишда улар муайян чоғиштирилаётган тилларнинг аниқ рўйхатини тақозо этади. Соф типологик тавсиф объект сифатида тил ва унинг барча бирликлари ҳамда хусусиятларини инсоният тилининг намоён бўлиши сифатида ўрганиб чиқади. Уларни чоғиштириш натижасида эса эталон-тилни хусусиятларини аниқлаш, ҳатто бир объект-тилни типологик тавсифлаш имконини беради. Контрастив (контронтатив) тавсиф эса камида иккита объект-тил танланишини тақозо этади.

Л.Н.Григорьева контронтатив лингвистика атамаси остида назарий йўналишни, контрастив лингвистика термини билан эса амалий йўналишни англашни таклиф қилмоқда<sup>78</sup>. Шунингдек, контронтатив лингвистика тилларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганувчи фан соҳаси, контрастив эса фақат

<sup>71</sup>Мокиенко В.М. Сопоставление в теории и практике преподавания русского языка как иностранного / Рус.

яз. за рубежом. 1987. -№5.

<sup>72</sup>Ж.М.Омашева. Сопоставительные и контрастные исследования в современной лингвистике. <http://www.rusnauka.com> (мурожаат санаси 25.10.2015).

<sup>73</sup>Ж.М.Омашева. Кўрсатилган асар.

<sup>74</sup>Ирцева В.Н. Контрастная грамматика. -М., 1981. 40 с.

<sup>75</sup>Григорьева Л.Н. Кўрсатилган асар. 48 б.

<sup>76</sup>Ирцева В.Н. Контрастная грамматика. -М., 1981. 40 с.

<sup>77</sup>Миркин В.Я. Каким быть учебному пособию по курсу «Сравнительная типология иностранного и родного языков»? // Сопоставительный анализ лексических и грамматических единиц (категорий) в русском и германских языках: межвузовский сборник научных трудов. Вологда, 1986. 76-77 с.

<sup>78</sup>Григорьева Л.Н. Кўрсатилган асар. 49 б.

тилларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари билан шуғулланади, деган қарашлар ҳам мавжуд<sup>79</sup>.

Иккинчи тил ўқитиш методикасини асослаш учун фақатгина соф контрастив ёндашув орқали тилларни тасвирлаш етарли бўлмаслиги ўз вақтида Г.Хельбиг томонидан изоҳланган. Унинг фикрича, иккинчи тилни ўрганишдаги хатоларга фақат контрастлар эмас, балки тиллардаги умумий жиҳатлар ҳам сабаб бўлади. Тилларнинг ҳам фарқли жиҳатларини, ҳам умумий жиҳатларини назарда тутган бундай ёндашувни Г.Хельбиг «конфронтатив лингвистика» деб номлаб, унинг асосида ётган лингвистик таҳлил методикаси моҳиятини аниқ белгилаб берган<sup>80</sup>.

Г.Хельбиг ғоялари Р.Штернеманн раҳбарлигидаги жамоанинг «Einführung in die konfrontative Linguistik» номли ишида ўзига хос тарзда акс эттирилди. Мазкур ишда, объектив, ҳеч бир чоғиштирилаётган тилларнинг чоғиштириш бирликларига мансуб бўлмаган «чоғиштиришнинг учинчи аъзоси» - «tertium comparationis» мавжудки<sup>81</sup>, тилларнинг ифода планининг турли воситалари билан мувофиқлаштирилувчи қандайдир мазмуний бирлик сифатида таърифланади. «Tertium comparationis» тушунчаси остида тилларнинг яқин алоқада чоғиштириш жараёни ҳамда бу натижаларнинг ҳаққонийлигини методологик таъминлаши зарур бўлган конфронтатив тавсифнинг метатили масаласи ҳам турибди<sup>82</sup>. Шундай қилиб, собиқ Шарқий Германия тилшунослари «конфронтатив чоғиштириш» тушунчасини фанга киритиб, у контрастив чоғиштиришдан фарқли равишда, биринчи ўринда эталон-тилни мақсадли қўллашни назарда тутишини таъкидлашга ҳаракат қилишган.

Рус тилшунослигида контрастив ҳамда конфронтатив тилшунослик йўналишларни ажратиш аънанаси мавжуд эмас, немис тилшунослигидаги «kontrastive linguistik» ҳамда «konfrontative linguistik» атамаларига «контрастив лингвистика» термини мувофиқ келади. Р.Штернеманн жамоасининг «Einführung in die konfrontative linguistik» китобини «Контрастив лингвистикага кириш» деб таржима қилинганлиги ҳамда В.Н.Ярцева хотирасига

<sup>79</sup> Гергиева З.Г. О статусе контрастной лингвистики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009, №6, 204 с.

<sup>80</sup> Хельбиг Г. Языкознание – сопоставление – преподавание иностранных языков // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М.: «Прогресс», 1989. 308 с.

<sup>81</sup> Штернеманн Р. (рук.) и колл. Введение в контрастивную лингвистику // Новое в зарубежной лингвистике. -М.: Прогресс, 1989. –Вып. XXV. 148 с.

<sup>82</sup> Штернеманн Р. (рук.) и колл. Введение в контрастивную лингвистику // Новое в зарубежной лингвистике. -М.: Прогресс, 1989. –Вып. XXV. 144 с.

бағиноланган биринчи илмий ўқишлар материаллари учун «Контрастив лингвистика ва типология» номи қўлланиши фикримиз ишоти бўла олади.

Лекин шу билан бирга, Б.А.Абрамовнинг немис ва рус тиллари қиёсий типологияси бўйича нашр қилинган маърузаларида муаллиф томонидан қўлланилган ёндашув конфронтатив типология деб юритилган<sup>83</sup>.

В.Гакнинг қарашларига кўра, қиёсий, чоғиштирма, конфронтатив, контрастив лингвистика атамалари бир-биридан фарқли атамалардир. Контрастив лингвистика – ўзининг мақсади, объекти, таҳлил методларига эга бўлган, мустақил шаклланган фан. «Контрастив лингвистиканинг умумназарий тавсифи фонологиядан бошлаб, стилистика ва матн назариясигача бўлган тилнинг барча сатҳларини қамраб олувчи жуфт тилларнинг чоғиштирма тавсифи енгарини турли хил изланишларнинг борган сари кўпаяётгани, тилшунослиқда контрастив лингвистика йўналишининг ривожланиши ва аҳамияти ортаётганидан далолат беради. Дастлаб контрастив таҳлил тил системасининг асосий фактлари билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий тилшуносликнинг умумий ривожланаётган йўналишларига қараб матнга, нутқий актларга кўпроқ мурожаат қилмоқда»<sup>84</sup>.

Контрастив лингвистика мустақил фан бўлишга даъвогарлик қилар экан, назарий тилшунослик бу фанга оид терминологик бирликларни ажратишни талаб қилади. Бундай қараш тарафдорларидан бири И.А.Стерниндир. Унинг таъкидлашича, контрастив лингвистиканинг мақсади тиллар ўртасидаги фарқларни аниқлашдан иборат. Бирор бир тилни ўрганиш бўйича контрастив лингвистиканинг ўз методи мавжуд. Бу соҳа хорижий тилларга ўқитиш методикасида ўз амалий татбиқига эга. И.А.Стерниннинг фикрича, буларнинг барчаси замонавий тилшунослиқда контрастив лингвистикани терминологик ажратиш зарурлигидан далолат беради. «Контрастив лингвистикасининг ўрганиш объекти бу тадқиқотчининг она тилиси билан иккинчи тилни чоғиштиришдир<sup>85</sup>». Контрастив лингвистиканинг тадқиқот объекти сифатида кўп ҳолларда фақат иккита тил олинади, одатда, она тили ва чет тили,

<sup>83</sup> Абрамов Б. А. Теоретическая грамматика немецкого языка. Сопоставительная типология немецкого и русского языков. -М.: ВЛАДОС, 1999. 176-177 с.

<sup>84</sup> Так В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. -М., «Прогресс», 1989, 19- бет.

<sup>85</sup> Стернин И.А. Кўрсатилган асар. 23 б.

иккинчисини танлаш эса муайян жамиятнинг маълум тарихий ривожланиш босқичидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади<sup>86</sup>. Баъзан ўзаро таққосланган кўплаб тиллар билан ҳам иш кўрилади<sup>87</sup>. Чоғиштирилаётган тиллар жуфтлигига учинчи тил материалларини ҳам жалб қилиш мумкин, лекин амалиётда бундай ҳолат камдан-кам учрайди. Бу борада И.П.Сусов кўрсатиб ўтганидек, бошқирд мактабида инглиз тилини ўқитишда инглиз, рус, бошқирд тилларининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади<sup>88</sup>. Чоғиштирилаётган тиллардан бири, одатда, асос қилиб олинади, яъни контрастив тадқиқотнинг таянч нуқтаси вазифасини бажарувчи тил, унинг ички тизими икки тил ўртасида мавжуд ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш учун тадқиқот объектига тортилади. Бунда она тили асос қилиб олинади, иккинчи тил эса, асосан, ўрганилаётган чет тили бўлиб, чоғиштириш тили вазифасида қўлланилади ҳамда асос қилиб олинган тил у билан таққосланади. А.В.Фёдоровнинг фикрича, яқин қариндош тиллар ҳам, у ёки бу даражада генетик қариндошлиқда бўлган тиллар ҳам, умуман бир-бири билан генетик алоқаси йўқ тиллар ҳам чоғиштирилиши мумкин<sup>89</sup>.

Контрастив таҳлил жараёнида тадқиқотлар бир томонлама эмас, балки қарама-қарши йўналишда ҳам таҳлил қилишга йўл қўйишига эътибор бериш лозим. Масалан, контрастив метод билан чет тили ўрганилаётганда чоғиштириш асосини тадқиқотчининг она тилисига нисбатан олиш мумкин. И.А.Стернин фикрича, худди шундай қилиб иккита чет тилини ўрганиш мумкин, бу жараёнда улардан бири асос қилиб олинади, иккинчиси эса чоғиштириш тили сифати қўлланилади. Бундай ҳолатда ҳам тадқиқот бир йўналишда амалга оширилади, яъни биринчи тилда мавжуд бўлган ҳодисалар иккинчи тилдаги ўхшаш ҳодисаларга қиёслаб ўрганилади. Иккинчи тил ўрганилаётган тил хусусиятларини ёритиб берувчи ойна вазифасини бажаради<sup>90</sup>. Контрастив изланишларда “тилнинг ўзига хослигини аниқлаш мақсадида бошқа бир тил билан систем

<sup>86</sup> Григорьева Л.Н. Кўрсатилган асар. 49 б.

<sup>87</sup> Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. -М., 1981. 31 с.

<sup>88</sup> Сусов И.П. Введение в теоретическое языкознание // Balkan Rustistics: <http://www.russian.slavica.org/printout12.html>.

<sup>89</sup> Федоров А.В. О задачах сопоставительного изучения языков // Немецко-русские языковые параллели. -М., 1961. 16 с.

<sup>90</sup> Стернин И.А. Кўрсатилган асар. 35 б.

ниёслаш орқали тилларни ўрганиш<sup>91,7</sup> дан иборат, бўлган чоғиштириш методи қўлланилади.

Контрастив лингвистика асос қилиб олинган тил бирлигининг чоғиштирилаётган тилдаги барча шаклий вариантларини ўрганиб чиқади<sup>92</sup>. Контрастив лингвистиканинг асосий вазифаси чоғиштирилаётган тил фонида тадқиқ қилинаётган тил семантикасининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бирликларнинг фаолиятини аниқлашдир. Бир тил фонида иккинчи тил семантик бирликларини тавсирлаш натижасида тадқиқ қилинаётган тил бирликларининг миллий ўзига хослиги намоён бўлади. Тил бирлиги семантикасининг миллий ўзига хослиги унинг чоғиштирилаётган тил бирликларидан семантик компонентлар таркиби билан фарқланишидир<sup>93</sup>. Лексика ва фразеологиянинг контрастив тадқиқи чет тили сифатида ўқитилаётган тилнинг ўрганиш учун осон, методик қулай тавсифини яратишга имкон беради. Шунингдек, янги тилдаги ўқув луғатларни – маълум бир миллатга мансуб шахслар учун изоҳли луғат, ўрганилаётган тилнинг изоҳли таржима луғати ва ҳоказоларни яратишга йўл очади<sup>94</sup>.

Юқорида кўрсатилганидек, контрастив лингвистиканинг предмети чоғиштирилаётган тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир, бошқа турдош фанлардан фарқли ўлароқ тафовутли жиҳатларга биринчи галда эътибор берилади. Айнан нима чоғиштирилиши моҳиятан олдинга қўйилган амалий вазифалар билан белгиланади, чунки бир лингвистик тадқиқот доирасида икки тил структурасининг глобал чоғиштирилиши анча машаққатли ва имкони бўлмаган иш саналади.

Тилларни чоғиштирганда барча тил фактларини бир вақтнинг ўзида қиёслаш мумкин эмас. Чунки тилнинг ҳар бир жиҳати ўзига хослигига кўра алоҳида ёндашувни талаб қилади. Тилнинг товуш томони, морфологик томони ва грамматик структураси турли хусусиятларга эга. Тил сатҳларининг ўзига хослигини ҳисобга олиш тил материалларининг қиёсланиши амалга оширилаётган базани ҳамда шартли равишда «ўлчов бирлиги» деб номланган жиҳатни аниқлашдаги аксарият қийинчиликлар тадқиқотнинг таянч

<sup>91</sup> Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. -М: 1998, 239 с.

<sup>92</sup> Стернин И.А. Кўрсатилган асар. 262 б.

<sup>93</sup> Стернин И.А. Кўрсатилган асар. 263 б.

<sup>94</sup> Стернин И.А. Кўрсатилган асар. 264 б.

нуқтаси етарли даражада ўйлаб танланмаганлигидан келиб чиқади<sup>95</sup>.

Бошланғич нуқта сифатида у ёки бу сатҳдаги (фонетик, лексик, грамматик, стилистик, матн ва ҳоказо) тил ҳодисаларини танлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Сўнг чоғиштириш мақсадида танланган тил ҳодисаларининг шаклий ва мазмун жиҳатлари орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни таҳлил қилиш лозим, яъни уларни семантик ва функционал имкониятларга эга мазкур тил инвентар тизимининг таркибий компонентлари сифатида қиёслаш ёки биринчи ва иккинчи тилларда у ёки бу семантик-функционал мазмун қандай ифода шаклига эга бўлиши мумкинлигини чоғиштириш каби таҳлиллар. Тилларнинг чоғиштира таҳлилига ёндашувнинг бундай принципи ҳам контрастив лингвистика доирасида, ҳам соф назарий аҳамиятини сақлаганлигидан далолат беради<sup>96</sup>. Бутун тил бирликларининг шакл ва мазмун муносабатидан иборат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, чоғиштира изланишларда ҳар икки йўналиш ҳам муҳим. Бу борада Л.К.Жаналина «контрастив таҳлил икки тилни қиёслаш жараёнида, икки босқичли семасиолого-ономосиологик таҳлил белгиларини ўзида акс эттиради. Бунда ономосиологик таҳлил соф илмий тасвир соҳасига ўтиб, объектив оламдан тил томон йўналтирилган ҳаракатни кузатмасдан, биринчи тилни ўрганиш жараёнида топилган маънолар учун иккинчи тил қандай шаклларни тақдим этишини аниқлайди» деб ҳисоблайди<sup>97</sup>. Контрастив тадқиқотнинг мақсади тил система ости тизимларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш эмас, балки бир тил бирликларини иккинчи тилдаги мувофиқ бирликлар билан чоғиштирганда улардаги семантик ва функционал фарқларни аниқлашдир. И.А.Стернининг фикрича, бунда асосийси фарқларни аниқлаш, чунки ўхшаш жиҳатлар «автоматик» тарзда намоён бўлади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган фикрлар замонавий тилшуносликда контрастив лингвистикани терминологик ажратишни ёқлаб, хулоса қилишга имкон беради.

Биз контрастив лингвистикани мустақил, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган фан сифатида эътироф қилиниши тарафдоримиз. Таъкидлаш зарурки, бошқа мультилингвистик фанлар

<sup>95</sup> Ярцева В. Н. Контрастивная грамматика. -М., 1981. 10-11 с.

<sup>96</sup> Григорьева Л.Н. Кўрсатилган асар. 49 б.

<sup>97</sup> Жаналина Л.К. Сопоставительное словообразование русского и казахского языков: Учеб. пособие. - Алматы: Респуб. издат. Каз. акад. Образования им. Қ. Алтынсарина, 1998. 105 с.

каторида контрастив лингвистика биринчи галда амалий характерга эгаллиги билан фарқланади, яъни мазкур фан амалий мақсадларга, улар сирасида энг муҳими лингводидактик мақсадларга эга. Бу эса контрастив лингвистиканинг тилларни таққослаб ўрганиш билан шуғулланувчи лингвистик фанлар орасидаги асосий фарқидир.

## КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКА ВА ЛИНГВОДИДАТИКА

Бугунги кунда контрастив метод фақатгина тил назарияси доирасида эмас, амалий-тадқиқотларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Контрастив лингвистика соҳасига оид ишлар қўламини кенгайтириб бориши натижасида уларда белгилаб берилган вазифалар ҳам ортиб бормоқда. Тилшуносларнинг аксарият қисми контрастив лингвистика тушунчаси остида тилларни лингводидактик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қиёслаб ўрганишни тушунишади. Шунинг учун улар, контрастив лингвистиканинг вазифаси ўрганилаётган чет тили ҳамда она тили ўртасидаги фарқларни кўрсатиш, интерференция манбаларини аниқлаш, типик хатоларни изоҳлаш, ўрганувчилар учун чет тилининг муҳим жиҳатларини белгилаб беришдан иборат, деб ҳисоблашади. Рус тилшунослигида Е.Д.Поливанов тилларни лингводидактик мақсадларда қиёслаб ўрганиш йўналишига асос солган<sup>98</sup>. У ўз асарларида қиёсланаётган тиллар ўртасидаги фарқлар ва улар туфайли келиб чиқадиган қийинчиликларни кўрсатишдан ташқари, тил эгалари томонидан ўзга тилдаги нутқда йўл қўйиладиган типик хатоларни ҳам аниқлаб берган.

Бугунги кунда икки тилнинг тўлиқ контрастив тасвирини яратиш бўйича кўп мамлакатларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур мураккаб жараён икки ва ундан ортиқ тил билувчи фонологлар, грамматикачилар, лексикологларнинг ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Шунинг учун қиёсланаётган тилларнинг алоҳида олинган сатҳлари, система ости тизимлари, категориялари бўйича дарсликлар, қўлланмалар, монографиялар, диссертация ишлари яратилмоқда. Айниқса, тилларни контраст ҳолатда тасвирлаш лингводидактика соҳасида янада кенгайтириб бормоқда.

Қўплаб тилшунослар тилларни лингводидактик мақсадларда контраст ҳолатда тадқиқ қилиш лингвистик ва методик вазифа-

<sup>98</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. -Ташкент, 1933. 182 с.

ларни ҳал қилишга ёрдам беради, деб ҳисоблашмоқда. Лингвистик вазифа мазкур тиллардаги барча умумий жиҳатларни чуқурроқ аниқлаш ҳамда бошқа тил билан қиёсланганда аниқ, равшан намоён бўлган фарқли, специфик жиҳатларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Назарий мақсадларда она тили ва иккинчи тилни контраст ҳолатда тадқиқ қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: она тили ва иккинчи тил тизимларини чуқурроқ ўрганиш, уларда мавжуд ўхшашлик ва фарқларнинг сабабларини аниқлаш, бир тилни ўрганиш жараёнида қиёсланаётган тилларнинг четда қолган белгиларини очиб бериш, қиёсланаётган тиллар ўртасидаги мувофиқликлар ва номувофиқликларни системали аниқлаш.

Тилларни назарий жиҳатдан контраст ҳолатда ўрганиш бўйича В.Д.Аракин<sup>99</sup>, В.Г. Гак<sup>100</sup>, В.Н. Ярцеваларнинг<sup>101</sup> ишларини мисол қилиш мумкин. Уларда она тили ва иккинчи тил ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш билан бир қаторда қиёсланаётган тилларга хос ҳодисалар бўйича мавжуд концепцияларга аниқликлар киритилган ва ривожлантирилган. Тилларни назарий мақсадларда қиёсий ўрганиш солинштирилаётган тиллар тизимлари тадқиқига чуқурроқ кириб бориш имконини беради, ўрганилаётган тилларнинг ҳар бирининг алоҳида олинган тизими ҳақидаги билимларни кенгайтиради, умумий тилшунослик мундарижасини янги билимлар билан бойитади, гипотетик универсалиялар тўғри ёки нотўғрилигини исботлайди. Бундан ташқари, тилларни контрастив тасвирлаш лингводидактика соҳаси ривожиди ҳам катта аҳамиятга эга.

Она тили ва иккинчи тилни қиёслаш натижасида аниқланган ҳар қандай ўхшаш ва фарқли жиҳат методик томондан муҳим бўлмаслиги мумкин. Қиёсланаётган тиллар ўртасида аниқланган ўхшаш ва фарқли жиҳатларни қайд қилиш концепциясини тўрт тушунча асосида шакллантириш мумкин: 1) методик релевант (муҳим) ўхшашлик; 2) методик релевант (муҳим) бўлмаган ўхшашлик; 3) методик релевант (муҳим) фарқ; 4) методик релевант (муҳим) бўлмаган фарқ<sup>102</sup>.

А.А.Реформатский қиёсланаётган тил ҳодисалари бир қарашда ўхшаш бўлиб кўриниши мумкин, деб таъкидлаган. Мазкур «ўхшашликка» асосланиш хавфлидир, чунки ушбу сохта «ўх-

<sup>99</sup> Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. Учебное пособие. 3-е изд. М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005. 232 с.

<sup>100</sup> Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. -М., Международные отношения, 1977.

<sup>101</sup> Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. -М.: Наука, 1981.

<sup>102</sup> Юсупов У.К. Лингводидактический аспект сопоставительного изучения языков. В кн.: Сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку. -М.: Наука, 1987. 194 с.

шашликлар» тилнинг идеоматиклиги билан боғлиқ бўлиб, улар чалғитади<sup>103</sup>. Бу ўринда методик релевант хусусиятни лингвистик релевант хусусиятдан фарқлаш ўта муҳимдир.

Методик релевант ўхшашлик, бу она тили кўникмаларини ўзга тилдаги нутқда қўллашга асосланган, нутқ жараёнига ижобий таъсир қилувчи ўхшашликдир. Методик норелевант ўхшашлик бир тилдаги кўникмаларнинг иккинчи тилга ўтказилишига ижобий таъсир ўтказмайди, ундан методик хулоса ёки тавсия чиқариб бўлмайди. Методик релевант фарқ тиллараро интерференцияга сабаб бўлиши мумкин бўлган она тили ва иккинчи тил ўртасидаги фарқдир. Ундан фарқли равишда методик норелевант фарқ тиллараро интерференцияга олиб келмайди. Шунини таъкидлаш кераки, ўзаро фарқи қиёсланаётган тиллардан бирининг эгалари учун методик релевант бўлган ўхшашлик айни пайтда иккинчи тил эгалари учун методик норелевант бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги сифат сўз туркумидан фарқли равишда рус тилида сифат сўз туркуми сон, жинс, келишик категорияларига эга. Мазкур фарқ ўзбек тили эгалари учун методик релевант, русийзабонлар учун эса методик норелевантдир. Сифат сўз туркумида сон, жинс, келишик категорияларини фарқлашга ўрганмаган ўзбек тили эгаси тилдан фойдаланишдаги кўникмалари асосида уларни рус тилида ҳам фарқламайди. Бунинг натижасида унинг нутқида «новый книга», «чистая окно» каби хатоликлар юзага келиши мумкин.

Тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни методик релевант ва норелевантга ажратиш катта амалий аҳамиятга эга. Контрастив лингвистика ўзга тилга ўқитиш хусусий методикаси учун фақат аниқланган ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг методик релевантлик, яъни уларнинг интерферент имкониятлари таҳлил қилингандагина таянч бўлиб хизмат қилиши мумкин. Акс ҳолда контрастив тадқиқот натижаларидан лингводидактик мақсадларда фойдаланиб бўлмайди. Она тили ва иккинчи тил ҳодисаларининг методик релевант ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш учун уларни чуқур таққослаш зарур, натижада қиёсланаётган тилларнинг иккинчи тилни ўрганишда кўзга ташланмайдиган белгилари намоён бўлади. Шундай қилиб, тилларни методик мақсадларда контрастив тадқиқ қилишнинг вазифалари қуйидагиларни аниқлашдан иборат: қиёсланаётган ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар;

<sup>103</sup> Реформатский А.А. О сопоставительном методе. В кн.: Лингвистика и поэтика. -М., 1987. 40 с.

ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг методик релевантлиги; тиллараро интерференциянинг табиати; тиллараро тизимли мувофиқликлар.

Чет тили ўқитувчиси тилни эркин билиши, унинг структурасини лингвистика нуқтаи назаридан чуқур ва тўғри тушунишидан ташқари, улар чет тилининг ўқувчиларни она тилидан узоқлаштирувчи ёки яқинлаштирувчи томонларини аниқ тасаввур қилиши, тиллараро фарқларнинг интерферент имкониятлари, оқибатлари ва уларни ижобий ҳал этиш ёки улардан мақсадли фойдаланиш йўлларини ҳам билиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, контрастив лингвистика назарий асосларининг янада чуқурроқ тадқиқ қилиниши лингвистик билимларни бойитиш билан бирга, лингводидактикага доир амалий ишларни тартибга солишга кўмак беради. Тилларни лингводидактик мақсадларда қиёслаб тадқиқ қилиш ҳам ўз навбатида тизимли қиёслашни тақозо этади. Лекин ўзга тилга ўқитишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ўқув предмети (она тили бўлмаган тил)нинг мазмуни қиёслаш учун тил элементлари, уларнинг белгилари ва муносабатларини танлаб олишга маълум чекловлар қўяди, яъни, қиёсланаётган тиллар ўртасидаги фарқларни методик нореlevant бўлган элементлар, белгилар, муносабатлар ҳисобига қисқартиради.

## КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКА ВА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ

1980-йилларнинг охири 1990-йилларнинг бошларидан бери компьютерлаштириш натижасида бир қанча матнлар электронлаштирилиб, ахборот сақлаш имконияти кенгайди. Бу эса тилшуносларга тил ҳодисаларини таҳлил қилиш ва тасвирлашда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Электрон тил корпусининг юзага келиши ва ундан фойдаланиш натижасида тилшуносликнинг кўплаб янги йўналишлари қаторида контрастив лингвистикада ҳам ривожланишнинг янги босқичи вужудга келди.

Катта ҳажмларда электрон матнларнинг мавжудлиги, контрастив лингвистиканинг диққат марказини кенг маънодаги лингвистик системадан тилни қўллашнинг муайян аспектларига ёки бошқача қилиб айтганда, статистик лингвистик тасвирдан динамик лингвистик тасвирга олиб келди. Шу билан бирга, контрастив лингвистика чет тилига ўқитиш методи сифатида қўлланишидан

ташқари, таржима қуроли сифатида ишлатила бошланди. Натижада контрастив лингвистика аста-секинлик билан тўлақонли академик фанга айланди.

Ҳозирда контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро муносабати масаласи кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Яқин ўтмишда ҳам мазкур икки фан ўртасида аниқ чегара йўқ эди. Я.И.Рецкернинг таъкидлашича, мустақкам лингвистик асоссиз таржима ҳақида ҳатто тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Тил ҳодисаларини қиёсий ўрганиш ҳамда асл нусха тили билан таржима тили ўртасидаги ўзаро мувофиқликлар айнан шундай асос вазифасини бажаради. Лексикология, фразеология, синтаксис ва услуб соҳаларидаги мазкур мувофиқликлар таржима назариясининг асосини ташкил қилиши лозим<sup>104</sup>. Асосда тил ва тил ҳодисаларини қиёслаш, яъни контрастив лингвистика ҳамда таржима назарияси бир-бирига тенглаштирилган, шу билан бирга, уларга айнан бир нарса деб қаралган.

Контрастив таҳлил методи таржима назарияси ва амалиёти учун алоҳида аҳамиятга эга. М.А.Грошева таржима, одатда, амалий фан деб ҳисобланганлигини, контрастив лингвистика эса унинг назарияси деб тан олинганлигини таъкидлаган<sup>105</sup>. У контрастив лингвистика ва таржима назарияси мувофиқлигини тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтган. Таржима назарияси контрастив лингвистика ҳамда икки тил типологиясига амалий асосланиши, контрастив таҳлил эса танланган шакл ва мазмунни айнан инфодаловчи шакл танлаш методи сифатида қўлланиши ҳақида маълумот беради. Шунингдек, тилларнинг контрастив тадқиқи асл нусха ва таржима нусха таҳлили асосида амалга ошириши мумкинлиги, ўз навбатида контрастив тилшунослик таржима назариясига тил бирликларининг мувофиқлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиши хусусида тўхталиб ўтади<sup>106</sup>.

Контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро муносабатига доир бундай фикр таржима муаммоларини айрим лексик бирликлар, морфологик категориялар, синтактик структуралар мувофиқлигига кўра олиб борадиган баъзи бир назарий қурилмаларда ҳали ҳам учрамоқда. Баъзан таржима назарияси

<sup>104</sup>Рецкер Я. И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык // Теория и методика учебного перевода. -М., 1950.

<sup>105</sup>Грошева М.А. О взаимосвязи лингвистических наук, исследующих соотношение между различными языковыми системами. <http://grgf.utmn.ru/last/No8/list.htm> (мурожаат санаси: 05.05.2015).

<sup>106</sup>Грошева М.А. О взаимосвязи лингвистических наук, исследующих соотношение между различными языковыми системами. <http://grgf.utmn.ru/last/No8/list.htm> (мурожаат санаси: 05.05.2015).

умуман контрастив лингвистика билан эмас, балки унинг бўлимларидан бири билан тенглаштирилади. Масалан, Л.С.Бархударов "... таржима назарияси, бу «матннинг чоғиштирма лингвистикаси» дан бошқа нарса эмас<sup>107</sup>», деб ёзган.

Рус ва француз тиллари лексикаси ва грамматикаси таҳлили, таржима назарияси ва амалиёти, тил назарияси бўйича ишларни тайёрлашда В.И.Гак контрастив таҳлил методидан фойдаланган<sup>108</sup>.

Контрастив лингвистика таржима назарияси учун, таржима назарияси эса контрастив лингвистика учун катта аҳамиятга эга эканлигини У.К.Юсупов ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган<sup>109</sup>.

Контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро алоқаси масаласини Э.Косериу Трир шаҳрида бўлиб ўтган халқаро симпозиумдаги «Контрастив лингвистика ва таржима назарияси: уларнинг ўзаро алоқаси» номли маърузасида батафсил кўриб чиққан<sup>110</sup>. Косериу қарашларига мувофиқ, тилларнинг контрастив таҳлили тил ички қурилишининг турли сатҳларида амалга оширилиши мумкин: тил нормаси сатҳида (яъни, одатий, анъанавий тил функцияларини амалга оширишда), тил типи даражасида (яъни, ўзаро алоқаси нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган тил ички қурилиши тамойиллари, функционал категорияларида), тил системаси даражасида (яъни, функционал оппозициялар ва улар билан боғлиқ парадигматик гуруҳлар, масалан, лексик ва грамматик майдонлар). Унинг фикрича, фақат тил типи ва тил системасига йўналтирилган контрастив лингвистика таржима учун етарли аҳамиятга эга эмас. Бунинг сабаби эса, таржимада функционал категориялар ва функционал бирликларнинг ўзаро муносабати ҳақида сўз юритилмаслигидадир. Иккинчи томондан, функционал бирликларнинг амалда қўлланишини ўрганувчи тил нормаси сатҳидаги контрастив лингвистика, айнан таржима жараёни амалга ошадиган соҳани камраб олади ва унга тўғри келади<sup>111</sup>.

Э.Косериу тилларнинг систем-структур ва типологик чоғиштирилиши билан таржима назарияси бевосита алоқадор эмас, таржима назарияси ҳамда контрастив лингвистиканинг ҳаракатдаги

<sup>107</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод. -М.: Междунар. отношения, 1975. 28 с.

<sup>108</sup> Комиссаров В.Н. Перевод, как лингвистическая проблема // Проблемы переводческой интерпретации текста в трудах российских лингвистов конца 20-го, начала 21-го веков. Ереван: Лингва, 2009.

<sup>109</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. -Т.: Фан, 2007. 13-бет.

<sup>110</sup> Швейцер А.Д. Теория перевода (статус, проблемы, аспекты). -М.: Наука, 1988. 10-бет.

<sup>111</sup> Косериу Э. Контрастивная лингвистика и перевод: их соотношение. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXV. -М. Прогресс, 1989. 77-бет.

унга йўналтирилган соҳаси бир-бирига яқин туради, деб эъланлаган. Айнан шу соҳа таржима назарияси билан яқин икки тарафлама алоқадорликка эга. Контрастив лингвистиканинг мазкур соҳаси тил структураси бирликларининг нутқда қўлланилиши, яъни тил бирликларининг нутқий фаолиятдаги роли масалалари билан шуғулланади. Бу жараён икки тилни камраб олса-да, бир тилдан иккинчи тилга йўналтирилган бўлади. Лекин шу билан бирга, норма ва узусга йўналтирилган контрастив лингвистика таржима назариясига тенг деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Тилнинг қайси томони (структур типи, тизими, нормаси, узуси) контрастив таҳлил марказида бўлишидан қатъий назар, уларда бир умумийлик бўлади, яъни контрастив лингвистика доим контрастив таҳлилга тортилган тилга, муайян тиллар жуфтлигига йўналтирилган. Унинг мақсади тилларни синхрон чоғиштириш, тадқиқотга тортилиб, чоғиштириш эталони сифатида қабул қилинган тил ёки ягона метатил асосида уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир.

Таржима назариясининг предмети тиллараро мулоқотнинг унга хос кўриниши бўлиб, мақсади – таржима моҳияти, унинг механизмлари, амалга ошириш йўллари, унга таъсир қилувчи ҳамда унинг нормаларини тартибга келтирувчи тилнинг ички ва ташқи омилларини аниқлашдир.

А тил ва В тил функционал бирликлари ўртасидаги мувофиқликларни тадқиқ қилиб, контрастив лингвистика таржима назариясини қуриш учун зарурий фундамент яратади. Ҳақиқатан ҳам таржима «технологиясини» ташкил қилувчи кўпгина таржима трансформациялари охир оқибатда таржима жараёнида ўзаро «тўқнашаётган» тилларнинг функционал-структур фарқларига бориб тақалади<sup>112</sup>. Контрастив лингвистика ва таржима назарияси маълумотлари ўртасида кўп ҳолларда сабабий алоқа кузатилади. Шу билан бирга, контрастив лингвистика қатор ҳолатларда нима учун таржимада у ёки бу амалиёт қўлланилади, деган саволга жавоб беради.

Контрастив лингвистика таржима назарияси учун дастлабки маълумотлар беради. Мазкур маълумотлар тилларнинг структур типлари, тизимлари ва нормалари ўртасидаги тафовутлар тўғрисида бўлиб, таржимонлик ишида улар таянч нуқталарни белгилаб олишга ёрдам беради. Яъни контрастив лингвистика чет тилларини ўқитишда ҳам аҳамиятли бўлиб, бу ўринда маълумотлар таржима

<sup>112</sup> Швейцер А.Д. Теория перевода (статус, проблемы, аспекты). -М.: Наука, 1988. 12-бет.

назариясидан фаркланади. Демак, тадқиқот объекти бир хил бўлган бу фанлар ўртасидаги фарқ уларда татбиқ қилинган ёндашувларнинг хусусиятларига тегишлидир. Мисол сифатида таржима назарияси ва чоғиштирма матн лингвистикасида чоғиштириш хусусиятларини кўриб чиқамиз. В.Н.Комиссаров таржимашуносликда лингвистик методлар кенг қўлланишини таъкидлайди. Бунда улар бутунлай ўзлаштирилади ёки уларга зарурий ўзгартиришлар киритилади<sup>113</sup>.

«Таржима жараёнида турли тиллардаги матнлар ўртасида маълум бир мувофикликлар ўрнатилади» деган қоидага асосланиб, тадқиқотчи таржималарда контрастив таҳлил методларини қўллашни табиий деб ҳисоблайди. В.Н.Комиссаров бундай таҳлилнинг тўртта шаклини кўрсатиб ўтади:

1. Таржима матнини асл матн билан қиёслаш (асл нусха мазмуни ва структурасининг таржимага яқинлик даражаси, бир хилликка эришиш усуллари, таржима усуллари қолиплари ва ҳоказо хусусида қимматли маълумотлар беради).

2. Турли таржимонлар томонидан амалга оширилган бир матннинг бир неча таржима нусхаларини қиёслаш (таржимоннинг малакаси ва ўзига хослигига алоқаси бўлмаган умумий қонуниятлар аниқланади).

3. Таржима матнларини таржима тилидаги асл матнлар билан қиёслаш (таржимада тил нормаларининг бузилиш ҳолатлари, қолип усуллардан фойдаланганлик ҳолатлари аниқланади).

4. Биринчи тил ва таржима тилидаги параллел матнлар, ўхшаш функционал жанр ёки услубга тааллуқли, яқин мазмунга эга матнлар қиёсланади (ўзаро мувофик матнларда тил воситаларининг қўлланишидаги фарқлар аниқланади ва бу таржимада зарур услубий мослашувни амалга оширади).

В.Н.Комиссаров «таржима тили муайян миллий тилнинг ўзига хос тизим ости кўринишини ўзида мужассамлайди» деб изоҳ берган. Таржимон бошқа тилдаги асл нусха таъсирида баъзан таржима тил нормаларининг бузилишига йўл қўяди. В.Н.Комиссаров контрастив таҳлил кўп ҳолларда шундай бузилишларни аниқлаб беришини таъкидлайди ва уларни таржима хатолари деб ҳисоблайди. Назарий жиҳатдан таржимон томонидан тил коммуникатив имкониятларини кенгайтириш мақсадида онгли ёки онгсиз равишда

<sup>113</sup>Комиссаров В.Н. Перевод, как лингвистическая проблема // Проблемы переводческой интерпретации текста в трудах российских лингвистов конца 20-го, начала 21-го веков. Ереван: -Лингва, 2009. 17 с.

ўзлаштириш, калька, сўзма-сўз таржима каби таржима қолипларидан фойдаланиши катта қизиқиш уйғотади.

Бундан ташқари, В.Н.Комиссаров контрастив таҳлилга фақат матн структурасидаги ўхшашликни эмас, балки матн мазмунидаги ўхшашлик, фарқ ва мувофикликларни ҳам тортиш яхлит қурилма сифатида матнларнинг ўзини эмас, уларнинг алоҳида бирликларини ҳам чоғиштириш зарурлигини кўрсатиб ўтади<sup>114</sup>.

Л.С.Бархударов фикрича, таржима назарияси ва чоғиштирма матн лингвистикасида ўзаро семантик ўхшаш матнларни тадқиқ қилинганликлари сабабли мазкур фанлар предмети бир-бирига тўғри қолади<sup>115</sup>. Бизнингча, контрастив лингвистика учун матнларнинг семантик жиҳатдан бир хиллиги муҳим эмас. Контрастив лингвистика матннинг маълум бир типи ёки жанри даражасида ҳам ўз чоғиштиришларини ўтказади. Шу билан бирга, чоғиштирма матн лингвистикасида асл ва таржима нусхаларга нисбатан параллел матнлар деб юритилади. Аммо бу матнларнинг жанр нуқсани назаридан умумийлик билдирган баъзи турларини эса «асл нусха-таржима нусха» муносабатда деб ҳисоблаб бўлмайди. Баъзан чоғиштириш учун шундай матнлар олинади-ки, уларнинг умуман семантик инварианти мавжуд эмас, лекин улар чоғиштирилаётган тилларда мазкур жанр хусусиятларининг фарқли белгиларини аниқлашга ёрдам беради.

Контрастив таҳлил чоғиштирилаётган матнлар структураси, уларнинг лексикаси, синтактик хусусиятлари, услубида мавжуд ўзига хос ва умумий жиҳатларни аниқлашга йўналтирилган. Шу билан бирга, чоғиштирмалар, одатда, статистик табиатга эга бўлиб, таржима учун эквивалентларни топишни мақсад қилиб олмаган, балки тил имкониятларини назарий асослашни кўзда туттади.

Таржима назариясининг ўрганиш объекти асл матн ва таржима матнлардир. Лекин матннинг чоғиштирма назариясида илмий тадқиқотнинг асосий йўналиши мазкур матнларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш бўлса, таржима назарияси матнларнинг умумий хусусиятларини маълумот учун қабул қилиб, асосий эътиборни таржима жараёнида мазкур хусусиятлар қандай намоён бўлишига қаратади.

<sup>114</sup>Комиссаров В.Н. Перевод, как лингвистическая проблема // Проблемы переводческой интерпретации текста в трудах российских лингвистов конца 20-го, начала 21-го веков. Ереван: -Лингва, 2009. 18 с.

<sup>115</sup>Бархударов Л.С. Язык и перевод. -М.: Междунарые отношения, 1975. 28 с.

Бундан ташқари, контрастив лингвистика учун турли тиллардаги бир хил типдаги матнларнинг ўзаро мувофиқлигини аниқлаш муҳимдир. Таржима назарияси учун эса турғун «муносабатлар жадвали»нинг ажралмас, узвий алоқадорлиги муҳимдир. Яъни маълум қонуниятларга бўйсунган, ўзгартиришлар силсиласи сифатида дастлабки матндан таржима матнгача бўлган таржимон йўлини тиклаб берувчи динамик моделлар асосида оригинал ва таржима матнлар ўртасида эквивалент муносабатлар типологияси ва иерархиясини аниқлашга қаратилган таҳлил муҳимдир. Шу сабабдан фақат контрастив лингвистика ва таржима назарияси ўртасидаги муносабат эмас, балки таржимашуносликда лингвистиканинг ўрни ҳақидаги масала ҳам юзага келмоқда. Чунки, шубҳасиз, лингвистика таржима назариясида муҳим аҳамиятга эга. Бу таржима жараёнида тилнинг тутган ўрни билан белгиланади.

Таржиманинг режалари, структураси ҳамда амалга оширилишини, бошқача қилиб айтганда, таржима психологиясини ўрганмай туриб, уни маълум мақсадга йўналтирилган жараён сифатида кўриб чиқиб бўлмайди. Психологик компонентни ҳисобга олмай, таржимада инсон омилининг ўрнини очиб бўлмайди, чунки ҳар қандай таржима ҳаракатида режалаштирилмаган ва қутилмаган тарзда ижодий ёндашув мавжуд бўлади.

Таржимоннинг чинакам ижодий ечимини мукамал лингвистик формула «алгоритми» орқали тасвирлашнинг имкони бўлмаса керак. Бундай ҳолатларда тиллар ўртасидаги «муносабатлар жадвали» хусусида эмас, балки таржимада инсон фаолиятининг «юксак маҳорати» ҳақида гап борапти. Шундай қилиб, контрастив лингвистика А ва В тилларини «чоғиштирилаётган тиллар структурасининг шакл ва маъноларини тизимли таққослаш»<sup>116</sup>ни ўзининг асосий вазифаси деб билса, таржима назарияси турли тилли коммуникантлар ўртасидаги социомаданий ва психологик фарқларни, шунингдек, таржима жараёнининг шу мазмундаги қатор белги-хусусиятларини муҳим деб санайди. Яъни, таржима билан контрастивистиканинг фарқи тил кодининг шунчаки ўзгариши билан бир маданиятнинг бошқа маданият ойнаси орқали матни тушунарли бўлиши учун мослаштиришдир.

Юқорида айтилган фикрларни таржима назарияси учун ўрни беқиёс бўлган лингвистиканинг аҳамиятини пасайтириш ҳаракати сифатида қабул қилмаслик керак. Лекин шу билан бирга,

В Ивирнинг куйидаги фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ: таржимада лингвистик компонент марказий ўрин эгаллайди, чунки у бошқа компонентлар талаби билан ихтилофга кирмагунча барча жараёни бошқаради<sup>117</sup>. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, таржима назарияси қанчалик «лингвистик» бўлмасин, нутқий фаолиятнинг социомаданий, психологик ва бошқа жиҳатларини ўрганувчи фанлар билан кучли алоқадорликни талаб қилади. Масалан, К.Хансен фикрича, яқин келажакда контрастив лингвистика фақат тил системасининг мавҳум даражасига қараб эмас, балки тил узусининг муайян даражасига асосланиб тадқиқотлар олиб борса, ўз назариясида қўллаб келаётган функционал эквивалентлик (яъни тизимга хос лисоний бирлик даражасидаги эквивалентлик) тушунчасини таржима назариясидаги коммуникатив эквивалентлик (яъни тушунарлилик самарасини ҳисобга олган матн даражасидаги эквивалентлик) тушунчаси билан тўлдириши керак бўлади<sup>118</sup>.

Шундай қилиб, контрастив таҳлилларга таржиманинг амалий ва назарий вазифалари учун тан олинган ва кенг қўлланиладиган метод сифатида қараш мумкин. Бу ерда контрастив таҳлил фаолдир, у таржима ривожланиши ва такомиллашуви учун асос бўлган кўп қиррали жараён, контрастив таҳлилнинг асосидир.

Шунга қарамай, контрастив лингвистика ва таржима назариясининг муносабатларида қарама-қарши йўналишлар таърифланади. Бир томондан, мазкур фанларнинг ҳар бири ўз мустақиллигига даъво қилса, иккинчи томондан, уларнинг ўзаро алоқадорлиги яқинлашиб бормоқда. Контрастив лингвистика маълумотларига асосланиб, таржима назарияси таржима жараёнига структур тип, тизим ва норма даражаларида тилларнинг ўзаро мувофиқлиги ва таъсирини ўрганмоқда. Ўз навбатида таржима назарияси маълумотларининг кенг жалб қилиниши контрастив таҳлил учун янги истиқболлар очади.

<sup>117</sup>Ivir V. The communicative model of translation in relation to contrastive analysis // Kontrastive Linguistik und Übersetzungswissenschaft. München, 1981, 217-6

<sup>118</sup>Hansen K. Trends and problems in contrastive linguistics // Zeitschrift für Anglistik und Amerikanistik. 1985. Vol. 33, N 2. 127.

<sup>116</sup>Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика // Язык и общество. -М.: Наука, 1981. 29 с.

## КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

XX асрнинг охирларига келиб, «оламни идрок қилишнинг янги сифатли илмий ўлчовига секин яқинлашишнинг зарурияти»<sup>119</sup>дан келиб чиққан ҳолда турли хил янги илмий йўналишларни шакллантиришга тўғри келди. Шу қатори тилшуносликда ҳам бунга бир қанча мисолларни келтиришимиз мумкин. Контрастив лингвистика бу соҳалардан биридир.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида рус тилшунослигида А.А.Потебня ҳамда Ф.Е.Корш тадқиқотларида, кейинроқ эса Е.Д.Поливанов тадқиқотларида (барчаси типологияга яқин), В.А.Богородицкий, И.А.Бодуэн де Куртенэ, Л.В. Шчерба ишларида тилларни чоғиштира ўрганиш бўйича бой назарий материал йиғилган ҳамда она тили ва чет тилини қиёслашнинг назарий асосларини баён қилиш билан контрастив лингвистиканинг ўрни кўрсатиб берилган.

Контрастив лингвистиканинг назарий асосларини кўрсатиб берган олимлардан бири В.Н.Ярцевадир. У тил ҳақидаги фаннинг бошқа бўлимлари орасида контрастив лингвистиканинг ўрни ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирар экан, қуйидаги хулосаларга келади:

1. Контрастив изланишлар қиёсланаётган тилларнинг асосан ўхшаш ва айрим фарқли жиҳатлари бор деган тахминга асосланиб, қиёсланаётган тиллар структурасидаги бирликларнинг шакл ва маъноларини систематик таққослаши керак.

2. Контрастив изланишларнинг амалий қўлланиш доирасини торайтиришгина эмас (ўқитишдан ташқари у қўллаб коммуниқация соҳаларига хизмат кўрсатади: таржима, атамашунослик, кодлар яратиш сингари), балки унинг назарий йўналиш сифатидаги аҳамиятини рад этиш ҳам асоссиздир.

3. Тилшунослик фанининг бошқа соҳалари билан контрастив лингвистиканинг алоқасини бевосита ва билвосита тавсифлаш мумкин. Контрастив лингвистика тиллар типологияси билан бевосита алоқага киришади. У типология орқали универсалиялар назарияси билан алоқадордир. Контрастив тадқиқотларнинг билвосита алоқалари қариндош тилларнинг тарихий-генетик ўрганилиши

билан, тилдаги коммуниқатив муҳим фарқларни тушунишда психоллингвистика билан, тиллар орасидаги фарқланиш соҳаларини аниқлашда социоллингвистика билан муносабатларида кузатилади<sup>120</sup>. В.Н.Ярцева контрастив лингвистиканинг назарий асослари тўғрисида фикр юритар экан, унинг асосан тилшуносликда тутган ўрни борасида тўхталган. Бу фикрларга қўшилган ҳолда контрастив лингвистика лингводидактика, таржима назарияси, компьютер лингвистикаси ва тил корпусини яратишда ҳам бевосита алоқадорлигини кўрсатиш мумкин.

Контрастив лингвистика ўз фаолияти давомида турли типдаги тилларни қиёслаш бўйича бир қанча тажрибага эга бўлди ва бундай изланишлар учун назарий асосни яратди. А.Д.Райхштейн исталган тил жуфтликлари ёки тил гуруҳларининг ҳар қайси сатҳида қўлланилиши мумкин бўлган тиллараро чоғиштира таҳлилнинг қуйидаги қонуниятларини ажратди:

1. Тилнинг ички тузилишини тасвирлабгина тиллараро муносабатларни ўрганишга ўтилади.
2. Изланишларда тилларнинг хусусий жиҳатларига нисбатан умумий жиҳатларининг устун туриши.
3. Тилларнинг ички тузилишини тасвирлашнинг ўзаро мувофиқлиги.
4. Бир ёқлама ва икки ёқлама чоғиштириш.
5. Чоғиштира таҳлил шаклдан мазмунга ёки мазмундан шаклга йўналишида бўлиши.
6. Чоғиштириш синхрон планда ёки диахрон планда кечиши мумкинлиги.
7. Чоғиштира таҳлил манбалари: чоғиштирилаётган ҳодисалар ҳар бир алоҳида тилда ва мазкур тилдаги нутқий ҳосилаларда (речевые произведения) мустақил ўрганилиши мумкинлиги<sup>121</sup>. Бизнинг назаримизда муаллиф бу қонуниятларни барча мультилингвистик фанларни умумий олган ҳолда яратган. Хусусан, контрастив лингвистика ва қиёсий-тарихий тилшуносликни бир-биридан ажратмаган.

Қўллаб тилшунослар ўтган асрда фанда етакчи ўрин тутган ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қиёсий-тарихий тилшунослик замирида айнан қиёслаш ётади, деган фикрга қўшилишади. Бироқ, бу йўналиш қиёсийгина бўлиб қолмасдан, тарихий ҳамдир. Шу

<sup>119</sup> Манакин В.М. Проблемы контрастной лексикологии близкородственных языков // Языкознание, 1994 - № 1. 50 с.

<sup>120</sup> Ярцева В. Н. Контрастная грамматика. -М., 1981, 29-31 с.

<sup>121</sup> Солодуб Ю.П. Контрастная фразеология // Филологические науки, 1998 - № 4. 11 с.

билан бирга, қиёсий-тарихий тилшунослик тиллардаги қиёслашнинг замонавий босқичда ривожланишини ўрганадиган контрастив лингвистикадан фарқланади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, контрастив лингвистика тилларни диахрон аспектда эмас, синхрон аспектда ўрганади. Синхрон аспектда бўлган контрастив изланишлар типологик характердаги умумлаштиришдан олдинги босқич сифатида қаралади. Улар тиллараро умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, тилларни тасвирлаш ва системалаш ҳамда амалий мақсадларига, яъни таржима ва таълим беришга хизмат қилади. Шунинг учун кўп ҳолларда бундай изланишларни амалий контрастив изланишлар деб аташади.

М.Б.Гвишиани ҳам контрастив лингвистиканинг ривожига катта ҳисса қўшган. У контрастив тадқиқотларнинг қўйидаги асосий белгиларини ажратиб кўрсатади:

– тадқиқот объектининг хусусияти (қариндош, яқин қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар, миллий вариантлар, шевалар, касбий (профессионал) тиллар ва бошқалар);

– қиёслашнинг мақсади (тилларнинг қариндошлик даражаси таҳлили, универсалияларни топиш, тиллараро муносабатлар ва эквивалентликларни аниқлаш);

– қиёслашнинг йўналиши (синхрон, диахрон);

– назария тадқиқот объекти илмий исботланган характеристикасининг системаси сифатида;

– метод қиёсий таҳлил мувофиқлиги системаси сифатида<sup>122</sup>.

Бизнингча, қиёсий-тарихий йўналишдаги тадқиқотлардагина тилларнинг генетик умумийлигига асосланилади, контрастив лингвистикада эса ихтиёрий тил бошқа бир исталган тил билан қиёсланади. Шунинг учун тилларнинг қариндошлик даражасини аниқлаш контрастив лингвистиканинг мақсадини ташкил этмайди.

Контрастив лингвистика бир томондан умумий ҳолда тилларни қиёслашнинг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатадиган аналитик таҳлил методига таянса, иккинчи томондан, чоғиштиришнинг объекти бўлган аниқ тиллар ўртасидаги муносабатни топишга таянади.

И.А. Стернин эса контрастив лингвистика назариясининг асосларини қўйидагича белгилаб беради:

<sup>122</sup> Гвишиани Н.Б. Контрастивные исследования современных языков и корпусная лингвистика // ФН. - 2004, № 1. 60 с.

– контрастив тилшуносликда чоғиштириш синхрон планда бўлади;

– контрастив тилшуносликда ҳар қандай тиллар таққосланади, тиллар ўртасидаги тафовутлар аниқланади;

– контрастив лингвистикада она тилидаги алоҳида ҳодиса ва бирликларни ўрганилаётган тилда ифодалаш учун қўлланилиши мумкин бўлган барча мавжуд воситалар билан чоғиштириб ўрганилади;

– тадқиқот бир тил бирлигининг иккинчи тилда уни эҳтимоллий мувофиқликларини аниқлаш йўналишида ўтказилади;

– контрастив тадқиқотнинг мақсади бир тил бирлигининг семантикаси ва функцияларининг иккинчи тилдаги эҳтимоллий мувофиқликлари билан чоғиштириш натижасида тиллардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлашдир. Бунда фарқларни аниқлаш муҳимроқ, чунки ўхшаш жиҳатлар «автоматик» тарзда намоён бўлади;

– икки чоғиштирилаётган тилнинг алоҳида бирлик ва ҳодисалари ўрганилади;

– контрастив тасвир натижалари ўқитиш амалиётига бевосита таъбиқ қилиниши мумкин, чунки улар икки тилдаги аниқ тил юфтлигининг (масалан, сўзлар) фарқли белгилари тасвирини ўзида тасвир этиб, лексиканинг дифференциал семантизациясида фаол қўлланилиши мумкин<sup>123</sup>. Контрастив тадқиқотларда қўлланиладиган методлар бир томондан умумий тилшуносликнинг турли йўналишларидаги назарий масалаларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан у ёки бу тадқиқотлардаги контрастив таҳлилнинг мақсад ва йўналиши билан боғлиқ.

Ю.П. Солодуб ўзининг «Контрастивная фразеология» номли мақоласида кўрсатишича, контрастив лингвистика чоғиштирилаётган тиллар бўйича (икки ва ундан ортик; қариндош, узок қариндошликда, қариндош бўлмаган), тилнинг субсистемаси бўйича (чоғиштирма лексикология, грамматика, фразеология ва шу кабилар), шунингдек, таҳлил йўналиши бўйича (типологик, трансляцион ва бошқалар) фарқланади<sup>124</sup>. Бундан ташқари тилларни қиёсий ўрганиш жараёнида уларнинг умумий жиҳатлари лингвистик универсалияларни аниқлашга ёрдам беради<sup>125</sup>.

<sup>123</sup> Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. -М., «Восток-Запад», 2006. 15-19 с.

<sup>124</sup> Солодуб Ю.П. Кўрсатилган асар. – 8-б.

<sup>125</sup> Солодуб Ю.П. Кўрсатилган асар. – 11-б.

Функционал ҳамда шаклий жиҳатдан бир хил бўлган бирликлар чоғиштиришга тортилиши керак. Шундай қилиб, чоғиштирилаётган бирликлар бир хил «даражаланиш мавқеи»га эга бўлиши керак<sup>126</sup>. Одатда контрастив лингвистикага доир изланишлар тиллардаги умумий қонуниятларни аниқлаш ҳамда икки конкрет тилни амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида олиб борилади. Тилларни бундай чоғиштиришдан турли назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланилади. Тилларни чоғиштирма ўрганиш жараёнида уларнинг структураси ўрганилади. Тиллар структурасидаги ўзига хосликларини аниқлаш ҳамда мазкур ўзига хосликлар асосида уларни таснифлаш типологик йўналишнинг асосий мазмунини ташкил қилади. Айнан мана шу йўналиш учун тил структураларининг умумий ҳамда айрим сатҳлар (морфологик, фонологик ва ҳоказо) бўйича чоғиштириш натижалари муҳимдир. Шунингдек, В.Г.Крюк кўрсатиб ўтганидек, тилларни система (структура) даражасида, норма ва узус (нутқ меъёри) даражасида чоғиштириш мумкин. Тил умуминсоний мулоқот воситаси сифатида ифода планида ҳам, мазмун планида ҳам фарқланишлар (оппозиция)га асосланади. Ҳар қандай тил барча оппозициялардан фақат айримларидангина фойдаланиш имкониятига эга. Бу каби оппозициялар мажмуи тил системасини ташкил қилади.<sup>127</sup>

Контрастив лингвистика тилшуносликнинг назарий ҳамда амалий томонлари орасидаги энг ёрқин ва самарали алоқа шакли сифатида намоён бўлади. А.А.Залевскаянинг фикрича, бу алоқа кўптармоқлидир:

биринчидан, фактик материалнинг таҳлили ҳамда махсус адабиётларда тақдим қилинган концепцияларнинг танқидий баҳоланиши чоғиштирилаётган семантик ҳодисалар табиати ҳақидаги маълум илмий аҳамиятга эга фикрларни янгича талқин қилишга имкон беради;

иккинчидан, контрастив лексикология семантик типология, у орқали эса универсалогия учун материал тақдим қилади. Барча тадқиқот йўналишлари билишнинг энг муҳим тамойили – қиёслашга асосланади. Мазкур тадқиқотлар натижалари бир-бирини тўлдириб, тилларни қиёслашни нисбатан тўлиқ ва мукамал тасаввур қилишга имкон беради;

учинчидан, турли комбинацияда олинган тилларнинг семантик тизимларининг контрастив тасвири мазкур системалар таркибий қисмларини миқдор ва сифат баҳоланишини амалга оширишга имкон беради. Контрастив ёндашув ҳар бир чоғиштирилаётган тил лексикологияси бўйича тадқиқотларга янгича ёндашувни олиб бериши мумкин<sup>128</sup>.

В.Г.Вилкоман ва П.А.Соболевалар “контрастив тадқиқотлар турли тилларда ҳодисаларнинг яқинлик ёки узоқлик, умумий ёки фарқлилик даражасини аниқлашга ёрдам берувчи универсал метатил яратиш имконини беради<sup>129</sup>”, деб таъкидлаб ўтишган. Шунингдек, баъзи бир тил фактлари фақат контрастив тадқиқотлар ёрдамида самарали аниқланиши мумкин. Масалан, Р.С.Гинзбург фикрича, “турли тиллардаги сигнификатив яқин сўзларни чоғиштириш натижасида аниқланиши мумкин бўлган сўзнинг референт мувофиқлик хусусияти, яъни сўзнинг «яширин компонент» маъно-ен тушунчаси контрастив тадқиқот натижасидир<sup>130</sup>”. Бу тадқиқотчилар учун янги имкониятлар яратади. Янги изланишлар учун йўл очади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тилшуносликда контрастив лингвистика етакчи ўринлардан бирида туришини айтиш мумкин. Бу қуйидагилар билан боғлиқ:

биринчидан, тиллараро коммуникация ва унинг барча кўринишлари аҳамиятининг ошиб бориши (европа таълим стандартларининг интернационаллашуви, турли фаолият соҳаларида таржимага зарурият);

иккинчидан, структурализм ва илк яратувчи грамматикадан қочиш;

учинчидан, корпус лингвистикасининг вужудга келиши тилшуносларга тил материални қўллашнинг миқдорий қонуниятларини тўлиқ таҳлил қилиш ҳамда тажрибалар асосида тадқиқ этиш имконини яратди.

<sup>126</sup> Залевская А.А. Вопросы теории и практики исследований // Этнокультурная специфика языкового образования. - М., 1996. 27 с.

<sup>129</sup> Вилкоман В.Г., Соболева П.А. Деривация и исчисление в контрастной лингвистике // Семантика и производство лингвистических единиц. Пермь: Изд-во Пермского ун-та, 1979. 3 с.

<sup>130</sup> Гинзбург Р.С. Сочетаемость и референтная соотнесенность слова // Сб. науч. тр. МГПИИЯ им. М.Тореза. Выпуск 145. - М., 1979. 44 с.

<sup>126</sup> Солодуб Ю.П. Кўрсатилган асар. – 12-б.

<sup>127</sup> Крюк В.Г. Сопоставительная лексикология. - М., 1997. 3 с.

## ТИЛЛАРНИ КОНТРАСТИВ ЖИХАТДАН ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Контрастив лингвистика тилшуносликнинг янги шаклланиб бораётган соҳаларидан биридир. Ўқувчининг она тилиси ва ўрганаётган чет тилини чоғиштириш борасидаги фаолият ҳақида В.Матезиус, Ш.Балли сингари таниқли олимлар ўз қарашларида кўрсатиб ўтишган. XX асрнинг ўрталарига келиб ўзбек тилшунослигида ҳам бу соҳага қизиқиш орта бошлади.

Ҳозирги вақтга қадар ўзбек тилининг баъзи жиҳатлари бошқа тиллар (аксарият ҳолларда инглиз, немис, рус, француз, турк ва бошқалар) билан қиёсланган ўнлаб асарлар ёзилган. Аммо ўзбек тилининг бошқа тиллар билан контрастив тадқиқига бағишланган ишлар миқдори нисбатан кам. Бу ишларни ўрганиб чиқиш натижасида шу нарса аён бўладики, муаллифлар контрастив тасвирнинг таянч нуқтаси бўла оладиган тамойилларни излашади. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек аудиториясида чет тилини ўқитиш методикасини яхшилайти ҳамда шунга мувофиқ равишда ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитишнинг оптимал методикасини яратишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида ҳам контрастив изланишларнинг оддий ва аниқ алгоритмини яратишнинг негизи бўла оладиган ягона назарий асос мавжуд эмас. Контрастив тилшунослик вакиллари таваккал асосида иш кўришмоқда, мазкур изланишлар натижалари эса ҳали-ҳануз яхлит тизимга келтирилмаган.

Ваҳоланки, тилларни контрастив жиҳатдан ўрганиш тамойилларини бир хил тушуниш, нафақат самарали фикр алмашиш, балки ҳамжиҳатликда турли тил оилаларига мансуб бўлган тил материалларидан фойдаланган ҳолда тил системасини ўрганиш аспекти ва методикаларини кенгайтириб, тадқиқотлар устида ишлаш имкониятини беради.

Ҳар қандай қиёслашнинг негизида асос ёки бошқача қилиб айтганда, чоғиштирилаётган тилларнинг ҳар бирида нима бор, нима йўқлигини кўрсатиб турувчи эталон бўлади. Контрастив тасвифда самарали фойдаланиш мумкин бўлган баъзи эталонларни белгилаш мумкин:

- 1) фонетик-фонологик эталон (фон, интонация ...);
- 2) луғавий эталон (лексемалар, фраземалар ...);

3) синтактик эталон (синтактик конструкциялар);

4) услубий-психолингвистик эталон (хаёт тарзи, анъана, аксарият, дунёқарашларнинг акс этиши).

У.К.Юсуповнинг таъкидлашича, фонология (фонетика)нинг ўрганиш объектига фонемалар (нутқ товушлари), бўгин, урғу ва интонация киради. Айнан шу бирликлар билан алоқадор тил воқеалари қиёс учун асос вазифасини бажаради<sup>131</sup>. Бироқ, чет тилини ўрганиш тажрибаларидан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, фонемаларни ифодаловчи алоҳида олинган товушлар артикуляциясини «битта-битталаб» чоғиштириш ўрганилаётган тил талаффуз нормаларини ишончли ўзлаштиришга олиб келмайди ҳамда «акцент»сиз гапиришга ёрдам бермайди.

Адабиётлар таҳлили ва чет тилига ўқитиш амалиётидан келиб чиқиб, тилнинг фонетик системаси бирлиги сифатида бўгин асосий ўрин эгаллашини таъкидлаш мумкин. Икки тил фонетикасини контрастив жиҳатдан тасвирлаганда айнан бўгин эталон вазифасини бажариши керак.

Бўгин – инсон (бола) ўзлаштирган, ясаган биринчи тил бирлиги. Айнан бўгин – нутқий жараёнда аниқ ажраладиган, энг кичик ясалган нутқий ўзлашма. Бўгинда просодемалар – овоз баландлиги, кучи, давомийлиги реаллашади, аниқроқ қилиб айтганда бўлсак, бўгин энг кичик просодик бирлик вазифасини бажаради<sup>132</sup>.

Фонетика билан шуғулланувчи Л.В.Бондарко, Н.И.Дукельский, Н.И.Жинкин, Л.Р.Зиндер ва бошқа тилшунос олимларнинг фикрича, бўгин – ҳарфлар занжири сингари шунчаки товушлар занжири эмас, балки ўз чўққисига эга бўлган, бошқа бўгин чўққиси билан товуш траекториясида кўринмас чегара билан боғланган мураккаб иерархик структура<sup>133</sup>. Бўгин «фонема»ларга бўлинмайди, нафақат боши, чўққиси ва охири сингари қисмларга ажралади. Ундош товушларнинг ўзига хос хусусиятлари асосан унли товушлар билан бирга келганда кўринади. Шунинг учун уларни бўгиндан ташқарида фарқлаш қийин<sup>134</sup>. Ундош товушни унлидан ажратилган ҳолатда талаффуз қилиб бўлмайди, шунинг учун доимо би, си, ди, эф, жи тарзида айтамыз.

<sup>131</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. -Т.: Фан, 2007, 52 с.

<sup>132</sup> Теория языка, методы его исследования и преподавания. -Л., 1981.

<sup>133</sup> Кашинья Л.Э. О функциональном значении явлений слога //Изв. АН СССР. Отделение литературы и языка, 1981, № 5.

<sup>134</sup> Галунов В.И., Родионов В.Д. Моделирование процессов передачи информации в звуковом диапазоне. -Л., 1988.

Тил бирликларининг артикуляцияси ва акустикасини ўрганиш айнан бўғинлардан бошланиши керак. Бунинг учун она тили ва ўрганилаётган тилда мавжуд бўлган бўғинларни чоғиштириш учун уларнинг типларини ўрганиб чиқиш лозим. Бу жараёнда ундош товушларни *C* (consonant) орқали, унли товушларни эса *V* (vokalizm) деб белгилаб оламиз. Бўғин структураси типларини қиёслашда эса қуйидаги жадвалдан фойдаланишимиз мумкин.

Бўғин тури	V	CV	VC	CVC	CVCC	CVCCC	CVCCCC	CCVC
Қиёсланаётган тил								
Ўзбек тили	✓	✓	✓	✓	✓	×	×	✓
Инглиз тили	✓	✓	✓	✓	✓	✓	✓	✓

Бўғин тури	CCCVC	CCVCC	CCVCCC	CCCVCC	CCCVCCC	ва х.к
Қиёсланаётган тил						
Ўзбек тили	×	✓	×	×	×	
Инглиз тили	✓	✓	✓	✓	✓	

Жадвалда келтирилган ✓ белгиси бўғиннинг мавжудлигини билдирса, × бундай бўғин тури йўқлигини кўрсатади.

А.А.Баранникованинг<sup>135</sup> тадқиқоти айнан шундай йўналишда бажарилган. А.А.Баранникова ўзбек ва рус тиларида мавжуд бўлган бўғинларни ўзаро қиёслайди. У рус тилини ўрганаётган ўзбек артикуляциясини ўзгартириши керак бўлган рус тилидаги 89 та бўғин типини ажратади. Ўзбек тилида 1, 2 ва 3 товушдан иборат бўғин кўп учраса, рус тилида 4, 5, 6 ва 7 товушдан иборат бўғинлар етакчилик қилади. Рус тилида эса ундош товушлар бўғин таркибида ҳам, бўғинлар бирлашган жойда ҳам кўп учрайди. Ўзбек тилида икки ундош товушнинг сўз бошида ёки сўз охирида қатор келиши камдан-кам кузатилади. Рус тилида эса бу ҳолат кўп учрайди. Шунинг учун русча ўзлашмаларни ўзбек тили бўғин қилинига мослаштириш жараёни кузатилади. Рус тилидан ўзлашган *кровать*

<sup>135</sup>Баранникова А. А. О строении слога в русском и узбекском языках // Современный русский язык. Уч.зап.МГПИ им.В.И.Леша. -М., 1971, N 423.

ўзгариш каравот, рус сўзи ўрис, стакан сўзи истикон; киоск - киоска сўзлари талаффуз қилиниши айнан шу ҳолат билан изоҳланади.

«Акцент»ни бартараф қилиш учун бўғинга ажратиш сондаларини билиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Мисол учун инглиз тилидаги *silly* сўзи бўғинга қўш келган ундош ўртасидан (*sil/ly*) ажратилади. Немис тилидаги *Stollen* сўзи эса, қўш келган ундошлардан сўнг (*Stoll/en*) бўлиб ажратилади<sup>136</sup>. Шубҳасиз, бундай фактни билган ўқувчининг немис тилидаги талаффузи яхшиланади. Флектив тиллар билан агглютинатив тилларни қиёслашда ҳам бўғинга ажратиш тамойиллари фарқланиши кузатилади. Агглютинатив тилларда бўғин чегараси асосан морфема чегараси билан мос келади. Шунинг учун бу тилларда субъективлик асосида бўғинга ажратиш минимал ҳолда бўлади. Флектив тилларда эса бўғинга ажратиш морфемаларга ажратиш билан тенг келмайди. Шу сабабли мазкур тилларда субъективлик ва бўғинга ажратиш максимал даражада кўп учрайди.

Чет тилларни ўрганишда она тилида мавжуд бўлмаган бўғинларни махсус ўрганиш фонетик машқларнинг асосини ташкил қилиши керак. Билишимизча, дарсликларда бу каби машқлардан парчалар келтирилган, лекин чоғиштирилаётган ҳар икки тилдаги бўғинларни систем тавсифлаш билан бирга контрастив қиёслаш ҳолатлари бажарилмаган.

Айтиб ўтганимиздек, бўғинларда просодемалар ҳам реаллашади. Нутқ жараёнида овоз просодемадан просодемага ҳаракатланиб борар экан, интонацияли тасвир (мелодема) ҳосил бўлади. Бу каби масалалар билан фонетиканинг «просодия» бўлими шуғулланади. Тилларда бўғин типларининг ўзаро ўхшашлиги чет тилида сўзлашни осонлаштиради. Масалан: рус тилида сўзлашувчилар инглиз тилини ўрганиши осонлашади ёки тожик тилида сўзлашувчилар ўзбек ва корейс тилларини ўрганганда қийналмайди.

Ҳар бир тилдаги мелодемалар тўплами коммуникация жараёнида ўзига хос ўрин тутаяди, шунинг учун уларни ўрганмасдан чет тилида сўзлашаётган инсон «акцент»дан халос бўлолмайди.

Рус тилидаги мелодемалар Б.А.Брызгунова<sup>137</sup> томонидан тадқиқ қилинган. Муаллиф мелодемаларни интонацион конструкциялар деб атади. Интонацион конструкцияларнинг турли типлари

<sup>136</sup>Поталова Р.К., Камышная Н.Г. Слоги его перцептивно-временные корреляты // Вопросы языкознания, 1975, N 4, 87-101 с.

<sup>137</sup>Брызгунова Б.А. Звуки и интонации русской речи. -М., 1967.

билдирилаётган фикрнинг коммуникатив типлари (хабар, сўроқ ва бошқалар) билан боғлиқ бўлиши мумкин, шунингдек, ундан суҳбатдошга, нутқ предметига, нутқ вазиятига у ёки бу муносабатни билдириш ёки нутқнинг эмоционал бўёқдорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Демак, контрастив изланишларда чоғиштирилаётган тиллардаги интонацион конструкцияларнинг барчасини ҳар бир мелодема функциясини инобатга олган ҳолда ўрганиш зарурати турибди. Ҳозирги ривожланиш босқичида бу каби тавсифларнинг маълум бир кўринишлари мавжуд, ҳолос.

Лексик эталон билан боғлиқ контрастив тавсифлаш нисбатан кўп ишлаб чиқилган ва пухта асосга эга. Бу замонавий тилшуносликда сўзнинг назарий асоси нисбатан асосли белгиланганлиги билан изоҳланади<sup>138</sup>.

Воронежлик тилшунослар томонидан сўзларни контрастив нуқтаи-назардан ўрганиш асослари ҳам белгиланган. Унда лексик-фразеологик система доирасида сўз ва фразеологик бирликларнинг узвий боғланиш концепцияси ётади. Бу лексик бирлик ва фразеологизм ўртасига сунъий чегарани қўйишдан ҳоли этади ва бир тилдаги сўзни иккинчи тилда фразеологизмлар билан эквивалент муносабатга киришишини оддий ҳолга айлантиради. Бу ёндашув тўлиқ баён қилинган асосни М.М.Копиленко, З.Д. Поповларнинг ишларида кўриш мумкин<sup>139</sup>. Қуйидаги лексик-фразеологик гуруҳда ўзаро алоқа ҳамда ўзаро семантик боғланишларни сезмасликнинг иложи йўқ.

*Қора* – ранг-тус, тўқ рангли.

*Қорага олмоқ* – мўлжалламоқ, нишонга олмоқ.

*Қораси ўчмоқ* – кўринмай кетмоқ.

*Ичи қора* – ўзганиш муаффақиятини кўролмайдиган.

*Қора меҳнат* – оғир иш.

*Қора совуқ, қора қиш* – кучли совуқ.

*Қора халқ, ёки қора одам* – оддий фуқаролар, оми, тушунмаган каби.

Воронежлик лексикология ва фразеология билан шуғулланувчи олимлар тадқиқотларининг ўзига хослиги сўз маъносини таҳлил қилишда махсус методдан, яъни Д/К<sup>140</sup> бўйича семема

<sup>138</sup>Попова З.Д., Стернин И.А. Лексическая система языка. -Воронеж, 1984.

<sup>139</sup>Фразеологическая номинация. -Ростов-на-Дону, 1989.

<sup>140</sup>Д – денотатив маъно - денотат билан бевосита боғлиқ, уни бевосита билдирувчи маъно К – коннотатив маъно- денотатив маънога қўшимча равишда экспрессив, стилистик муносабат қабиларни ифодаловчи маъно.

таҳлилидан фойдаланилганлигидадир. Академик В.В.Виноградов таълимотига мувофиқ, улар у ёки бу сўз лексемаси (акустемаси)да аниқлаш мумкин бўлган икки денотатив ва уч коннотатив семема бўйича сўзларнинг маъно типларини ажратишади.

Денотатив семаларда денотатив қисм, коннотатив семаларда коннотатив қисм устунлик қилади.

Денотатив бирламчи семема (Д1), бу сўзнинг бевосита номинатив маъносидир, яъни айнан уни номлаш учун мазкур лексема яратилган нарса: *юк* «бир ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб берилиши керак бўлган оғирлик<sup>141</sup>», *бош* «тананинг бўйиндан ториги, олдинги қисми<sup>142</sup>», *калит* «кулфни очиш ёки беркитиш учун мўлжалланган металл асбоб<sup>143</sup>», *капалак* «икки жуфт оқ, куларанг ёки ранг-баранг қанотли нозик ҳашарот<sup>144</sup>» ва ҳоказо.

Денотатив иккиламчи семема (Д2), бу сўзнинг ҳосила-номинатив маъносидир, яъни Д1 семемасини ифодалаш учун яратилган, тилда мавжуд лексемани у билан алоқадорликдаги бошқа тушунчани номлаш учун қўллаш: *юк* «диний эътиқодга кўра, азиз авлиёларни ранжитиш орқали юз берадиган касаллик<sup>145</sup>», *бош* «улкан, катта, намоён (бош арка, бош соврин)<sup>146</sup>».

Коннотатив, мотивлашган семема (К1), бу сўзнинг фразеологик боғланган маъноси, яъни фақат лексемалар бирикувидагина (фразеобирикув) ифодаланган маъно. Бирикув лексема номинация учун эмас, балки бирор нарсани Д1 ёки Д2 билан қиёслаш орқали тавсифланиши учун қўлланганлигини кўрсатади.

*Қалб калити* бирикувида калит лексемаси «одамни ўзига мойил қилиш усули<sup>147</sup>» семемасини касб этади, яъни инсоннинг ички оламига кириш учун унинг қалбини очиш.

Коннотатив мотивлашмаган семема (К2) – мазкур лексеманинг денотатив семалари билан онгли, бевосита алоқаси намоён бўлмайдиган маъно. *Капалаги учиб кетмоқ* «жуда кўркмоқ, жаҳли чиқмоқ<sup>148</sup>». Бу вазиятда нега айнан *капалак* лексемаси келишини махсус изланишларсиз айтиш қийин.

<sup>141</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. V жилд. 79-бет.  
<sup>142</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. I жилд. 332-бет.  
<sup>143</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. II жилд. 298-бет.  
<sup>144</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. II жилд. 315-бет.  
<sup>145</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. I жилд. 79-бет.  
<sup>146</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. I жилд. 332-бет.  
<sup>147</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. II жилд. 298-бет.  
<sup>148</sup>Юк тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. II жилд. 315-бет.

Ва ниҳоят, коннотатив ажратилган сема (КЗ), бундай лексемаларда бундан бошқа ҳеч қандай семалари йўқ, бундан ташқари лексеманинг ўзи бир (икки) фразеобирикмаларда мавжуд бўлади, ҳолос: масалан, *анқонинг уруги*.

Анқо табиатда мавжуд бўлмаган қуш бўлиб, одатда унинг уруги дейилганда, умуман учрамайдиган нарсага нисбатан ишлатилади.

Лексемаларга тегишли бўлган семемалар мажмуи семантика дейилади. Алоҳида олинган семема ҳам кўп сонли семантик белги (сема)ларни қамраб олувчи мураккаб семантик қурилмани ўзида акс эттиради. Икки тилнинг ҳатто эквивалент бўлган лексемалари ўз семаларининг барча тўплами бўйича, одатда, бир-бирига тўғри келмайди. Семеманинг семалар бўйича таҳлили (компонент таҳлил) унда иерархик муносабатда бўлган турли хил семаларни аниқлайди: архисемалар, дифференциал семалар, потенциал семалар ва ҳоказо<sup>149</sup>.

Икки тилга оид сўзларни семантик жиҳатдан чоғиштириш орқали уларнинг семантемаларини ўзаро қиёслаймиз, бир муайян семема бўйича лексемалар эквивалентини белгилаб, унинг семалар таркибини аниқлаймиз. Натижада турли тиллар лексемалари ўртасидаги типик мувофиқликлар қаторига эга бўламиз.

Д1 семемаси бўйича мувофиқ бўлган лексемаларнинг тўлиқ мувофиқлиги фавкулдда ҳолатдир. Кўпинча мазкур лексемаларда мавжуд бўлган Д2 ва К1 семемалари бир-бирига мувофиқ бўлмайди. Масалан, ўзбек тилида *ёзишма* лексемаси «ҳаракат» семемаси бўйича немис тилидаги *das Abschreiben*, «хатлар жамланмаси» бўйича эса *der Briefwechsel* лексемаларига тўғри келади. Рус тилидаги *украшение* (безатмоқ) — немис тилидаги *die Ausschmückung*, *украшение* (безак) — *der Schmuck*. Аксинча, немис тилидаги *die Planting* — *режалантирмоқ* ва *режа* лексемаларига, *die Mischung* — *аралантирмоқ* ва *аралашма* лексемаларига, инглиз тилидаги *salt* — *тузламоқ* ва *туз* лексемаларига тўғри келади.

Бу ҳодиса икки тилли луғатларда муайян қийинчилик туғдиради ва бу қийинчилик биринчи тил луғат мақоласига таржима тилдан қатор лексемалар ва фразеобирикмалар киритиш орқали бартараф этилади. Одатда, бу жараён муайян сўзнинг семантемасини систем таҳлил қилмай, интуиция асосида амалга оширилганлиги сабабли изчил бўлмайди. Ҳар бир сўз семантемасини аниқ

<sup>149</sup> Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. М., 1974; Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. -М., 1977; Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. -Воронеж, 1985.

аниқлаш, бир тил доирасида мукамал систем таҳлилини яратиш ва лексикографиянинг анланган заруратига айланмоқда<sup>150</sup>. Д/К тиллари ҳамда уларнинг иерархик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган семантемалар таҳлили методи мазкур таҳлилни аниқ ифодалашнинг юқори даражада амалга оширилиши билан беради.

Д1 семемаларининг контрастив таҳлили шуни кўрсатдики, бир тилда бир лексема билан ифодаланган бундай семема ҳажми биринчи тилда иккита лексемага тақсимланиши мумкин. Ўзбек тилидаги *қул* лексемасига инглиз тилида икки лексема *hand* (қўл) ва *arm* (қўлнинг юқори қисми) тўғри келади. Рус тилидаги *уш* лексемасида мужассамлашган семаларга ўзбек тилидаги *уй*, немис тилидаги *home* (яшайдиган бино), ўзбек тилидаги *бино*, инглиз тилидаги *house* (нотурар бино) ҳамда ўзбек тилидаги *қурилиш*, немис тилида *building* (қурилатган бино) лексемалари тўғри келади. Ўзбек тилидаги *хиёнат* лексемасида мужассамлашган семаларга инглиз тилидаги *treason-хиёнат*, *treachery-соткинлик*, *betrayal-хонинлик* сингари лексемалар тўғри келади.

Шундай Д1 семемалари ҳам мавжудки, бошқа тилда уларнинг эквиваленти йўқ, уларнинг мазмуни эса фақат бир неча сўз орқали таъини мумкин. Масалан, ўзбек тилида инглиз тилидаги *дори-дармон*, *кофе*, *музқаймоқ*, *журнал*, *косметика* ва бошқа нарсалар савдоси билан шуғулланувчи дўкон) лексемаси мазмунига тенг келадиган эквивалентга эга эмас. Инглиз тилида эса ўзбек тилига хос бўлган *палов*, *дўппи*, *навруз* сингари лексемалар мувофиқлик<sup>151</sup> ҳосил қилади.

Д2 семемаси бўйича турли тилларнинг лексемалари ўртасида ҳамда қатта фарқлар кузатилади. Рус тилидаги *кисть* Д1 семемаси бўйича панжа, Д2 семемасига кўра бош (узум боши), попук (попукли рўмолча, маккажўхори попуги), мўйқалам маъноларини биллатади. Уларни *тутам* маъноси бирлаштириб туради.

Инглиз тилидаги *salt-туз* лексемаси ўзбеклар учун қутилмаган Д2 семемага, яъни метонимия ҳодисасига асосланган ҳолда тузнинг ўзини дастурхонда, хўжайин (озиқ-овқат билан таъминлайдиган шайтон) маъноларига тўғри келади.

<sup>150</sup> Апресян Ю.Д. Коннотации как часть прагматики слова (лексикографический аспект) //Русский язык. Проблемы грамматической семантики и оценочные факторы в языке. -М., 1992. 45-64 с.  
<sup>151</sup> Тузун - бир тилда мавжуд бўлган сўз бошқа тилда ўз мувофиқига эга бўлмалиги.

Коннотатив семемалар жуда кўп ўзига хосликлар касб этди. Рус тилидаги *коза* (эчки) лексемаси ўйноқлик, шўхлик, ҳазил-кашлик компонентлари мавжуд К1 семемасига эга: *ах, ты, коза резва, как козочка*. Чех тилидаги *koza* (эчки) сўзи озгин, хуну маъносини ифодаловчи К1 семемасига эга. Рус тилидаги *жаба* (бақа) лексемаси салбий коннотацияга (жирканч, ёқимсиз), чех тилидаги *zaba, zabka* (бақа) лексемалари ёш, дилбар аёлни, янги ижобий коннотация ифодалайди. Рус тилидаги *ящёрка* (калтакесак) лексемаси К1 семемасига эга эмас, чех тилидаги *ještěrka* (калтакесак) лексемаси К1 семемасида чакқон, эпчил, баъзан, маккор айёр аёл маъносини ифодалайди<sup>152</sup>. Ўзбек тилида эса *калтакесак* озгин, совуқ, ҳиссиз компонентлари мавжуд бўлган К1 семемасига эга. Рус тилидаги *баран* (кўй) лексемаси ақлсизлик, инжиқлик компонентлари мавжуд К1 семемасига эга. Ўзбек тилида *баран* лексемаси эса ювош мазмунини англатади. Немис тилида *bock* (така) сўзи камтарлик, ўжарлик, хато, янглишиш маъноларини англатса, ўзбек тилида бунинг акси бўлиб, *така* ишончли тажрибаликаби ижобий маъноларни ифода қилади. Немис тилида *fuchs* (тулки) лексемаси К1 семемасига кўра айёр, ақлли, муғомбир маъноларига эга. Ўзбек тилида эса *тулки* лексемаси К1 семемасига кўра фақатгина айёр, муғомбир маъноларини англатади.

Юқоридагилар асосида чоғиштирма фразеология учун эталон сифатида лексемаларнинг, улар ифодалаган семемаларнинг бириктув типлари юзасидан жадвал шакллантириш мумкин. Икки лексемали фразеобирикма жадвали тахминан қуйидаги кўринишга эга:

Д1Д1

Д1Д2 Д2Д2

Д1К1 Д2К1К1К1

Д1К2 Д2К2 К1К2 К2К2

Д1К3 Д2К3К1К3 К2К3 К3К3

Мазкур матрица асосида ўзбек ва чет тили фразеобирикмаларининг чоғиштирилиши шунини кўрсатдики, уларда назарда тутилган ҳолатлар барча тиллар учун бир хил бўлиб, мазкур бирикмаларга кирган ёки кирмаган лексемалар ҳисобига рангбарангликка эга бўлиши мумкин.

<sup>152</sup>Заїченко Н. К сопоставительному анализу русских и чешских наименований животных // Ceskoslovenská rusistika, 1988, N 4, 157-164 с.

Фразеобирикмаларнинг лексемалар ва уларнинг семемалари билан эквивалентлигига кўра, нолдан тўртинчи даражагача шкаладаги тиллараро иборавийлик ўлчагичини тузишимиз мумкин.

Ноль фразеологизмлар лексемалар ва улар ифодалаган семемалар бўйича эквивалентликни ифодалайди (ўзбек тилидаги *бармоқ* билан рус тилидаги *палец* – рус тилидаги *смотреть сквозь пальцы*).

Унинг биринчи даражаси чоғиштирилаётган тилларда эквивалент лексемалар эквивалент семемалар билан бироз бошқача коннотатив структураларга эга бўлган бирикмаларда намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *етти ўлчаб, бир кес* - рус тилидаги *семь отмерь, один раз отрежь*, ўзбек тилидаги *орзуга айб йўқ* – рус тилидаги *ба орзу айб нет* фразеобирикмалари бунга мисол бўлади.

Иккинчи даражада чоғиштирилаётган тиллар фразеобирикмаларида лексемалардан бири бевосита эквиваленти билан эмас, бунинг синоними ёки мавзуйий яқин сўз билан алмашинади. Масалан, ўзбек тилидаги *бердисини айтмоқ* фразеологизми тожик тилидаги *бердисини насуфтан* фразеологизмига тўғри келади (фарқи: бердисини айтгани) – додашро (доди)); ўзбек тилидаги *кўзини ёғ босмоқ* фразеологизми тожик тилидаги *чишматро шира зер кардаан* фразеологизмига тўғри келади (фарқи: ёғ (мой) – шира (ёпишқоқ, широк суюқлик)); ўзбек тилидаги *бир ўқ билан икки қуённи урмоқ* фразеологизми тожик тилидаги *бо як тир ду шиқорро задан* фразеологизми тўғри келади (фарқи: қуён (қулоқлари узун сут суянчи ҳайвон) – шиқор (ўлжа)); рус тилидаги *волк в овечьей шкуре* фразеологизмига инглиз тилидаги *wolf in sheep's clothing* фразеологизми тўғри келади (фарқи: *икура (тепу) – clothing (кири)*).

Тиллараро фразеологизмларнинг учинчи даражасида лексемалардан бири эквивалент ва денотатив семема бўйича яқин сўз билан эмас, балки коннотатив семема бўйича эквивалент бўлган сўз билан ифодаланади. Рус тилидаги *глуп, как пробка*, немис тилида *wie Bohnenstroh* фразеологизми билан ифодаланадики, *пробка* (тўвак) сўзи ўрнини *Bohnenstroh* (ловия пояси) эгаллайди. Рус тилидаги *пробка* ва немис тилидаги *Bohnenstroh* сўзларининг коннотатив маъноси (ақлсиз) умумлаштирмоқда ва натижада фразеобирикмаларнинг ўзаро эквивалент бўлиб келишига омил бўлмоқда.

Тўртинчи даражада фразеологизмлардаги бирорта ҳам лексема иккинчи тилда эквивалентга эга эмас, улар фақат коннотатив

маънолари бўйича ўзаро мувофиқ бўлади. Бунга ўзбек тилидаги *боглаб кетмоқ* иборасига тожик тилида *мурч хўрондан* (айн. мурч (қалампир) егизмок) ибораси мувофиқ келади, иккала фразеобирикма маъноси *бировни чув туширмоқ, атайин доғда қолдирмоқ* бўлиб, уларда бошқа кесишган нукта йўқ.

Юқорида тасвирланган сўз ва фразеобирикмаларнинг семантик тахлили техникаси, бизнингча, анча аниқ контрастив тасвирларга эга бўлиш ва унинг асосида бирор тилни ўрганишни бошлашда йўл кўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда эътибор қаратиш лозим бўлган сўз ва фразеобирикмалар (ўз семантикаси бўйича кескин фарқланадиган, лақуналар, тиллараро иборавийликнинг юқори даражалари)ни алоҳида ажратиш имконини беради. Масалан, чиқмоқ феълли бир неча фразеобирикмаларнинг англиз, немис, француз тилларидаги мувофиқликларини кўриб чиқайлик:

Инглиз тилида: тоққа чиқмоқ – (ингл.) to climb the mountain,  
минбарга чиқмоқ – (ингл.) to mount the platform,  
тахтга чиқмоқ – (ингл.) to ascend the throne.

Инглиз тилида чиқмоқ феъли қатнашган ҳар бир фразеобирикмага турлича ифода тўғри келмоқда. Бу ўринда ҳар бир ҳолатни алоҳида ўрганишга тўғри келади.

Немис тилида: тоққа чиқмоқ – (нем.) den Berg besteigen,  
минбарга чиқмоқ – (нем.) die Tribune betreten,  
тахтга чиқмоқ – (нем.) den Thron besteigen.

Немис тилида учала фразеобирикмага иккита шакл мувофиқ келмоқда. Бунда иккинчи ҳолат алоҳидалик касб этган.

Француз тилида: тоққа чиқмоқ – (франц.) monter sur la montagne,

минбарга чиқмоқ – (франц.) monter sur la tribune,  
тахтга чиқмоқ – (франц.) monter sur la trone.

Кўринадикки, француз тилида барча ҳолатларда битта шакл ифодаси мувофиқ келмоқда. Шунинг учун мазкур бирикмаларни ўрганишда битта мувофиқ шакл кўрсатиш kifодидир<sup>153</sup>.

Семема ва сема тахлили техникасини эгаллаган ўқитувчи машғулотлар учун лексик ва фразеологик материални аниқ ва онгли танлаб олади ҳамда мақсадга тез олиб борувчи изоҳ билан уни мустаҳкамлайди.

Бизнингча, лексик ва фразеологик тасвирнинг мазкур методикаси ишонарли ва самаралидир, лекин унга изчиллик асосида аниқлик киритиш зарур.

Сўзларни сўз ясалиш ва морфологик нуктаи назардан контрастив ўрганиш ҳолати янада мураккаброқ. Албатта, бундай тадқиқ морфем қурилишга эга бўлган тиллардагина амалга оширилиши мумкин. Агар хитой тили, вьетнам тили ва бошқа баъзи Жанубий-Шарқий Осиё тиллари каби сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи морфемалар мавжуд бўлмаса, уларда бундай чоғиштириш учун ҳеч қандай асос бўлмайди. Агар тилларнинг бири шундай белгига эга бўлса, улар турли морфологик типларга тегишли эканлигини таъкидлаш мумкин, холос.

Иккита морфем қурилишга эга бўлган тил қиёсланганда, сўз ясалиш ва морфологик категорияларни контрастив тасвирлаш масаласини муҳокама қилиш мумкин бўлади.

Агар лексемаларнинг бошқа тилда аниқ эквиваленти йўқлигини назарда тутсак, морфемаларнинг ҳам бошқа тилда аниқ эквиваленти бўлмаслиги мумкинлигини тахмин қилиш мумкин<sup>154</sup>.

Яқин қариндош бўлмаган тилларда, асосан типологик тасвирни амалга ошириш мумкин. Масалан, немис тилида сўз кўшиш усули билан сўз ясалиш самарадорлиги даражаси юқори, ўзбек тилида эса кўшимчалар ёрдамида сўз ясалиш анча бой ва ранг-барангдир. Немис тилидаги мураккаб сўзларга кўп ҳолларда ўзбек тилида фразеобирикмалар тўғри келиши шу билан изоҳланади: der Lehtstundentag – саккиз соатлик иш куни, die Inhalt-Form-Dialek-tik – i мазмунидаги диалектика шакли ва ҳоказо.

Муайян аффиксларни фақат яқин қариндош тилларда таққослаш мумкин, чунки улар ифодалаган грамматик маъно умуман бошқа бўлгани ҳолда, бир хил талаффуз қилинадиган сўз ясовчи морфемалар кўп.

Бугунги кунда контрастив тасвирнинг вазибалари ҳар бир чоғиштирилаётган тилнинг морфемаларига хос бўлган семантик белгиларни аниқлаш ҳамда бир хил ёки яқин семаларга эга бўлган морфемаларни мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Масалан, немис тилида аёл жинси семасини фақат битта аффикс *-in* ифодаласа, рус тилида бу маънони ифодаловчи *-ица, -ка, -ница, -ья, -овка, -енка, -имя*, ўзбек тилида *-хон, -ой, -бону, -хоним, -сул* каби аффиксларни кўришимиз мумкин.

<sup>153</sup>Копыленко М.М. О межъязыковой идиоматичности и связанных с нею явлениях //Филологические науки, 1964, N 1, 162-168 с.

<sup>154</sup>Очерки русско-немецкой контрастивной грамматики. Имя. Калинин, 1982, 70-84 с.

Рус тилшунослигида сўз ясовчи аффиксларга хос семаларни аниқлаш ва тасвирлаш методикаси Г.А.Волохин ва З.Д.Поповалар томонидан кўрсатиб берилган<sup>155</sup>. У бир морфемага тегишли бўлган барча семалар мажмуининг иерархик қурилишини эътироф қилиш ҳамда мазкур иерархияни Д1 ва Д2 семаларидан К1 ва К2 семаларига томон ривожланишини кузатиш имкониятини яратади.

Сўз ясовчи аффикслар семантик мазмунининг бундай тасвири ўқитувчини материал танлаш ва изохлашнинг турли имкониятлари билан қуроллантиради. Агар иккинчи тил бўйича ҳам шундай тасвир мавжуд бўлса, ўқитиш даражаси анча юқори бўлади. Морфологияни контрастив ўрганиш ҳам тахминан шундай ҳолатдадир. У асосан яқин қариндош бўлган айрим тил жуфтликлари доирасида амалга оширилиши мумкин, холос.

Икки тилнинг морфологик тизимларини қиёслаш сўз ўзгартирувчи воситаларни аниқлашдан бошланади. Чоғиштирилаётган тилларнинг бирида сўз ўзгариши мавжуд бўлмаса, контрастив морфология ҳеч қандай маънога эга эмас. Агар ҳар икки тил сўз ўзгартирувчи флексияга эга бўлса, бу флексиялар қайси грамматик категорияларни ифодалашини аниқлаш ва мавжуд бўлган категориялар (масалан, жинс, сон, замон, келишиқ, майл ва шу кабилар) таксономиясини тузиш мумкин. Таксономик категориялар бир-бирига тўғри келганда чоғиштиришни бирликларнинг тур категорияларини аниқлашда давом эттириш мумкин. Мисол учун, ҳар икки тилда келишиқ категорияси мавжуд бўлса, улар нечта ва қандай вазифаларни бажаришини чоғиштириш мумкин. Грамматик синфлар уларнинг лексем таркибидан айри ҳолда бўлиши мумкин эмас. Баъзи бир синфларга минглаб лексемалар тааллуқли бўлса, бошқаларида юзта атрофида лексема мавжуд, айримларига эса бир неча лексема алоқадор бўлади, холос. Буни рус тилига хос морфологик парадигматика мисолида кўриш мумкин<sup>156</sup>. Шунинг учун морфологик система сўз тасвири бўлиб қолмоқда, лекин бу тасвир сўзни яқка ҳолда эмас, сўз ўзгартирувчи аффиксларни қабул қилиш, яъни грамматик формасига кўра гуруҳларга бўлади. Айнан морфология грамматик категориялар, лексик-грамматик разрядлар сингари сўзлар синфларини кўрсатади. Аёл жинси синфига кирувчи сўзларни ўрганар экан, тадқиқотчи ундан немис тилидаги *das Weib*

(аёл) ва *das Madchen* (қиз) сўзларини чиқариб ташлаши керак, чунки бу гуруҳ шакллар ўрта жинс синфига мансуб, француз тилидаги *la sentmelle* (соқчи) сўзи ҳам эркак жинсига кирмайди, чунки у француз тилида аёл жинсига мансуб. Жонли отларда шундай қутилмаган фарқлар мавжуд бўлса, жонсиз отлардаги фарқларни табиий деб қабул қилишимиз мумкин (рус тилида *ложка* ва немис тилида *der Loffel*, рус тилида *салат* ва болгар тилида *салата*, рус тилида *шинель* ва белорус тилида *шинель* ва ҳоказо).

Контрастив морфологияни ривожлантириш учун сўз ўзгартирувчи аффикслар (ёки флексия) билдирган барча семантик белгиларни аниқлаш керак. Бундай белгиларнинг йиғиндиси чоғиштиришнинг эталони бўлади. Олиб борилган тадқиқотларда бир тилда флексия ёрдамида бериладиган семалар бошқа бир тилда сўз ясовчи морфемалар, синтактик муносабатлар, ёрдамчи сўзлар, лексемалар ҳамда фразеологизмлар ёрдамида ифодаланиши аниқланган. Масалан, ҳинд-европа тилларида келишиқ флексиялари грамматик маъно билан боғлиқ икки ҳодисани ифодалайди: биринчи, тасвирланаётган ҳаракатнинг фаол иштирокчиси: иш-ҳаракатнинг бажарувчиси, иш-ҳаракатнинг объекти, қуроли ёки иш-ҳаракат иштирокчиси/иштирокчиси эмас (ким, кимни, нима, нима билан, ким билан, кимсиз, нимасиз); иккинчиси, иш-ҳаракатнинг локал координатлари, локал белгига нисбатан иш-ҳаракат ўрни, ўринни ўзгартиришнинг бошланғич ва охириги нуқтаси, йўл трассаси тури ва хусусиятлари (нима ичидан, нимадан, нимагача, нимага, нима устига, нима учун, нима олдида, нима устида, нима атрофида, нима орқали ва ҳоказо).

Ўзбек тилида юқорида қайд этилган биринчи ҳолат маъноларини ифодалаш учун асосан ёрдамчи сўзлардан фойдаланилади, иккинчи ҳолатда эса келишиқлардан фойдаланилади, рус тилида ҳар икки ҳолат учун ҳам ёрдамчи сўзлар — олд кўмакчилар катта ўрин эгаллайди.

Бошқа тилларда келишиқ флексиялари ва аффикслари, одатда, биринчи ҳолат маъноларини ифодалайди, иккинчи ҳолат маъноларини ифодалаш эса доимий эмас. Иккинчи ҳолат Шимолий Кавказ тилларида мукамал ифодаланади, уларда келишиқ шакллари сони 40 тагача боради. Мазкур ҳолат 10 тадан 20 тагача келишиқ шаклларига эга фин-угор тиллари флексияларида ҳам кенг

<sup>155</sup>Волохина Г.А., Полова З.Д. Русские глагольные приставки. Семантическое устройство, системные отклонения. -Воронеж, 1993.

<sup>156</sup>Волохина Г.А., Полова З.Д. Морфологическая парадигматика русского языка. 2 издание. -Воронеж, 1991.

ифодаланади. Бошқа тилларда иккинчи ҳолат ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади.

Яна шундай тиллар борки (хитой-тибет, дравид ва баъзи бир бошқалар), уларда мазкур маъноларнинг барчаси аффикслар орқали эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби ва бошқа номорфологик воситалар ёрдамида ифодаланади.

Контрастив морфологияни яратиш учун олдиндан ўзбек ва у билан чоғиштирилаётган тилнинг сўз ўзгартирувчи аффикслари билдирган грамматик мазмун тавсифи мукамал ўрганиб чиқиши керак.

Контрастив жиҳатдан ўрганиш учун олинган конкрет тиллар жуфтлиги фақатгина шу хос бўлган ҳолатларни беради. Тиллар ўзининг систем тузилиши жиҳатидан қанчалик бир-бирига яқин бўлса, қислаш асослари шунчалик кўп бўлади.

Ўзбек тилшунослигида синтаксисдаги контрастив изланишлар бошланғич нуктада турибди. Синтактик сатҳда чоғиштириш учун эталон юзада жойлашган эмас. Нутқий жараёнда фикрни шакллантирадиган мураккаб ва кўп миқдорда сўз шакллари кетма-кетлигининг юзага келиши натижасида уларни таржима эквиваленти билан тўғридан-тўғри контрастив чоғиштириш қийин кечади.

Бунда ҳар бир тушунча ўзининг махсус таржима эквивалентига эга эканлигини инобатга олиш керак. Шунинг учун уларни чоғиштириш ниҳоятда кенгайиб боради.

Синтаксис билан шуғулланувчи олимлар узоқ вақт тилларни контрастив жиҳатдан ўрганишнинг эталони бўлиши мумкин бўлган синтактик асосни излашди. Ҳозирги пайтга келиб бу асос топилди, дейиш мумкин. Бу – сўз бирикмаси, содда гап ва қўшма гапнинг структур схемаси ёки модели. Бироқ структур схеманинг санаб чиқиши, фикрдан уларни ажратиш олиш методикаси, сўзларнинг лексик мазмунидан узоқлашиш даражаси ва бошқалар ҳали-ҳануз мавҳум. Шунинг учун ҳозирги кунда контрастив синтаксисда изланиш олиб боришнинг асоси эталонлар топиш ва принципиал назарий масалаларни ҳал қилишдан иборат бўлиши керак. Бундай ёндашувни М.И.Черемисина ва Т.А.Колосованинг изланишларида кўриш мумкин. Муаллифлар чоғиштирилаётган тилларда фикр ифодасининг структур асосига нисбатан монопредикатив ва полипредикатив структураларни семантик эталон сифатида ажратишди<sup>157</sup>.

Бу ёндашувни аниқ бир мисол билан кўрсатиб ўтамиз. В.Ю.Копров инглиз ва рус тилларидаги субъектнинг объектга аниқ номоний таъсир ўтказишини билдирган конструкцияларни ўрганишган. Натижада бу каби структуралар рус тилида олтига, инглиз тилида эса учта эканлиги аниқ бўлди.

1. Шахсий фаоллик: мальчик сломал игрушку/ the boy broke the toy/ бола ўйинчоқни бузди.

2. Уч таркибли пассив фаоллик: игрушка сломана мальчиком/ the toy was broken by the boy/ ўйинчоқ бола томонидан бузилди.

3. Икки таркибли пассив фаоллик: игрушка сломана/ the toy was broken/ ўйинчоқ бузук.

4. Шахси ноаник: игрушку сломали/ ўйинчоқни бузишди.

5. Уч таркибли шахси ноаник: ветром сломало дерево/ дарахт шамолда синди

6. Икки таркибли шахси ноаник: улицу затопило.

Кўринадики, кейинги учта структура инглиз тилида мавжуд эмас, бу эса мазкур тилда шахси номаълум ва шахсиз гапларни ўрганишда бир қанча қийинчиликларга олиб келади<sup>158</sup>. Рус тилида ишлатиладиган охириги икки структур схема фақатгина табиат ҳодисаларининг объектга таъсирини кўрсатиши мумкин. Табиат ҳодисаларининг номи эса таркибдан осонгина тушиб қолади. Чунки дарахатни билдираётган кесим ўзининг семемаси таркибида табиат ҳодисаси билан боғлиқлик семасига эга: синдирди (шамол), чуқтирди (сув), куйдирди (қуёш) ва шу кабилар.

Бизнингча, бундай ёндашувлар контрастив синтаксис шаклланишида яхши натижа беради, бироқ уни тўлиқ қамраб олиш учун синтактик семантика соҳасида жуда кўп ишлаш керак. Бунинг учун синтактик эталонларни топиш зарур, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, турли тилларда бериладиган сўз бирикмаси, содда гап ва қўшма гап мазмуни структур схемалар билан бериладиган семантик универсалияларни аниқлаш лозим. Матнни контрастив жиҳатдан ўрганиш имкониятлари, матн боғланганлиги, актуал бўлиниши ифодалаш воситалари, матн бирликларининг олдиндан мавжуд ва янги, аниқлик ҳамда ноаниқлик ва яна бошқа категорияларини кўриб чиқиш масалалари ҳам майдонга келади, шунингдек, бундан-да мураккаброқ масалалар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, матн категориясининг семантикаси, матн типлари ва уларнинг

<sup>157</sup>Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. -Новосибирск, 1987.

<sup>158</sup>Копров В.Ю. Выражение субъектно-объектных отношений в современном русском языке. Методическая разработка. -Воронеж, 1982.

прагматик имкониятлари. Бу каби масалалар ечимига интилишни И.Я.Чернухинанинг изланишларида ҳам кўриш мумкин<sup>159</sup>.

Контрастив изланишларга назар ташлаганимизда, тадқиқотларни олиб бориш учун назарий асослар аниқлаштирилганлигини, амалий ишлар тилнинг ҳар бир сатҳида бажарилаётганлигини кўришимиз мумкин. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳамма сатҳда ҳам иш даражаси бир хил эмас. Лексик-фразеологик сатҳ чуқур ўрганилди, контрастив фонетика ва просодиялар бўйича ҳам натижаларга эришилди. Сўз ясалиши, морфология, синтаксис тармоқларида, шунингдек, матнни контрастив ўрганиш бўйича ҳаракатлар бор.

Уларни тўлиқ, кенг қамраб олиш хоҳ хусусий лингвистика соҳаси бўлсин, хоҳ умумий лингвистика соҳаси бўлсин, фақат ва фақат муваффақиятлар сари йўл очади.

### КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАДА КОНГРУЭНТЛИК ВА ЭКВИВАЛЕНТЛИК

Тилларни ўзаро қиёслаш ёки чоғиштириш учун улардаги бирликларнинг шакл ёки мазмунидаги мавжуд белгилар асос қилиб олинади. Шу асосда қиёсланаётган тил бирликларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланади. Конгруэнтлик тушунчаси шу билан боғлиқ ҳодисадир.

Конгруэнтлик (лотин. *congruens* – мувофиқ, тўғри келадиган) ҳодисасида тил бирликлари шакллариининг мувофиқлиги тушуниллади<sup>160</sup>. Бу ҳодиса тилнинг турли сатҳларида кузатилиши мумкин. Масалан, фонетик-фонологик сатҳда ўзбек ва тожик тилларидаги *китоб*, араб тилидаги *китабун* сўз шакллари; рус тилидаги *снег*, украин тилидаги *сніг*, белорус тилидаги *снег*, болгар тилидаги *сняг* сўз шакллари ўзаро тўлиқ ёки қисман конгруэнт бўлади. Фонетик-фонологик сатҳдаги конгруэнт сўзлар семантик жиҳатдан фарқланиши ҳам мумкин. Масалан, зўр сўзи туркий тилда «қийин» маъносини англатса, ўзбек тилида «кучли», «мукамал», «яхши» маъноларида қўлланилади<sup>161</sup>. *Омоч* ҳозирги замон ўзбек адабий тили учун эскирган сўздир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли энг оддий ёғоч

*абоб*<sup>162</sup> деб изоҳ берилган. Турк тилининг изоҳли луғатида ҳам *атаф* сўзини учратиш мумкин. Бу луғатда *атаф* – етишиш исталган *ини*<sup>163</sup> деб изоҳланган. *Ariza* сўзи турк тилида «нуқсон», «бузилиш» маъноларида ишлатилса, ўзбек тилида бу сўз расмий ёзма интимос ёки шикоятни англатади. Ўзбек тилида *эл* сўзи бир жойнинг аҳолиси, халқи маъносида келса, турк тилидаги *el* сўзи синонимлик хусусиятига эга. Унинг бир маъноси халқни билдирса, *ана* бири қўлнинг билақдан пастки қисмини англатади. *Fukara* сўзи турк тилига араб тилидан кириб келган. Бу сўз турк тилида ҳам, араб тилида ҳам «йўқсил», «фақир», «заволли», «дарвеш» тушунчаларига эга. *Фуқаро* сўзи ўзбек тилига ҳам араб тилидан кириб келган, бироқ бу сўз ўзбек тилида «бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси» маъносида ишлатилади. *Ҳинди* сўзини эшитган ўзбеклар миллатидан, динидан ва тоифасидан катъий назар Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган туб жой аҳолининг номини ёхуд ҳинд тилини тушунади. Лекин турк тилидаги *hindi* сўзи XV асрда Америкадан Европага кириб келган ва ўзлаштирилганда, «гўшти севиб истеъмол қилинадиган парранда (курка)» маъносига эга бўлган. Даврий матбуотда адабий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи адиб, матбуот ходимини англатувчи *журналист* сўзи турк тилида «чақимчи», «айғоқчи» маъноларида ишлатилади. *Кўз* сўзини эшитган турклар «яхши ёниб, ўт ҳолатидан оташ ҳолатига келган ўтин ёки кўмир парчаси»ни, ёхуд «кичкина-кичкина қўр парчалари бўлган қул»ни, «чўғ»ни тушунишса, бу сўз ўзбек тилида «кўриш аъзоси» маъноси мавжуд. *Peşin* сўзи ўзбек тилига ҳам, турк тилига ҳам форс тилидан ўтган бўлиб, бир-биридан фарқли маънода қўлланилади. Турк тилида «нақд», «олдиндан берилган маош», «олдин», «аввал», «олдиндан тўлаш шарти» каби маъноларни билдирса, ўзбек тилида «куннинг ярми ўтган пайт» ҳамда «шу пайтда ўқиладиган намоз» маъноларини англатади.

Фонетик-фонологик белгиларига кўра ўзаро конгруэнт бўлган сўзлар ўз мазмунини сақлаши билан бирга янги маъно касб этишини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

-А тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси Б тилда айнан мос ҳолда қўлланилади. Масалан, ўзбек ва араб тилларидаги *итомат* «бўйсунуш», рус ва чех тилларидаги *лес* «ўрмон», форс ва тожик тилларидаги зўр «куч, қудрат» ва ҳоказо;

<sup>159</sup> Чернухина И.Я. Основы контрастной поэтики. - Воронеж, 1990.

<sup>160</sup> В.Б.Кашкин Сопоставительная лингвистика (учебное пособие для вузов). - Воронеж, 2007.

<sup>161</sup> Н. Махмуд, Э. Йаман Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча луғат. - Тошкент: «Ғофур Ғулом», 1993.

<sup>162</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. III жилд. 124-бет.

<sup>163</sup> Kemal Demirey/Temel türkçe sözlük Istanbul, 1988.

- А тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси Б тилда семантик жиҳатдан бир оз ўзгариш билан қўлланилади. Масалан, *зимистон* ўзбек ва тожик тилларида турли «қоронғу» (ўзбек тилида) – «қиш» (тожик тилида) маъноларини англатади, *сабзи* сўзи ўзбек тилида «полиз экини тури» бўлса, тожик тилида «кўкатлар» маъносини англатади. Ўзбек ва араб тилларидаги *замон* сўзининг маъноси «вақт» – «кун», *содиқ* «вафодор» – «дўст», рус тили ва чех тилида *зима* «қиш» – *zima* «совук», *добрий* «меҳрибон» – *dobry* «яхши», *овоци* «сабзавот» – *ovose* «мева» маъноларини англатади;

- А тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси Б тилда тамоман янги маъно касб этади. Масалан, ўзбек ва араб тилларидаги *касофат* «бахтсизлик» – *касофат* «куюқлик, зичлик, гализлик», *қирдикор* «номаъкул иш» – *қирдикор* «яратувчи, вужудга келтирувчи (худонинг сифати)» маъноларини англатади. Рус тили ва чех тилида *горький* «аччиқ» – *horky* «иссиқ», *мудрый* «донишманд» – *modry* «кўк», репа «шолғом» – *гера* «лавлаг» маъноларини англатади;

- А тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси Б тилда сўз маъносининг тамоман акси, яъни антоними бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек ва араб тилларидаги *бидъат* «эскидан қолган урф-одат, расм-руем» – *бидъат* «янгилик, янгилик киритиш». Шунингдек, *қунтақун* ўзбек тилида «бузилиб, янчилиб, йўқ бўлиб кетмок» – араб тилида эса «яратилиш». Ё.Одиловнинг кўрсатишича, *дилгир* сўзи форс-тожик тилида «хафа бўлган, ранжиган, дили сиёх», «руҳи тушган, ғамгин, қайғули», «ачинарли», «баджаҳл, жаҳли тез, сержаҳл» каби маъноларга эга (ПРС656). Бу сўз эски ўзбек тилига ўзлашгандан кейин юқоридагиларга қарама-қарши маъно «дилни олувчи» маъносига эга бўлган (НАЛ,160). Аслида бу сўз қўшма сўз бўлиб, *гир* таркибий қисми «олувчи, тортувчи» маъносини англатади. Масалан, *бодгир* – «шамол тортадиган туйнук», *миёнгир* – «бел олувчи, беллашувчи», *оромгир* – «ором олувчи» маъноларини англатади (НАЛ,160). Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштирилиши натижасида сўз маъносида зиддият пайдо бўлиши билан бирга зиддиятнинг бузилиши ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, форс-тожик тилидан ўзлашган *дам-бадам* сўзи шу тилнинг ўзида зид маънолар – «ҳар замон» ва «тез-тез»га эга бўлган (ЎТИЛ, 1: 552). Ўзбек тилига эса «ҳар

замон» маъносини йўқотган ҳолда ўзлашган ва маънодаги зиддият бузилган<sup>164</sup>.

Товуш шакли тўғри келмайдиган тил бирликларида конгруэнтлик муаммоси тушунча структураси мувофиқлиги асосида кўриб чиқилади. Турли тилларда бир хил тушунча структурасига эга бўлган сўзлар ўзаро конгруэнт бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *болалар богчаси* тожик тилидаги *боғчаи бачагон* – рус тилидаги *детский сад*. Лекин ўзбек тилидаги *ҳисоб-китоб* сўзи, тожик тилидаги *ба ҳисоб гирифтан* ёки рус тилидаги *учет* сўзи билан конгруэнт эмас. Чунки ўзбек тилидаги сўз мураккаб сўз ҳисобланса, бу маъно тожик тилида сўз бирикмаси, рус тилидаги сўз содда сўз орқали шакллантирилган. Бу эса тил бирликларининг ўзаро лингвистик белгиларига кўра мувофиқ эмаслигини англатади.

Морфологик сатҳдаги конгруэнтлик ҳақида гапирганда, турли тиллардаги сўзларнинг сон категориясида қўлланилишини мисол кўрилишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги *темир* ва рус тилидаги *железо*, тожик тилидаги *оҳан*, ўзбек тилидаги *одамийлик*, рус тилидаги *человечность*, тожик тилидаги *одамгари* сўзлари фақат бирликда қўлланилади.

Ўзбек тилидаги *ешлар* ва рус тилидаги *молодёжь* сўзлари ҳам ўзаро конгруэнт ҳисобланмайди. Бунга шаклларнинг айнан сон категориясида мос эмаслиги сабаб бўлади. Бу сўз ўзбек тилида доимо кўпликда қўлланилгани ҳолда рус тилида доимо бирлик шаклда қўлланилади. Ўзбек тилидаги *қайчи*, *шим*, *кўзойнак* сўзлари ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўлланилса, рус тилидаги *ножницы*, *брюки*, *очки* сўзлари доимо кўпликда ишлатилади. Тожик тилида ҳам мазкур сўзлар худди ўзбек тилидаги каби ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўлланилади.

Синтактик сатҳда (эга – ҳаракат субъектини ифодалаш нуқтаи назаридан) қуйидаги гаплар конгруэнт бўлади. Ўзбек тилидаги *Қиз тишсиз*, тожик тилидаги *Духтари бекор* ва рус тилидаги *Девочка безработная*. Ўзбек тилидаги *У ухлай олмаяпти*, рус тилидаги *Ему не спится* гапи билан конгруэнтлик ҳосил қила олмайди. Ўзбек ва рус тилидаги гаплар мазмунан тўғри келса-да, ўзбек тилидаги гап 2 таркибли, рус тилидагиси эса бир таркибли гапдир.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, конгруэнтлик ҳодисаси тил қурилишининг барча сатҳларида учраши билан бир

<sup>164</sup> Одилов Ё. Сохта ўқшашлик ёки таржимоннинг ёлгончи дўстлари. Тил ва алабиёт таълими. 2014 йил. II-сон.

қаторда конгруэнтлик даражаси нуктаи назаридан ҳам фарқланади. Яъни биз тўлиқ конгруэнтлик ҳамда қисман конгруэнтлик ҳодисаларини ажратишимиз мумкин.

Эквивалентлик (лот. *aequivalens* – тенг маъноли, тенг қийматли) атамаси остида тил бирликлари маъноларининг мувофиқлиги тушунилади.

Тиллараро эквивалентлик хусусида сўз юритилганда, чоғиштириладиган тиллар бирликларининг марказий ва периферик семантик компонентларининг мувофиқлиги назарда тутилади. Масалан, рус тилидаги *серп* сўзига ўзбек тилидаги ўроқ сўзи эквивалентдир, чунки уларнинг таърифлари семантик компонентлари мувофиқдир. *Серп* – ручное орудие для срезывания хлеба с корня, представляющее собой длинный изогнутый нож с зазубренным лезвием. *Ўроқ* – турли бошоқли экинларни қўлда ўриш учун ишлатиладиган, бели букик, ўткир тигли меҳнат қуроли. Мазкур сўзларнинг мувофиқ семантик компонентларини қиёслайдиган бўлсак, *ручное – қўлда; орудие – қурол, для срезывания хлеба – бошоқли экинларни ўрадиган, с зазубренным – ўткир тигли, изогнутый – бели букик.*

Умумий ҳолатда эквивалентликнинг уч даражаси фарқланади: тўлиқ, қисман ва ноль эквивалентлик.

Тўлиқ семантик эквивалентлик остида тил бирликлари компонентлари, семантик структураларининг мувофиқлиги тушунилади. Масалан: ўзбек тилидаги ишчи – рус тилида *работник*, ўзбек тилида *қайта номлаш* – инглиз тилида *rename*, ўзбек тилида *таълим* – немис тилида *Bildung*, ўзбек тилидаги *кўз* – тожик тилида *чаши*.

Қисман эквивалентлик турли муносабатларда, масалан, дивергенция ва конвергенция ҳодисалари кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Дивергенция ҳодисасида А тилдаги бир сўзга Б тилдаги бирдан ортиқ сўз тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги *бармоқ*, тожик тилидаги *ангушт*, рус тилидаги *палец* сўзига немис тилида иккита бирлик *Finger* (кўл бармоғи) ва *Zehe* (оёқ бармоғи), инглиз тилидаги *know* сўзига испан тилида иккита лексема *conocer* ва *saber* тўғри келади.

Конвергенция дивергенцияга тескари ҳодиса, яъни А тилдаги иккита ва ундан ортиқ сўзга Б тилда бир сўз тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги икки сўз *аёл* ва *хотин* ҳамда инглиз тилидаги уч

сўзга *woman, wife, missis* немис тилида бир сўз *Frau* тўғри келади. Бунга рус тилидаги тўрт лексема: *коричневый, карий, каштановый, рыжий* лексемаларига инглиз тилида бир сўз *brown* мувофиқ келади.

Чоғиштириладиган тилларнинг бирида объектив оламнинг дифференциацияси ҳодисасини ифодаловчи бирликларнинг йўқлиги дивергенция ва конвергенция ҳодисаларига олиб келади. Бунга қўйидаги мисолларни ҳам келтиришимиз мумкин: лапшлар нонида муз 20 хил сўз билан, қор 21та сўз билан номланади. Рус тилида *крупкой, порошей, хлопьями* сўзлари ҳам қорни ифодалашда қўлланилади. Шунингдек, рус тилида қишни эркалаб *зимушка-зима*, илик қишни – *сиротская зима* деб номлаш ҳолатлари бор, лекин кўп тилларда бундай фарқлаш йўқ.

Қисман эквивалентлик тил бирликларининг барча маъноларини қиёслаганда кузатилади. Масалан, рус тилидаги *струна* (1) мусиқа асбобларида тортиладиган ва тебранганда мусиқий товуш чиқарадиган тортилган ип; 2) ҳайвонлар чандири; 3) сим ва ҳоказолардан қилинган ва бирор нарсага тортиладиган ип, тасма сўзига ўзбек тилида *тор* сўзи мувофиқ келади. Бу сўз уч маънога эга (1) дор; 2) ип; 3) тола), улардан фақат биттаси рус тилидаги *струна* сўзининг маъносига тўғри келади.

Маълум маънода турли тилларда ички шакли, яъни мотиви мувофиқ бўлмаган бирликлар қисман эквивалент бўлади. Масалан, ўзбек тилида она *тили*, тожик тилида *забони модарӣ* ва рус тилида *родной язык*; ўзбек тилидаги *чалажон* – рус тилида *полуживой* (ярим тирик) – немис тилида *halbtot* (айнан, ярим ўлик); рус тилида *котьки* – немис тилида *Schlittschuh* (айнан, музда сирғаниш пойабзали).

Эквивалентликнинг учинчи даражаси – ноль эквивалентлик. Аслида, уни эквивалентлик деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки бу ҳодисанинг аниқ номи лакунарлик (лотинча *lacuna* – бўшлиқ, тушириб қолдириш).

## ЛИНГВИСТИКАДА ЭКВИВАЛЕНТСИЗ ЛЕКСИКА ТУШУНЧАСИ ХУСУСИДА

Ҳар бир тил тарихи жамиятдаги ишлаб чиқариш, маданият, илм-фан тараққиёти билан боғлиқ доимий янгиликлар натижасида дугат таркибида муайян ўзгаришлар содир бўлганлиги ҳақида далолат беради.

Халқларнинг маданий фарқланишлари натижасида вужудга келган фарқлар биринчи галда тилларнинг лексика ва фразеология соҳаларида кўзга ташланади, чунки тилнинг номинатив (аташ) воситалари экстралингвистик борлиқ билан бевосита боғлиқ бўлади. Тил ва шевадаги барча сўзлар ҳам, бошқа тилларда тўғридан-тўғри муқобилига эга эмас. Мазкур сўзлар эквивалентсиз лексика деб юритилади ва асосан маҳаллий маданиятнинг ўзига хос ҳодисаларини ифодалашга хизмат қилади<sup>165</sup>.

Ҳар қандай тил лексик таркибида фақат ўша халққа хос бўлган референтлар акс этувчи, ўзига хос миллий-маданий мазмун касб этувчи сўзлар борки, улар чоғиштирилаётган иккинчи тил эгаси мансуб бўлган халқда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, миллий таомлар номи (ўзбек тилида: палов, бешбармоқ, сумалак; рус тилида – борщ, щи, квас); миллий кийим (ўзбек тилида: чопон, белбоғ, дўппи; рус тилида: сарафан, камбинзон) ва ҳоказо. Улар мазкур мамлакат, маданият, халқнинг типик борлигини акс эттиради ва бошқа тиллар таркибида бевосита мувофиқликларга эга эмас. Демак, «уларнинг лексик тушунчалари миллий-маданий ўзига хосликка эга. Шунинг учун миллий-маданий хусусиятга эга бўлган сўзлар халқ маданиятининг ўзига хос «ойнаси» бўлиб, бутун бир яхлит тил тизимининг ривожланиш йўналишларини ва хусусиятларини акс эттиради деб хулоса қилиш мумкин<sup>166</sup>». Биз шу ўринда сўз семантикасининг миллий-маданий ўзига хослигини маданият хусусиятлари билан боғланмаган миллий-лисоний ўзига хосликлардан фарқламоқчимиз. В.Гладков «тор маънода мавжуд нарсалар номларини чоғиштирилаётган тилда мувофиқ денотат мавжуд бўлса ҳам, эквивалент мувофиқлиги йўқ номлардан фарқлаш зарурлигини» алоҳида қайд этади<sup>167</sup>. Масалан, ўзбек тилида инглиз тилидаги *drugstore* «дори-дармон, косметика, журнал, музқаймоқ, кофе ва ҳоказолар билан савдо қилувчи магазин» сўзига маъноси мувофиқ келадиган лексик бирлик йўқ. Худди шундай инглиз тилида ўзбек тилида *мехржон* «ҳосил йиғим-терими ниҳоясига етганлигига бағишланган байрам» иборасига мос келадиган лексик бирлик мавжуд эмас. Бундай лексик бирликларни Л.С.Бархударов

тасодифий лакуналар<sup>168</sup>», В.Л.Муравьев «мутлақ лингвистик лакуналар<sup>169</sup>» деб номлашган.

«Лакунар бирлик» ҳамда «лакуна» тушунчаларининг фарқланиши «лакунар бирлик» ва «эквивалентсиз бирлик» тушунчаларини синонимлаштиришни инкор этади. Бизнингча, А тилдаги сўз лакунар бирлик бўлиб, Б тилдаги лакуна билан коррелятив муносабатга киришади, шу билан бирга, мазкур тилда эквивалентга эга бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *Finger* сўзи ўзбек тилида *бармоқ*, рус тилида *палец*, тожик тилида *ангушт* эквивалентларига эга, лекин шу билан бирга, у мазкур тиллар учун лакунардир, чунки ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам, тожик тилида ҳам «қўлдаги бармоқ» (инглиз тилида *Finger*) ва «оёқдаги бармоқ» (инглиз тилида *Toe*) тушунчалари фарқланмайди. Шунингдек, ўзбек тилидаги *кўк* сўзи рус тилидаги *учта сўз голубой, синий, зелёный* маъносини қамраб олади, инглиз тилидаги *dream* сўзи ўзбек тилида *муш* ва *хаёл* сўзлари, инглиз тилидаги *smell* сўзи рус тилидаги *пахнуть* ва *нюхать*га мувофиқ келади.

«Лакунар бирлик» ҳамда «эквивалентсиз бирлик» тушунчалари ўзаро синонимик муносабатда бўлмаслигининг яна бир сабаби, лакунар бирлик тил бирлиги сифатида сатҳий таснифга ҳам эга. Шунинг учун ҳам лакунар бирлик ва лакуналарнинг сатҳий таснифини тасаввур қилиш мумкин. Бизнингча, лакунар бирликлар бу бир тилнинг лингвемалари (фонема, морфема, лексема, фразема ва ҳоказо) иккинчи тил лакуналари («бўшлиқлар», «оқ доғлар», «ноллар») билан ўзаро мувофиқлик муносабатида бўлганлиги сабабли лакунарлик тилнинг барча сатҳларида намоён бўлади.

Е.М.Верещчагин, В.Г.Костомаров каби тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, сўзнинг миллий-маданий ўзига хослигини фақат икки ёки бир неча тиллардаги сўзларнинг семантикасини чоғиштириш йўли билан аниқлаш мумкин. Тилларнинг чоғиштирма тадқиқи натижаларига кўра, миллий-маданий фарқлар, айниқса, лексик ва фразеологик сатҳларда ёрқин намоён бўлади. Бир қатор тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, таржимашуносликда эквивалентсиз лексиканинг тадқиқи «таржима қила олишлик» ва «эквивалент» тушунчалари, эквивалентсизлик муаммолари ҳамда миллий маданият предметлари ва ҳодисаларини ифодаловчи лексикани

<sup>165</sup> Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. – М.: Аспект Пресс, 2006. 52 с.

<sup>166</sup> Зубкова Л.И. Лингвострановедческий подход в изучении национально-культурной специфики слова // Научно-методический сборник. Воронеж, 1993. №43. 157–158 с.

<sup>167</sup> Gladrow W. Russisch im Spiegel des Deutschen. Wien: Lang, 1998. 15 с.

<sup>168</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода. – М., 2008. 95 с.

<sup>169</sup> Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). Владимир, 1975.

таржима қилиш усуллари билан боғлиқдир. Мазкур муаммоларни ҳал қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда Л.С.Бархударов, С.Влахов, С.Флорин, В.Н.Комиссаров, Я.И.Рецкер, В.Л.Россельс, Г.В.Шатков, А.В.Фёдоров, А.Д.Швейцер, Г.В.Чернов, А.О.Иванов каби таржимашунослик соҳасидаги таниқли олимларнинг хизматлари катта.

Замонавий лингвистика, лингвистик таржима назарияси, этнолингвистика, этнопсихоллингвистика, контрастив лингвистика, маданиятлараро коммуникация назариясида турли сатҳларда қайта қилинган лисоний ва этномаданий фарқлар ва тафовутлар кўп сонли муаллифлар томонидан ўрганилган ва ўз навбатида турли терминлар билан тасвирланган. Масалан, фақат маълум бир тил жамоаси учун хос бўлган ҳамда иккинчи тилда ўқшаши йўқ бўлган тушунча, предмет, ҳодисалар қуйидаги терминлар билан таърифланган: «эквивалентсиз лексика» (Л.С.Бархударов, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров), «экзотизм», «реалиялар» (С.Влахов, С.Флорин), «ксеноним» (В.В.Кабакчи), «логоэпистема» (Е.Ю.Прохоров), «лакуна» (И.А.Стернин, В.Л.Муравьёв) ва ҳоказо. Айнан мазкур тил бирликлари асл матннинг миллий-маданий мазмунини ташкил қилади ҳамда маданиятлараро коммуникацияда этносемантик сатҳдаги қийинчиликларни ўзида акс эттиради. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларнинг нуқтаи назаридан эквивалентсиз лексика – бу шундай сўзларки, уларни таржима ёрдамида маънолаштириб бўлмайди (улар бошқа тилларда муқим мувофиқликларга, иккинчи тилга хос мазмуний тизимда маъно мувофиқликларга эга эмаслар), яъни улар «мазмун мундарижаси бошқа тил лексик тушунчалари билан чоғиштириб бўлмайдиган сўзлар<sup>170</sup>»дир. Шунинг учун «эквивалентсиз лексика» тушунчаси фақат эквивалент йўқлигини эмас, балки мазкур йўқлик сабаби «ўзига хос моддий ва маънавий маданиятнинг сўз орқали акс этиши»ни ҳам ўзида мужассамлаштиради<sup>171</sup>.

Эквивалентсиз лексиканинг миллий-маданий компоненти семантик гетероген макрокомпонент бўлиб, семантик структурада «локаллик», «этник мансублик» каби облигатор семалар ҳамда «тарихий мувофиқлик», «ижтимоий-сиёсий фаоллият», «социомаданий маълумотлар», «диний мансублик» каби факультатив семалар орқали ҳам унинг мундарижаси бойийди.

<sup>170</sup>Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. -М.: Индрик, 2005. 44 с.

<sup>171</sup>Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Кўрсатилган асар. 45-бет.

Эквивалентсиз лексика тушунчаси остида иккинчи тилга хос сўзлар тизимида маъно мувофиқликларига эга бўлмаган сўзлар тушурилганлиги, уларнинг мавжудлиги эса маданиятлар ўртадаги тафовутлар билан изоҳланганлигидан келиб чиқиб, мазкур тил чегараларини белгилаш масаласи ҳали-ҳануз мунозарали ҳал бўлиб келмоқда.

Эквивалентсиз лексика қуйидаги генетик белгилар бўйича классифланиши мумкин.

1. Янги давр сўзлари (яқин ўтмишда қўлланила бошланган тарихда кўринишдаги неологизмларни мазкур гуруҳга киритиш мумкин).

2. Анъанавий турмушга оид предмет ва ҳодисалар номи.

3. Тарихий сўзлар.

4. Фразеологик бирликлар.

5. Фольклор сўзлари.

6. Жаргонизмлар (одатда, бунга ёшлар, жинойтчилар, ҳарбий-авиация ва ҳаво кўчирилган нутқ сўзлари киритилади).

7. Ижтимоий-сиёсий лексика.

8. Сўзлашув лексикаси.

А.О.Иванов эквивалентсиз лексикани уч катта гуруҳга ажратлади:

1) референциал-эквивалентсиз лексика. Мазкур гуруҳга референциаллар, индивидуал (муаллифлик) неологизмлар, семантик лакуналар, кенг семантикага доир сўзлар, мураккаб сўзлар кирилади;

2) прагматик-эквивалентсиз лексика. Мазкур гуруҳ меъёрларни чекиниш, бошқа тилларга хос сўзлар, қисқартмалар (аббревиациялар), субъектив баҳо аффиксли сўзлар, тақлидий сўзлар ҳамда ассоциатив лакуналарни бирлаштиради;

3) альтернатив-эквивалентсиз лексика. Мазкур гуруҳ атоқли сўзлар, мурожаатлар, реалиялар ва фразеологизмларни қамраб олади<sup>172</sup>.

Шундай қилиб, эквивалентсиз лексика, таржима эквиваленти тафовутидан келиб чиқиб, жуда кенг талқин қилинади. Унинг таркибига ҳам миллий-маданий, ҳам миллий-тил хусусиятларга эга лексик бирликлар киритилади.

Эквивалентсиз лексикани ифодалашнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, таржимон қайси усулни қўллашини танлаши керак. Шундай лексик бирликларнинг таржимаси матн характери, уларнинг

Иванов А.О. Безэквивалентная лексика. СПб.: Союз, 2007. 46 с.

контекстдаги аҳамияти, шунингдек, тилнинг сўз яшаш, адабий тил анъаналари каби хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун эквивалентсиз лексиканинг таржимаси таржимондан ижодий ёндашув ҳамда ижтимоий соҳалар ва мамлакатшуносликка оид чуқур билимларга эга бўлишни талаб қилади.

### КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАДА ЛАКУНА ВА ЛАКУНАР БИРЛИК ТУШУНЧАЛАРИ ХУСУСИДА

Лакуна ходисасини тадқиқ қилишда биринчи навбатда қайси тил материаллари асосида изланиш олиб борилишини аниқлаб олиш зарур. Агар тадқиқот объекти бир тил материаллари доирасида бўлса, тадқиқотчи фақат ўша тилдаги лакуналарни ўрганadi. И.А.Стерниннинг кўрсатишича, «... ҳар қандай ихтиёрий тилда маъноси яқин лексемалар бўлса ҳам, барибир кўп сонли лакуналар, яъни тилнинг лексик-фразеологик тизимида бўш қолган, тўлдирилмаган ўринлар (катаклар) мавжуд»<sup>173</sup>.

Икки ва ундан ортиқ тилларни қиёслаганда эса тадқиқотчи турли тиллар доирасидаги лакуналарга дуч келади. Шунинг учун лакуналарни таснифлашда аввало бир тил доирасидаги лакуналар ва турли тиллар доирасидаги лакуналарни ажратиш лозим.

Ҳозиргача олиб борилган кўплаб тадқиқотларда бу фарк кўрсатиб ўтилмаган. *Лакуна* атамасини француз лингвистлари М.Галлио, Ж.Вине ва Ж.Дарбельнелар лингвистикага олиб киришган ҳамда унга бир тилда мавжуд бўлган сўз бошқа тилда ўз мувофиқига эга бўлмаслиги деб таъриф беришган<sup>174</sup>. Лакуна терминини тилшуносликка киритган ҳамда уни бир тилда мавжуд бўлган сўзнинг иккинчи бир тилда ифодаловчи мувофиқ сўз йўқлиги ходисаси сифатида таърифлаган француз тилшунослари М.Галлио, Ж.Вине ва Ж.Дарбельне асарларига мурожаат қилинганда, улар ўз асарларида тиллараро лакуна терминини айнан қўллашмаган бўлса ҳам, шу ходиса хусусида сўз юритганликлари англашилади.

Назарий адабиётлар тадқиқи шундан далолат берадики, тадқиқотчилар лакунар бирлик ва лакуна терминлари ўртасида аниқ чегара қўймаганликлари натижасида тиллараро лакуна тушунчасига таъриф беришда ҳам аниқ бир фикрга келишмаган.

<sup>173</sup>Стернин И. А. Лексическая лакунарность и понятийная эквивалентность. -Воронеж: ВГУ, 1999. 7 с.

<sup>174</sup>Байрамова Л.К. Лакунарные единицы и лакуны // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 3. Благовещенск: БГПУ, 2006. 3 с.

Л.К.Байрамова тиллараро лакуналарга таъриф берар экан, лакунар бирликни иккинчи тилда очиқ қолган, бўш яъни ҳали тўлдирилмаган ўрин, лакуна эса лакунар бирлиkning ноль корреляти сифатида белгилайди. Шундай қилиб, лакунар бирлик биринчи (А тилнинг) мулки бўлса, лакуна иккинчи (Б тилнинг) мулкидир. Лакунар бирлик ва лакуналар лакунарлик категориясининг таркибий қисмларидир. Демак, лакунарлиkning таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) лакунар бирлик; 2) лакуналар (лакунар бирликларнинг ноль формадаги коррелятлари)<sup>175</sup>.

Масалан: Рус тилида *распопериться* «нокулай вазиятда туриш, сенга ҳам, бошқаларга ҳам нокулай бўлиши» – ўзбек тилида (0); рус тилида *пороша* “биринчи ёққан қор” – ўзбек тилида (0);

Лакуна ва лакунар бирлик тушунчаларини фарқлашимиз баъзи бир тадқиқотчилар изланишларида кузатилаётган тил бирлиги бўлган лакунар бирликларни лакуналар (бўшлиқ) сифатида талқин қилиш сингари чалкашликларнинг олдини олади.

Д. Худойберганова лакунага таъриф берар экан, уни мулоқот жараёнида муайян маданиятнинг вакили томонидан тўлиқ ёки қисман англашилмайдиган ўзига хос миллий унсури деб атайди<sup>176</sup>. В.И.Жельвиснинг фикрича ҳам, лакуна – «баъзи бир маданиятларда кузатиладиган ва бошқа тилларда мавжуд бўлмаган, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, оммавий ифодага эга бўлмаган «алоҳидалик»дир»<sup>177</sup>. Бундан кўриниб турибдики, тадқиқотчилар лакунарлик категориясини унинг таркибий қисми билан биргаликда лакуна деб атамоқда.

О.А.Огурцова эса лакунани «қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлган, иккинчисида эса кузатилмайдиган грамматик категория, сўз, сўз бирикмаси (эркин ва фразеологик бирикмалар)» деб таърифлайди.<sup>178</sup> Тадқиқотчи *лакуны-дефиниции тушунчасини олиб киради. Бу тушунча остида «қиёсланаётган тилларнинг бирида эркин сўз бирикмаси – перефразалар ёрдамида бериладиган от сўз туркумига кирадиган сўзлар» англашилади. Масалан:* англиз

<sup>175</sup>Байрамова Л. К. Введение в контрастивную лингвистику. Казань: КГУ, 2004. 43 с. Байрамова Л.К. Лакунарные единицы и лакуны // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 3. Благовещенск: БГПУ, 2006. 3 с.

<sup>176</sup>Худойберганова Д. Лингвокультурология термишарининг қисқача изоҳли лугати. -Т., Турон замин эиё, 2015. 25-26 бет.

<sup>177</sup>Жельвис В. И. К вопросу о характере русских и английских лакун // Национальнокультурная специфика речевого поведения. -М.: Наука, 1977. 136-137 с.

<sup>178</sup>Огурцова, О. А. К проблеме лакунарности // Функциональные особенности лингвистических единиц: сб. тр. Кубан. ун-та. Вып. 3. -Краснодар: Изд-во Кубан. ун-та, 1979. 82 с.

тилидаги an alarm clock – будильник. Шу асосда, лакунар бирлик муаллиф томонидан лакуна деб аталади.

З.Д.Попова ва И.А.Стернин лакуна тушунчасини ҳодиса сифатида таърифлашади: турли тиллардаги денотатив семемаларнинг тўлиқ эквивалент бўла олмаслиги натижасида лакуна сингари ҳодиса юзага келади. Лакуна – ўзаро қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлган у ёки бу тушунчанинг бошқасида номланмаслиги.<sup>179</sup>

Г.В.Бикова эса лакуналарга «миллий тил системасидаги ўз тил ифодаси воситасига эга бўлмаган кўплаб концептлар (лакуна)», «лексемасиз семемалар», «ўзида вертуал лексик бирликни касб этган, ноль лексема статусида лексик системада ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган» тарзида таъриф беради<sup>180</sup>. Кейинги изланишларида Г.В.Бикова: лакуна – «вертуал лексик моҳият, лексема сифатида моддий жиҳатдан ўз тимсолига эга бўлмаган, лекин концепт талаб қилганда синтактик жиҳатдан гавдаланадиган семема» деб ёзади<sup>181</sup>. Бундан эса муаллиф бу ўринда фақат бир тил доирасидаги лакунани назарда тутаётганини англаш мумкин.

И.А.Стернин бир тилдаги лакунага бошқа бир тилда эквивалентсиз бирлик мувофиқ бўлишини ёзади.<sup>182</sup>

«Лакунар бирлик» ҳамда «лакуна» тушунчаларининг фарқлиниши «лакунар бирлик» ва «эквивалентсиз бирлик» тушунчаларига синоним сифатида қарашга чек қўяди. Бизнингча, А тилдаги лакунар бирлик Б тилдаги лакуна билан мувофиқлашиши ва айни пайтда бу тилда ўз эквивалентига эга бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *Finger* сўзи ўзбек тилидаги *бармоқ*, рус тилидаги *pалец* ҳамда тожик тилидаги *ангушт* сўзи билан эквивалентлик ҳосил қилади, шу билан бирга, бу сўз лакунарлик ҳосил қилади. Чунки ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам, тожик тилида ҳам «қўлдаги бармоқ» (инглиз тилидаги *finger*) ҳамда «оёқ бармоқлари» (инглиз тилидаги *toe*) фарқланмайди.

Лакунар бирлик ва эквивалентсиз бирлик ўзаро синонимлик ҳосил қилмаслигининг яна бир сабаби лакунар бирлик тил бирлиги сифатида сатҳий хусусиятга эгаллигидадир. Шунинг учун лакуналар ва лакунар бирликлар сатҳ нуқтаи назаридан ҳам таснифланади.

Бизнингча, лакунар бирликлар бир тилдаги лакуна («нол», «оқ доғ», «бўшлик»)лар билан мувофиқлашаётган бошқа бир тилдаги лингвема (фонема, морфема, лексема, фразема ва ҳоказо)лар бўладиган бўлса, лакунарлик барча сатҳларда намоён бўлади.

Лакунар бирликка мисол сифатида рус, инглиз, тожик тиллари фонетик-фонологик системасида мавжуд бўлмаган ўзбек тилидаги ўнли фонемасини (масалан, ўрик, ўт, ўлим) келтиришимиз мумкин; ўзбек тилидаги *қулф*, *гайрат*, *ҳис* лексемаларининг биринчи фонемаси рус тили фонетик-фонологик системасида лакуналарни ҳосил қилади. Инглиз тилидаги *this*, *thank* лексемаларидаги биринчи фонемалар эса ўзбек, рус ҳамда тожик тили фонетик-фонологик системаси учун лакунадир. Рус тилидаги *шуча*, *цетка* лексемаларининг бошланғич фонемаси ўзбек, инглиз ва тожик тиллари фонетик-фонологик системаси учун лакунадир. Тожик тилидаги *ӯ* унлиси рус тилининг фонетик-фонологик системасида мавжуд эмас. Ўзбек тилига бу унли катнашган сўзлар ўзлаштирилганда эса бу фонема -ий товушлар бирикмаси билан алмаштирилади. Масалан, *илмӣ-илмӣй*.

Ўзбек, инглиз ва бошқа тилларга нисбатан рус тилидаги менсимаслик, камситиш мазмунини англададиган *-онок* (*деньжонки*, *женишонки*) суффиксини морфем лакунар бирлик деб ҳисоблаш мумкин. И.А.Криловнинг «Дидли келин» масалини ўзбек тилига таржима қилишда *женишонки* лексемаси қийинчиликларни юзага келтиради». *Такие женихи другим невестам клад, / А ей они, на взгляд, / Не женихи, а женишонки!* таржимонлар бу лакунар бирликни нейтрал сўзлар ёрдамида *шунчаки куёвлар*, *куёвликка арзимаган йигитлар* деб таржима қилишади.

Ўзбек ва рус тилларини морфемик қиёсланишимизда, турли сўз туркумларида сўз яшаш билан боғлиқ бўлган лакунарликни кузатишимиз мумкин. Масалан, рус тилидаги *до-*, *за-* префикслари *зазеленеть*, *заиграть* сингари феълларни яшашга хизмат қилади. Ўзбек тилида бу префикслар лакуналарни ҳосил қилади. *Зазеленеть*, *заиграть* лексемаларини эса *қукара бошламоқ* (начать зеленеть), *чала бошламоқ* (начинать играть) сингари мураккаб феъллар билан ифодалаш мумкин, холос.

Ўзбек ва тожик тилларига нисбатан рус тилидаги жинс категорияси лакунарликни ҳосил қилади. Ўзбек ва тожик тили грамматикаси учун хос бўлган эгалик категорияси эса рус тили грамматикасида учрамайди ва лакунарликни ҳосил қилади.

<sup>179</sup> Попова, З. Д., Стернин И. А. Лексическая система языка. -Воронеж: ВГУ, 1984. 71 с.

<sup>180</sup> Бикова, Г. В. Лакунарность как категория лексической системологии : автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Воронеж, 1999. 3-10 с.

<sup>181</sup> Бикова Г. В. Лакунарность как категория лексической системологии. -Благовещенск: БГПУ, 2003. 32-33 с.

<sup>182</sup> Стернин И. А. Кўрсатилган асар. 31-бет.

Масалан, ўзбек ва тожик тилларида *китоб* рус тилида *книга*, ўзбек ва тожик тилларидаги *китобим /китобам* рус тилида *моя книга* шаклига эга. Тожик тили грамматикаси учун келишиқ категорияси лакунарликни ҳосил қилади.

Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг синтетик қурилмалари билан рус тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг аналитик қурилмалари ўртасидаги муносабат синтактик сатҳдаги лакунарликка мисол бўла олади. Тожик тилида изофий конструкцияларни ҳам синтактик сатҳдаги лакунарликка мисол сифатида олишимиз мумкин. Тожик тилига хос сўз бирикмаларида тобе алоқани ифодалаш учун мослашув, битишув, бошқарув билан бир қаторда изофий бирикмалар ҳам кенг қўлланади. *Изофа* арабча *қўшиш* маъносини билдириб, аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги муносабатни ифодаловчи грамматик воситадир. Бунда «и» морфемаси орқали изофий конструкция ҳосил бўлади.

Тожик тилида изофий конструкцияларнинг 2 тури мавжуд. 1) сифатловчи аниқловчилар ўзбек тилидаги каби предметнинг белгисини сифатлаш йўли билан аниқлайди. Аммо сифатловчи билан сифатланмишдаги тартиб бир хил эмас. Ўзбек тилидаги сифатловчи аниқловчи ўз аниқланмишидан олдин келса, тожик адабий тилида сифатловчи аниқловчи сифатланмишдан кейин қўлланилади:

*зардолуи ширин* - ширин ўрик  
*боми баланд* - баланд том  
*хонаи даҳум* - ўнинчи уй  
*дўхтари хушрўй* - чиройли қиз

2) қараткичли аниқловчилардаги тартиб сифатловчи аниқловчилардаги тартибга ўхшайди:

*китоби биродарам* - акамнинг китоби  
*дафтарҳои шумҳо* - сизларнинг дафтарларингиз  
*хонаи ман* - менинг уйим  
*гулҳои мо* - бизнинг гулларимиз

Лакунар бирликлар бир тил системасининг иккинчи тил системасига нисбатан контрастлигини, ўзига хослигини, уникаллигини кўрсатиб беради. Лексик ва фразеологик сатҳда бу ҳодиса бошқа сатҳларга нисбатан ёрқинроқ ва жонлироқ кўзга ташланади. Масалан, рус тилидаги *княжок* «қайноқ сув, доғ сув», *однолюб* «умр бўйи бир инсонни (асосан рафиқасини) севган киши» сингари лексемалар ўзбек тилида лакуналарни ҳосил қилади. Шунингдек,

Ўзбек тилидаги *чопон, дўпти, белбоғ, тўн, сумалақ, норин, қази, карнай, сурнай* сингари лакунар бирликлар ҳам бошқа тилларда ўз эквивалентига эга эмас.

Француз тилидаги лексик лакуналарни тадқиқ қилган В.Л.Муравьев тиллараро лексик лакунар бирликлар ҳосил бўлиши моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: «Рус ва французларни ўраб турган тилдан ташқари борлиқ мутлақо бир хил бўлиши мумкин, лекин бир тил мазкур борлиқнинг қайсидир жиҳатларини кузатади ва лингвистик жиҳатдан шундай ифодалайдики, иккинчи тилда улар ҳар доим ҳам акс этмайди»<sup>183</sup>.

Ҳар бир халқ томонидан объектив оламнинг ўзига хос қисмларга ажратилишидан ташқари, лакунар бирликлар у ёки бу халқнинг яшаш тарзи, ижтимоий жараёнлар, ўзига хос воқеликлар оқибатида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида инглиз тилидаги *drive-in* – автомобилчилар учун кинотеатр (фильмлар очик майдонда, автомобилдан чиқмай кўрилади), автомобилчилар учун ресторан (егулик автомобилга узатилади), автомобилчилар учун магазин ёки банк (мижозларга автомобилдан тушмай хизмат кўрсатилади) лексемаси лакунани ҳосил қилади. Инглиз тилида эса ўзбек тилидаги *ҳашар, маҳалла-қўй* сўзларига мувофиқ лексема йўқ.

Лакунар бирлик ва лакуналар фразеологизмларда ҳам яққол кўзга ташланади. Лакунар фразеологизмлар – қиёсланаётган тиллардаги фразеологик лакуналар билан мувофиқ келувчи фразеологик бирликлардир. Фразеологик лакуна эса ўз навбатида лакунар фразеологизмнинг ноль формадаги фразеологик корреляти (мувофиқи). Масалан, инглиз тилидаги *father* (ота) компонентига эга бўлган *father Knickerbocker's* (айнан, Никербокер ота) фразеологизми ўзбек, рус ва тожик тилларидаги фразеологик бирликлар учун лакунани ҳосил қилади. Мазкур ибора В.Ирвингнинг «Knickerbocker's History of New York» номли юмористик китоби қаҳрамони исми асосида вужудга келган Нью-Йорк шаҳрининг ҳазиломуз номидир. Knickerbocker – Нью-Йорк шаҳрининг илк аҳолиси ўртасида кенг тарқалган, голланд оилаларига тегишли бўлган фамилия.<sup>184</sup> «Ҳеч қачон» мотивацияли фразеологизмларга ўзбек тилида *туянинг думи ерга текканда ёки қизил қор ёққанда*

<sup>183</sup>Муравьев В. Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). -Владимир, 1975. 7 с.

<sup>184</sup>Махонина А. А., Стернина М.А. Опыт типологии межъязыковых лакун. // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 2. -Благовещенск: БГУУ, 2005. 265 с.

рус тилида *после дождика в четверг* «пайшанбадаги ёмғирдан сўнг» инглиз тилидаги *when the pigs fly* «чўчқалар уча бошлаган пайтда», *when the moon turns green cheese* «ой яшил тишлоқ бўлганда» сингари мисолларни келтиришимиз мумкин.

Фразеологизмлар орасидан юзага келиши халқ урф-одатлари, анъаналари билан боғлиқ бўлган лакунар бирликларни алоҳида ажратиш мумкин. Масалан, италян тилидаги *fare il portoghese* «театрга билетсиз кириш» ибораси кўплаб тилларда лакунани ҳосил қилади. Бу фразеологизмнинг пайдо бўлиши тарихий воқеа билан боғлиқ. Унга кўра, Португал қиролининг юборган совға-саломларига миннатдорчилик рамзи сифатида рим папаларидан бири португал элчиларига рим театрларида спектаклларни бепул томоша қилиш ҳуқуқини беради<sup>185</sup>. Ўзбек тилида ҳам рус, инглиз, тожик тиллари учун лакунар бўлган *онангни учқўрғондан кўрасан* фразеологизми (*онангни учқўрғондан топасан* варианты билан) мавжуд. С.Аҳмаднинг «Уфқ» романида *онангни учқўрғондан кўрасан* (канал қазини пайтида бир бола онасини йўқотиши ва унга йўлда учраган кишидан онагни Учқўрғонда кўрасан деган жавобни олиши) варианты ҳолда, яна бир манбада айтилишича, тез оқар тоғ дарёси бўлган Қорадарё соҳилида йиғлаб, онасини қидириб юрган боладан бир мўйсафид нима бўлганлиги ҳақида сўраганда, бола онасининг сувга тушиб кетганлигини айтади. Мўйсафид болага қараб, унда онагни Учқўрғондан топасан, дейди. (Сабаби Учқўрғонда дарёга тўғон қурилган эди.)

С.Айнийнинг «Қуллар» романи орқали ҳозирги ўзбек адабий тилида кўп қўлланувчи «*каллеси хумда*», «*думи хуржунда*» фразеологизмининг этимологик хусусияти хусусида баҳс юритилган. Унда берилишича, Вобкент туманида ширинилар деган халқ бор. Шу ердаги ширинилардан бирининг катта шохли сигири бўлган экан, бир куни очикиб, арқонни узиб, оғил олдида ичига кўкбош солинган бир хумни кўриб, тезда бошини тикиб ея бошлаган. Бир оздан сўнг кўкбошни чайнайман деб бошини кўтармоқчи бўлганда, шохи хумнинг ичига илиниб қолади. Бундан хуркиган сигир хумни бошига кўтариб, ҳовлида югура бошлайди. Бунни кўрган ширини бақириб юборади. Сигирнинг бошини хумни синдирмай чиқариб олмоқчи бўлади. Лекин қанча ҳаракат қилса ҳам удалай олмагач, бир «маҳмадона»дан маслаҳат сўрайди. У бу ошпа-осон, сигирнинг бўйнини кес, хум синмасдан қолади, дейди. Ширини дарҳол

бўжоради. Оқшомда ширинининг хотини «сигирни соғай» деб ташқарига чиққанда, бошсиз шалпайиб ётган сигирни кўради. Ширини кўркиб кетган хотинини жеркиб, «кўркмасдан соғабەر, яна ургур! Калласи хумда» деган.

Шундай қилиб, лакуналар ва лакунар бирликларнинг юзага келишига асосан 2 омил сабаб бўлишини кўришимиз мумкин:

1. Лингвистик омиллар (тиллар ўртасидаги ривожланишнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ва ҳар бир тилда объектив оламнинг намуналарга ажратилишининг ўзига хослиги).

2. Экстралингвистик омиллар (турли халқларнинг тарихи, маданий ва маънавий анъаналари турличалиги, яшаш шароитларининг географик, социал ва иқтисодий жиҳатдан фарқланиши, урф-одатларнинг ўзига хослиги, умуман олганда, турли халқларнинг ўзига хос менталитети).

Кўрсатиб ўтилган омил ва аспектларни инобатга олган ҳолда лакуна ва лакунар бирликларни қуйидагича таснифлашни таклиф қиламиз:

1. Сатҳий лакунар бирликлар ва лакуналар: фонетик, лексик, фразеологик, морфемик, морфологик, синтактик.

2. Мотивланган ва мотивланмаган лакуналар. Мотивланган лакуналарнинг юзага келиши қиёсланаётган тил эгаси мансуб бўлган халқ ҳаётидаги маълум бир реалияларнинг мавжуд эмаслигини (реалиянинг йўқлиги сабабли уни номлайдиган лингвема ҳам йўқ). Мотивланмаган лакунар бирликлар ва лакуналар қиёсланаётган тилларнинг бирида сўзлайдиганлар ҳаётида мос тушувчи реалияларнинг борлигига қарамай юзага келади (реалиялар мавжуд, бироқ лингвема йўқ).

Ўз навбатида мотивланган ва мотивланмаган лакунар бирлик ва лакуналарнинг қуйидаги турлари ажратилади:

а) этнографик лакунар бирликлар ва лакуналар, қиёсланаётган тилларнинг бири тегишли бўлган халқ кундалик ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

О.Б.Пилаева рус ва эвен тилларини қиёслаб экан, этнографик лакуналарга мисол сифатида эвенлар ови билан боғлиқ бўлган (*удуми—олмахон ови, удями—йирткич хайвонни таъқиб қилиш*), бугу билан боғлиқ бўлган (*ономи—буғуни излашга бориш, мавутлами—арқон билан буғуни тутиш*) мисолларни келтиради<sup>186</sup>.

<sup>185</sup> Черданцева Т. З. Язык и его образы. -М.: Международные отношения, 1977. 40 с.

<sup>186</sup> Пилаева О. Б. Относительные этнографические лакуны // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. - Владивосток: ВГУ, 2005. 55-60 с.

б) лингвокультурологик ва социал-тарихий лакуналар ва лакунар бирликлар қиёсланаётган тилларнинг бири тегишли бўлган халқ маданияти, тарихи, социумини акс эттиради.

с) ментал, ассоциатив лакунар бирликлар ва лакуналар қиёсланаётган тилларнинг бири тегишли бўлган халқнинг оламни идрок қилиши, ўз-ўзини англаши, фикрлаш тарзи, ассоциациялари ва шу кабиларни намоён қилади<sup>187</sup>.

Ҳозирги кунда турли тиллар доирасидаги лакуналарнинг турли принципларга асосланган бир неча таснифлари мавжуд:

- тил системасига тааллуқлилиги жиҳатидан (бир тил доирасида ва турли тиллар доирасида;

- тилга боғлиқ бўлмаган ҳолда (мотивланган ва мотивланмаган);

- парадигматик белгилари асосида (жинс ва тур белгилар);

- мазмундаги мавҳумлик даражаси асосида (аниқ ва мавҳум);

- вазифавий хусусиятига кўра (номинатив ва стилистик);

- бирор сўз туркумига мансублиги асосида<sup>188</sup>;

- гендер хусусиятларига кўра;

- предметлар ифодалаётган метонимик алоқасига кўра<sup>189</sup>.

Г.В.Бикова уникал ва хусусий лакуналар, абсолют ва нисбий лакуналар, этнографик лакуналар, аралаш лакуналар, ноль формадаги лакуналар, вакант (компенсацияланмаган) лакуналар, эмотив (коннотатив, ассоциатив) лакуналар, грамматик лакуналар, нутқий лакуналар, бундан ташқари тўлиқ ва қисман компенсацияланган лакуналар мавжудлигини кўрсатади<sup>190</sup>.

Юқорида келтирилган таснифлар лакунар бирлик ва лакуналарнинг у ёки бу хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан биргаликда бир тил доирасидаги ва турли тиллар доирасидаги лакуналар ва унинг бирликларини инобатга оладиган бўлсак, тасниф катта қамровга эга бўлиб, аҳамияти янада ортади. А.А.Махонина ва М.А.Стернин бир принципга асосланган ва барча тиллардаги лакуналарни қамраб оладиган таснифни ишлаб чиқишга уринишди. Бу тасниф рус ва инглиз тилларидаги субстантив лакунар бирликлар асосида яратилди. Бу типологияга асосан барча

тиллараро лакуналар уч гуруҳ (номинатив, умумлаштирувчи ва конкретлаштирувчи)га ажратилади<sup>191</sup>. Бу тасниф нафақат рус ва инглиз тилларига, балки француз, болгар ва бошқа тилларга ҳам таъбиқ қилинган. Таснифнинг бундай кенг имкониятларини унинг катта ютуқ бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Конкретлаштирувчи лакунар бирликлар чоғиштирилаётган тилларнинг бирида маълум бир белгисига кўра мувофиқликнинг йўқлиги асосида ажратилади. Масалан:

- жой билан боғлиқ: инглиз тилида лакунар бирлик бўлган *railbird* (пойга вақтида тўсиқ устида ўтирган ишқибоз) ўзбек тили учун лакуна (0); ўзбек тилидаги лакунар бирлик бўлган *тахмон* (уй ёки айвон деворида сандиқ ўрнатиб, устига ўрин-қўрпа йиғиландиган махсус жой) рус тили учун лакуна (0); ўзбек тилидаги лакунар бирлик бўлган *чимилдиқ* (никоҳ биринчи кечаси куёв билан келиннинг бошқалардан холи ўтириши ва тунаши учун уй бурчагида тортилган оқ чодир) рус тили учун лакуна(0);

- шакл билан боғлиқ: инглиз тилида лакунар бирлик бўлган *fiddle-back* (стулнинг скрипка шаклидаги суянчиғи) ўзбек тилида лакуна (0);

- ўлчов билан боғлиқ: рус тилида лакунар бирлик бўлган *дюжина* (12 дона) ўзбек тили учун лакуна (0); ўзбек тилидаги лакунар бирлик бўлган *тош* (узунлик ўлчов бирлиги, тахминан 8 чакиримга тўғри келади) рус тили учун лакуна (0);

- вақт билан боғлиқ бўлган: инглиз тилида лакунар бирлик бўлган *time-lag* (икки бир-бирига боғлиқ бўлган ҳодиса ёки ҳолат оралигидаги вақт, масалан, момоқалдиروق ва чакмоқ оралиғи) ўзбек тили учун лакуна (0); ўзбек тилидаги лакунар бирлик бўлган *чилла* 1) йилнинг энг совуқ қирқ куни, 2) бола тукқан ёки туғилгандан, қиз турмушгачиққан, йигит уйлангандан) инглиз тили учун лакуна (0);

- мақсад билан боғлиқ бўлган: инглиз тилида лакунар бирлик бўлган *baby-farm* (пул учун болаларни ўз қарамогига оладиган оила) ўзбек тили учун лакуна (0); ўзбек тилида лакунар бирлик бўлган *ҳашар* (бирор ишни бажаришда кўпчиликнинг бегараз иштироки, ихтиёрий кўмаги) рус тили учун лакуна (0);

<sup>187</sup> Байрамова Л. К. Ментальные межъязыковые лакунарные единицы и внутрязыковые лакуны // Сопоставительная фонология и полилингвизм: диалог литератур и культур. Казань: КГУ, 2005. С. 38-41; Ричи Дональд. Японский поцелуй // Мир по-японски. СПб: Северо-Запад, 2000. 79-83 с.

<sup>188</sup> Попова З. Д. Язык и национальная картина мира. Воронеж: ВГУ, 2002. 21-23 с.

<sup>189</sup> Махонина, А. А. К вопросу о классификации межъязыковых лакун // Язык и национальное сознание. Вып. 4. - Воронеж: ВГПУ, 2003. 42 с.

<sup>190</sup> Бикова Г. В. Лакунарность как категория лексической системологии. - Благовещенск: БГПУ, 2003. 57-75 с.

<sup>191</sup> Махонина А. А., Стернина М. А. Опыт типологии межъязыковых лакун // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 2. - Благовещенск: БГПУ, 2005. 45-55 с.

- ижтимоий гуруҳланишига кўра: ўзбек тилида лақунар бирлик бўлган *саид, тўра, тақсир, хон, оқсуяк* рус тили учун лақуна (0);

- таркибига кўра: инглиз тилида лақунар бирлик бўлган *cut-grass* (*майда тикандек санчиладиган қилчалари бор бўлган ўт*) ўзбек тили учун лақуна (0); ўзбек тилида лақунар бирлик бўлган *қаз* (*отнинг тўш ва пешноп гўштидан отнинг йўгон ичагига тиқиб тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулот*) рус тили учун лақуна (0); ўзбек тилида лақунар бирлик бўлган *сумалак* (*ундириб янчилган буздой, ун ва ёғ аралашмасидан тайёрланадиган таом*) рус тили учун лақуна (0).

Муаллифлар, умумлаштирувчи ва конкретлаштирувчи йўналишлар кўп ҳолатларда бир-бирига тўғри келади, лақунарликни эса шакл, жой, замон, баҳо, ҳаракатдаги конкретлаштиришга бўлиш мумкин, деб таъкидлашади.<sup>192</sup>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, лақунарлик – кўплаб тиллар учун хос бўлган универсал категориядир. Лақунар бирликлар эса уникалиялардир. Шунинг учун универсалия-уникалия-лақуна парадигмаси уникалияларни универсалиялар даражасига кўтаради.

## ИККИНЧИ ТИЛГА ҲАМ ҲАРАКАТЛИК ЖАРАЁНИДА ТРАНСФЕРЕНЦИЯ ВА ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ҲОДИСАЛАРИ

Чет тилга ҳаққитиш жараёнида тилларни қиёслаб ўрганиш методи кенг қўлланилади. Мазкур жараёнда она тили структураси, грамматикасини амалий билиш ва унинг кўникма ҳамда нисбатан автоматиклашгани ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чет тилининг ўрганилишида она тили кўникмалари таъсирининг биринчи кўриниши трансференция, иккинчи кўриниши интерференция деб юритилади.

Трансференция бу ўрганилаётган тилга она тили элементлари ва кўникмаларини ижобий ўтказиш жараёни бўлса, интерференция эса айни омилнинг ўрганилаётган тил нормаларининг бузилишига, хатоларга олиб келадиган салбий таъсирдир.

Трансференция ҳодисаси интерференция масалаларига нисбатан кам ўрганилган. Трансференция (ижобий кўчириш) ҳодисаси интерференция ҳодисасига нисбатан турдош ҳисобланади, чунки

<sup>192</sup> Махонина А.А., Стернина М.А. Опыт типологии межъязыковых лакун // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 2. - Благовещенск: БГПУ, 2005. 51 с.

трансференция ҳодисаси ҳам, интерференция ҳодисаси ҳам бир хил психологик механизмлар таъсирида вужудга келади. Фарқланишлар, одатда фақат билинғлар ва полилинғлар нутқида кузатилади. Трансференция янги материални ўзлаштириш учун ижобий муҳит яратса, интерференция таъсирида тўсиқлар вужудга келади.

Методик адабиётларда трансференция масалаларига кам эътибор берилади. Хатолар юзага келишининг асосий манбаи бўлган интерференция эса тадқиқотчиларни кўпроқ қизиқтиради. Лекин трансференция ҳам лингводидактиканинг эътибор марказида бўлишга ҳақлидир.

Трансференция – бу кўникмаларнинг ўзаро таъсири натижасидир. Кўникма эса ҳаракатли бажаришнинг барқарорлашган усулидир.<sup>193</sup> Ҳар қандай кўникма шаклланиши замирида рефлекс туфайли рўй берадиган жараёнлар ётади. Доимий ҳаракат натижасида нерв структураларининг маълум бир қисмларида ташқи таъсир натижасида қўзғалиш жараёни содир бўлиб, шартли-рефлектор алоқалар вужудга келади. Ҳар бир кўникма инсон эга бўлган кўникмалар тизимида амалга ошади. Кўникма шаклланишининг умумий хусусияти шундан иборатки, янги муаммо билан тўқнашган инсон беихтиёр олдиндан эгалланган усулларни қўллайди. Ўхшаш вазибаларнинг ечимини топишда ўз тажрибасида қўллаган усулларидан фойдаланади. Шундай қилиб, усулларни ўтказиш муваффақиятлиги масалаларнинг ўхшашлиги, уларнинг ечимини топишнинг шартлари ва усуллари ўзаро мос келишига боғлиқ. Агар масалалар ва улар ечимининг шартлари ва усуллари ўхшаш бўлмаса-ю, лекин инсон томонидан ўхшаш деб қабул қилинса, акс жараён интерференция содир бўлади.

Трансференция она тили ва ўрганилаётган тилларнинг фонетик-фонологик, лексик, грамматик ҳодисалари ўзаро мувофиқ бўлганда, иккинчи тилга ўргатиш жараёнини тезлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Масалан, ўзбек тилида инглиз тилидаги [η] каби баъзи бир бурун товушлар мавжуд бўлганлиги сабабли (инглиз тилидаги *morning, evening, everything* ўзбек тилидаги *сўнги, денгиз, кўнги, сўнги, тонг*) шу товуш иштирокидаги сўзларни ўрганиш рус ўқувчисига қараганда ўзбек ўқувчисига осонроқ кечади.

Ўрганилаётган тилда она тилида мавжуд ҳодисалар бўлмаса ёки қисман мавжуд бўлса, айни бир хил тил ҳодисалари турли

<sup>193</sup> Общая психология: учеб. пособие для студентов пед. ин-тов. -М.: Просвещение, 1973. 105 с.

узуллар орқали ифодаланса, иккала тилда фарқли, контраст белгилар мавжуд бўлса, интерференция ҳодисаси содир бўлади.

Дастлаб физика, биология, психология каби фанларда қўлланилган «интерференция» термини тилшуносликка немис олимлари томонидан олиб кирилиб, биринчи марта таба И.Эпштейн томонидан ишлатилган. У Вайнрайх асарлари туфайли лингвистика соҳасидаги мазмунни конкретлаштирди.<sup>194</sup> Тилшунослар ҳамда психологлар мазкур атамани салбий таъсир, тўсиқ маъносида қабул қилишган. Ҳар қандай лингвистик интерференция намоян бўлиши замирида психологик-нуткий интерференция ётади, чунки бир тил меъёрларида иккинчи тил таъсирида кузатиладиган ҳар қандай «четга чиқиш»лар мазкур тилда сўзловчи индивидлар нутқида кузатилади.

Трансференция ва интерференция ҳодисалари инсоннинг ҳар қандай фаолиятидаги кўникмалар ва янгиликларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳамда шу таъсирланишларнинг натижасидир. Шунинг учун Е.М.Верещагин она тилига чег сўзларини қўллашга таъсир қилганлиги сабабли онтологик пландан бу икки ҳодиса бир хилдир деб ҳисоблайди.<sup>195</sup> Лекин А.А.Смирнов ва А.Н.Леонтьевлар таҳрири остида нашр қилинган «Психология» дарслигида мазкур ҳодисалар қуйидагича фарқланади: «Ўзлаштирилган кўникмаларнинг янги фаолиятни эгаллашга бўлган изжобий таъсири кўчириш, яъни трансференция дейилади. Янги кўникмани эгаллашга эски кўникманинг салбий таъсири интерференция дейилади»<sup>196</sup>.

Интерференция назарияси ривожланишига кўп тилшунослар ўз ҳиссаларини қўшган. Шунга қарамай, тиллараро лингвистик интерференциянинг барча муаммолари ҳал қилинган, деб бўлмайдди. Бу борада асосий муаммолардан бири бу тиллараро интерференция моҳиятини аниқлашдир. Илмий адабиётларда тиллараро интерференциянинг лингвистик ва психологик таърифлари берилган. Лингвистик таъриф У.Вайнрайх<sup>197</sup>, В.В.Алимов<sup>198</sup>,

Э.Хауген<sup>199</sup>, Е.М.Верещагин<sup>200</sup>, В.Ю.Розенцвейг<sup>201</sup>, Л.М.Уман<sup>202</sup>, В.В.Климов<sup>203</sup>, Ю.Д.Дешериев<sup>204</sup>, И.Ф.Протченко, В.А.Виноградов<sup>205</sup>, Ю.К.Жлуктенко<sup>206</sup>, Л.И.Баранникова<sup>207</sup>, З.У.Блягос<sup>208</sup>, Р.К.Миньяр-Белоручев<sup>209</sup>, Н.Г.Михайловская<sup>210</sup>, Л.В.Шчерба<sup>211</sup>, М.Т.Зокиров<sup>212</sup> асарларида берилган. Айтиш мумкинки, манбаларнинг барчасида ҳам қарашлар ўзаро мувофиқ эмас. Масалан, Э.Хауген интерференцияни лингвистик чатишув сифатида талқин қилади, унда бир лингвистик бирлик бир вақтнинг ўзида икки тизимнинг элементига айланганлиги маълум бўлади.<sup>213</sup> Л.И.Баранникова интерференция атамаси остида бир тилнинг структураси ёки структура элементларида иккинчи тил таъсиридаги ўзгаришларни тушунади. Бундан ташқари, илмий адабиётларда интерференцияни кенг ва тор маънода тушунишлар кузатилади. У.Вайнрайхнинг интерференцияга берган қуйидаги таърифи бугунги кунгача фанда эътироф этиб келинмоқда. У «биллингв нутқида бир неча тилларни билиш натижасида вужудга келган тил меъёрларидан ихтиёрий равишда чекиниш ҳолатлари»<sup>214</sup> интерференция деб тушунса, М.Т.Зокиров эса «интерференция – бу она тилида

<sup>194</sup> Хауген Э. Языковой контакт// Новое в лингвистике. Вып. 6. -М., 1972, 61-80 с.

<sup>195</sup> Верещагин Е.М. К проблеме разносистемной принадлежности лексем при билингвизме: автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 1966. 17 с; Верещагин Е.М. Две психолингвистические методики объективного установления типов билингвизма// Методы лингвистических исследований. -М., 1976. 68-74 с.

<sup>196</sup> Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. Л., 1972; Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов. - В кн.: «Новое в лингвистике», вып. VI, -М., 1972; Розенцвейг В.Ю. Об одном типе лингвистической интерференции. В кн.: Фонетика Фонология Грамматика. -М., «Наука», 1971, 270-277 с.

<sup>197</sup> Уман Л.М. Проблема грамматической интерференции (на материале русского и французского языков): автореф. дис. канд. филол. наук / Л.М. Уман. -М., 1964.

<sup>198</sup> Климов В.В. Языковые контакты// Общее языкознание: формы существования, функции, история языка. -М., 1970. 604 с.

<sup>199</sup> Дешериев Ю.Д. Введение. В кн: Развитие национально-русского двуязычия. -М., 1976.

<sup>200</sup> Виноградов В.А. Интерференция. Лингвистический энциклопедический словарь. -М., Советская энциклопедия, 1990, 685; Виноградов В.А. Стратификация нормы, интерференция и обучение языку// Лингвистические основы преподавания языка. -М., 1983, 44-65 с.

<sup>201</sup> Жлуктенко Ю.А. Лингвистические аспекты двуязычия. -Киев, 1974.

<sup>202</sup> Баранникова, Л.И. Сущность интерференции и специфика ее проявления. Проблема двуязычия и многоязычия. -М., 1972. 94 с.

<sup>203</sup> Блягос З. У. Контактное взаимодействие русского и родного языков в условиях двуязычия: Учебное пособие. -Ростов-на-Дону, 1976.

<sup>204</sup> Миньяр-Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. -М.: Воениздат, 1980. 237 с.

<sup>205</sup> Михайловская Н.Г. Вопросы типологии интерферентных явлений в русской речи билингва. В кн: Методы основополагающего изучения языков. М., 1988

<sup>206</sup> Шчерба Л.В. О понятии смешения языков// Избранные работы по языкознанию и фонетике. Л., 1958. С. 40-53.

<sup>207</sup> Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоян бўлиши. Фил.ф.н. номий даражасини олиш учун тақдим этилган этиланг диссертация. -Т., 2007.

<sup>208</sup> Хауген Э. Языковой контакт// Новое в лингвистике. -М., 1972. Вып. 6. 76 с.

<sup>209</sup> Вайнрайх В. Языковые контакты. Состояние и проблемы исследования. Благовещенск, 2000. 44.

<sup>194</sup> Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие // Зарубежная лингвистика. -М., 1999. 7-42 с.

<sup>195</sup> Верещагин Е.М. К проблеме разносистемной принадлежности лексем при билингвизме: автореф. дис. ... канд. филол. наук. -М., 1966. 17.

<sup>196</sup> Психология: учебник. -М.: Учпедгиз, 1962. 461 с.

<sup>197</sup> Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие. Зарубежная лингвистика. Вып. III. -М., 1999. 6.7-42; Вайнрайх У. Языковые контакты. Киев, 1979; Вайнрайх У. Языковые контакты. Состояние и проблемы исследования. -Благовещенск, 2000. 264 с.

<sup>198</sup> Алимов В.В. Интерференция в переводе (на материале профессионально-ориентированной межкультурной коммуникации и перевода в сфере профессиональной коммуникации): автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -М., 2005. 40 с.; Алимов В.В. Интерференция в переводе: на материале профессионально ориентированной межкультурной коммуникации и перевода в сфере профессиональной коммуникации. 2-е изд. -М.: Ком Книта, 2011. 232 с.

мустаҳкамланган тил кўникмаларини ўрганилаётган иккинчи тилга ихтиёрсиз равишда олиб ўтиш натижасидир», дейди<sup>215</sup>.

Психологияда «интерференция» термини остида бир иш-ҳаракат компонентларининг иккинчи иш-ҳаракат таркибига бир кўникма ва малака асосида киритилиши тушунилади. Сабаб бўлган ҳаракат, кўникма ва малакалар барқарорлик мезонлари асосида бир-бирига қарама-қарши қўйилиши мумкин бўлгандагина интерференция қайд қилинади. Кўникма ёки малаканинг барқарорлиги, бир томондан, ҳосил бўлганлик муддатининг узоклиги, иккинчи томондан эса қўлланилишининг такрорланиш даражаси билан аниқланади. Шунинг учун субординатив икки тилликка эга бўлган билингни А тил ва В тилдаги нутқи барқарорлик бўйича қарама-қарши қўйилади ва бу тиллараро интерференция вужудга келишига сабаб бўлади.

Интерференциянинг психологик жиҳатдан тадқиқини Э.М.Ахунзянов<sup>216</sup>, И.А.Зимняя<sup>217</sup>, А.А.Леонтьев<sup>218</sup>, Н.М.Курманбаев<sup>219</sup>, А.А.Залевская<sup>220</sup>ларнинг ишларида кўриш мумкин. Улар интерференция ҳодисасининг лингвистик ва психологик тушунилишини таъкидлаб, интерференция вужудга келишига сабаб бўлувчи психологик механизмлар психология фанининг биринчи тил ва иккинчи тил контактлари натижасида иккинчи тил меъёрларида вужудга келган бузилишлар эса лингвистиканинг тадқиқот объекти эканлигини кўрсатиб ўтишган.

Агар тиллараро лингвистик интерференцияга доир барча таърифлар таққосланса, бу атама остида бир гуруҳ олимлар ўзаро контактга киришган тилларнинг камида бирининг меъёрларидан чекинишга олиб келувчи таъсирларни, иккинчи гуруҳ олимлар эса нутқий кўникмаларнинг иккинчи тилга олиб ўтилишини назарда тутганликларини кўриш мумкин. Биринчи таъриф лингвистик жиҳатга асосланган, иккинчи таърифда эса асосий психологик жиҳатга эътибор қаратилган. Бизнингча, иккала таъриф ҳам асосли, фақат уларни биров тўлдириш зарур. Тиллараро интерферен-

циянинг сабаби контактга киришган тиллар орасидаги фарқлар ҳамда нутқий кўникма ва малакаларнинг барқарорлик даражасига боғлиқ бўлади. Бунда тиллар орасидаги фарқлар тил тизимлари асосида кўринса, кўникма ва малакаларнинг барқарорлик даражаси яндроқ қилиш ва нутқ яратишда тилнинг турли сатҳларида амалга ошириладиган ҳаракатлар билан белгиланади.

Интерференция мураккаб ҳодиса бўлганлиги сабабли қатор турдош фанлар томонидан ўрганилади, шунинг учун интерференция кўринишларини таснифлашда унинг турли белгилари (манба, қўлланиш соҳаси, полилингв томонидан она тилининг фарқловчи белгиларини ҳисобга олиш даражаси, интерференциянинг намоён бўлиш шакли, унинг коммуникатив таъсирчанлиги ва ҳоказо)<sup>221</sup> асос қилиб олинмоқда.

Мазкур санаб ўтилган белгиларга мувофиқ, илмий адабиётларда интерференциянинг куйидаги кўринишлари ажратиб кўрсатилади:

– ҳосил бўлиш манбасига кўра интерференция. Ўз она тилининг умумий хусусиятлари ва белгиларига одатланган шахс мазкур тилларнинг барча хусусиятларини шундай деб ўйлайди. Ўзга тилни ўрганишда ва она тилидаги мулоқот хулқини тўлиқ кўчириши жараёнини назарда тутди. Натижада полилингв онгида мувофиқликларнинг шундай эркин тизими шаклланадики, унда алоқага киришган тилларнинг барча фарқловчи белгилари аралашиб кетади. Бир тил доирасидаги интерференция барча муаллифлар томонидан кўриб чиқилмаган. Бу ҳодиса аксарият ҳолларда методик характердаги тадқиқотларда ажратиб кўрсатилган. Бу ҳолатда тил бирликларининг қўлланиш кўникмалари яхши ўзлаштирилмаганлиги сабабли бир ҳолатнинг шу тилдаги бошқа ҳолатларга ҳам ўтказилиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, рус тилини ўрганувчилар турли феъл шаклларининг ўхшашлиги асосида нотўғри мувофиқликларга асосланишади: *Я рукоплещу ўрнига Я рукоплескою* иборасини қўллашади (*таскать* – *таскаю* қолипи асосида); *хотим, хотите, хотят* шакллари ўрнига – бирликдаги 1-, 2-, 3-шахсларнинг *хочу, хочешь, хочет* шаклларига асосланиб *хочем, хотите, хочут* шаклларини ишлатишади ва ҳоказо;

<sup>221</sup> Бараникова Л.И. Проблема интерференции и вопросы взаимодействия языков // Вопросы методики преподавания иностранных языков в связи с проблемой языковой интерференции. Саратов, 1966. 4–23 с.

<sup>215</sup> Эокіров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг гўёбек-тодик билинғизмида намоён бўлиши. Фил.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Т., 2007. 92-бет.

<sup>216</sup> Ахунзянов Э. М. Двуязычие и лексико-семантическая интерференция. Казань: Изд. Казанского университета, 1978.

<sup>217</sup> Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. М.: Просвещение, 1991. 222 с.

<sup>218</sup> Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. -М.: 1997. 287 с.

<sup>219</sup> Курманбаев Н.М. Заметки о картаванских основаниях генеративной лингвистики // Вопросы языкознания, №4, 1975.

<sup>220</sup> Залевская А. А., Медведева И. Л. Психоллингвистические проблемы учебного двуязычия. Тверь: Твер. гос. ун-т, 2002.

– «тил – нутк» дихотомияси нуктаи назаридан нутқий ва тил интерференцияси фарқланади, бунда ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир тилга тегишлидир, деган фикр асос қилиб олинади. Н.В.Баграмованинг таъкидлашича, интерференциянинг нутқий босқичида кўриб чиқиладиган жиҳатлар тилдаги интерференция масалаларидан фарқ қилади. Нутқда иккинчи тил элементларини англаш биринчи даражали омил бўлса, тил учун ўзга тил элементларининг фонетик, грамматик, семантик, стилистик интерференцияси муҳим ҳисобланади.<sup>222</sup> У.К.Юсупов ҳам интерференцияни айнан шу нуктаи назардан ўрганиб чиққан. У тиллараро интерференция оқибатида шаклланган тил меъёридан чекиниш ҳамда нутқда сукут шаклида намоён бўладиган тиллараро интерференцияни кўрсатиб ўтган.<sup>223</sup>

– лингвистик интерференция тил системасининг барча сатҳларида учрайди. Шунга кўра, унинг фонетик, лексик-семантик, морфологик, синтактик турлари ажратилган.<sup>224</sup>

– коммуникатив-релевант ва коммуникатив-норелевант интерференция фарқланади.<sup>225</sup> Ўзаро тушунишга ҳалақит бермайдиган иккинчи тил нормасидан чекинишлар коммуникатив-норелевант интерференция саналади. Агар нутқдаги чекинишлар унинг тушунилишини жиддий равишда қийинлаштиради, интерференция коммуникатив-релевантдир;

– интерференция синтагматик ва прагматик нуктаи назардан фарқланади. Синтагматик ва прагматик омиллар тушунчаси биринчи маротаба У.Вайнрайх томонидан фонетик интерференцияга нисбатан қўлланилган. Синтагматик интерференция маълум бир нутқий занжирга боғланган товушларга тегишлидир. Прагматик интерференция моделдаги товушлар ўртасидаги муносабатлар, яъни нутқий занжирнинг маълум нуктасида пайдо бўлиши мумкин бўлган товушлар билан боғлиқдир. Мазкур ҳолат учун просодик интерференцияни ўрганилаётган чет тилининг просодик мувофиқликларининг бузилиши сифатида кўриб чиққан Л.Г.Фомиченко<sup>226</sup>нинг тезиси алоҳида аҳамиятлидир.

<sup>222</sup> Баграмова Н.В. Лингводидактические основы обучения второму иностранному языку: учеб. пособие. СПб: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2005. 221 с.

<sup>223</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. -Т.: Фан, 2007, 103 с.

<sup>224</sup> Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик биливизмида намоён бўлиши. Фил.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. -Т., 2007. 64 с.

<sup>225</sup> Карлинский А.Е. Типология речевой интерференции// Зарубежное языкознание и литература. -Алма-Ата, 1972. Вып. 2. С. 9-16.

<sup>226</sup> Фомиченко Л.Г. Когнитивные основы просодической интерференции. Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2005. 300 с.

– интерференцияни кўп тилли шахсининг нутқий фаолиятидаги ўзига хосликларга боғлаб таснифлаш мумкин.<sup>227</sup> Бу тасниф А.Е.Карлинскийга тегишли. Шахсга тегишли нутқий фаолият икки психик механизм – гапириш (кодлаш) ва тушуниш (декодлаш) – хусусиятларига эга эканлигини назарда тутганда, чет тилида нутқ иратилиши билан боғлиқ экспрессив ҳамда чет тилидаги нутқни тушуниш билан боғлиқ импрессив интерференцияни фарқлаш зарур.

– интерференцияни йўналишига қараб регрессив интерференция ва прогрессив интерференцияга ажратиш мумкин. Бу тасниф контрастив лингвистикада янги ёндашув эканлиги билан ажралиб туради.

Тиллараро интерференцияга рус тилида [с] ва [тс] фонемалари фарқланиши, ўзбек тилида эса фақат соф ўзбек [с] фонемаси мавжудлиги асосида ўзбеклар нутқидаги хатолар юзага келиши мисол бўлади: *свет-ёрузлик* ва *цвет-ранг*, *рассвет-тонг* ва *расцвет-гуллаш* сўзларини фарқламаслик. Инглиз тилида [w] ва [v] фонемалари фарқланади, ўзбек тилида эса фақат битта [v] фонемаси мавжуд. Бу эса қуйидаги инглизча сўзларни фарқламасликка олиб келиши мумкин: *wine* – вино, *vine* – узум токи, *wail* – додламок, *veil* – вуаль (шляпага тутиладиган ва юзни беркитиб турадиган тўр).

Ўзбекларнинг рус тилидаги нутқларида несовершенный ва совершенный видни фарқламаслик (*я экзамен не сдала, я экзамен не сдавала*), *в, на* олд кўмакчиларни қўллашда (*в факультете, в стадионе*), феълли бошқарувда (*испугался от него*) хатоликлар юзага келишига сабаб бўлади. Уларнинг барчаси она тили таъсири билан боғлиқ равишда изоҳланади. Масалан, *группада, факультетда, стадионда; ундан кўрқди*.

Мазкур барча ҳолатларда ОТ→ЧТ (она тили ўрганилаётган чет тилига таъсир қилади) йўналишида тиллараро, яъни прогрессив интерференция ҳодисаси содир бўлади. Лекин аксинча, регрессив интерференция ОТ←ЧТ ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, рус тилини ўрганаётган бола ўз она тилисида *гулларни ўтқизайлик* ўрнида *гулларни ўтиргизайлик*, *соатни тақамиз* ўрнида *соатни киямиз* мисолларини учратишимиз мумкин.

Интерференциянинг иккала кўринишини умумлаштирган ҳолда қуйидаги мисолларни келтираамиз.

<sup>227</sup> Карлинский А.Е. Типология речевой интерференции// Зарубежное языкознание и литература. -Алма-Ата, 1972. Вып. 2. 9-16 с.

Маълумки, ўзбек тилида кесимлик шаклида сон маъноси эганинг кўплик шаклида бўлиши билан белгиланмайди. Яъни, баъзан эга кўплик шаклида, кесим эса бирлик шаклида келиши мумкин. Масалан, *итлар ақиллади; бу йил ёмғир кўп ёзди*. Бу эса ўзбекларнинг рус тилидаги нутқларида хатоларга олиб келади: *собаки лаёт, в этом году часта шел дожди*. Бу ерда ОТ → ЧТ.

Шу билан бирга, рус тили таъсирида кўплик шаклида ифодаланган эга ва кесимнинг мувофиқлашуви кузатилади. Бу ўзбек нутқида ҳам таъсир этмокда, яъни ОТ- ЧТ. Масалан, *итлар ақилладилар; бу йил ёмғирлар кўп ёздилар*.

Демак, интерференция сабабли вужудга келадиган хатоларнинг таҳлили шунини кўрсатмокдаки, иккинчи тилга ўқитиш жараёнида фақат тиллар ўртасидаги фарқли жиҳатларни эмас, балки ўрганилаётган тил тизимидаги хусусиятлардан келиб чиқадиган қийинчиликларни ҳам инобатга олиш зарур.

Нутқий вазиятда ўзга тилни қўллаш жараёнида шахс томонидан у ёки бу даражада унга энг яқин бўлган она тили ёки биринчи чет тилига хос тил воситаларини қўллаши, интерференция хосил бўлишининг асосий омилдир. Интерференция ҳодисаси тилнинг ихтиёр (график, фонетик, лексик, сўз ясалиши, морфологик, синтактик) сатҳида содир бўлиши мумкин. Интерференция мавжудлигининг муҳим омилларидан бири шахснинг тил компетенциясига эгаллик даражасидир. Тадқиқотлар жараёнида чет тилига эгаллик даражаси паст бўлган шахслар нутқида кучли тил интерференцияси ҳодисалари яққол намоён бўлиши кузатилади. Интерференция ҳодисаси она тили, биринчи чет тили, иккинчи чет тили ва ҳоказоларнинг ўзаро таъсири шаклида амалга ошади. Ҳар қандай ўзга тилда сўзлашиш жараёнида инсон мия фаолияти она тили етакчи ўринни эгаллаган алоқалар намоён бўлишининг одатий тизимидан фарқли, унга қарама-қарши бўлган алоқалар тизимига созланади.

### АЙРИМ ХУЛОСАЛАР ЎРНИДА

Тилларни чоғиштириш бўйича тажрибалар энг қадим замонларда бошланган бўлишига қарамай, турли тилларни контрастив жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш ишлари чин маънода XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлабгина ривожланди.

Контрастив лингвистикада икки ва ундан ортиқ тиллар қиёсланади. Тиллараро қиёслашда ҳодисалар тизимли ва тизимсиз

равишда рўй бериши мумкин. Тизимсиз ҳодисалар тасодифийлиги ва кам кузатилиши билан характерланади. Бундан ташқари кўп ҳолларда тилшуноснинг бир тилдаги у ёки бу ҳодиса тўғрисидаги фикрининг тўғрилигини тасдиқлаш, шунингдек, ушбу тилдаги мазкур ҳодисанинг ўзига хослигини кўрсатиш учун асосан, мисол тариқасида келтирилади. Тизимли ҳодисалар эса тиллар ёки тил элементларининг тизимли, мунтазам, атрофлича ва энг асосий фарқланувчи белгилари саналади.

Контрастив лингвистика масалаларини ўрганишга киришишда тил ичи ва тиллараро фарқловчи ҳодисаларни аниқлаш ўта муҳим. Бу фарқлар фонемадан тортиб суперсинтактик бутунликкача бўлган тил бирликларида ҳамда нутқий жараёнларда кузатилиши мумкин.

Контрастив лингвистика тил материалларини турли жиҳатдан тадқиқ қилиши билан характерланади. Шу сабабли унда ўрганилаётган тилларнинг сатҳ бирликлари, уларнинг структур-семантик, функционал, этномаданий, социолингвистик, психолингвистик ва бошқа хусусиятлари ҳам таҳлил объекти бўла олади.

Қиёсий-тарихий тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик, ареал лингвистика, типологик лингвистика, универсалиялар лингвистикаси, контакт лингвистикаси сингари йўналишларда, контрастив лингвистикадан фарқли ўлароқ, назарий характерга эга тадқиқотлар етакчилик қилишини алоҳида қайд қилиш лозим. Контрастив лингвистика ўзига турдош бўлган соҳалар ичида алоҳида ўрин тутди. Тил фактлари таҳлилида у ўзининг хос методлари ва аниқ мундарижасига эга. Контрастив лингвистика тилларни асосан синхрон аспектда ўрганади. Контрастив лингвистика учун чоғиштирилаётган тилларнинг ўзаро генетик қариндошлиги принципиал аҳамиятга эга эмас, контрастив метод ҳар қандай тилларни контраст ҳолатда ўрганиш имконини беради. Одатда, контрастив тадқиқотда тилларнинг бири она тили, иккинчиси чет тили мақомида бўлади.

Камида икки тилнинг қиёсий тадқиқи контрастив лингвистиканинг тадқиқот объектини ташкил қилади. Мазкур тилларнинг генетик ёки ареал алоқалари, уларнинг типологик яқинлиги ёки узоқлиги чоғиштириш объекти сифатида тадқиқотга тортилиши учун тўсиқ бўлмайди, яъни тадқиқотчи томонидан танлаб олинган икки ва ундан ортиқ тилларга хос бўлган контраст белгилар фарқланишлар асосида чоғиштирилади. Бунда, асосан,

тилларга хос бўлган зидланувчи ва фарқланувчи нуқталар кўрсатилади.

Мультилингвистик фанлар қаторида контрастив лингвистика биринчи галда амалий характерга эгаллиги билан фарқланади, яъни мазкур фан амалий мақсадларга, улар сирасида энг муҳими лингводидактик мақсадларга эга.

Контрастив лингвистика назарий асосларининг янада чуқурроқ тадқиқ қилиниши лингвистик билимларни бойитиш билан бирга лингводидактикага доир амалий ишларни тартибга солишга кўмак беради.

Назарий мақсадларда тилларни қиёслаб тадқиқ қилинганда қиёсланаётган тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланади, имкон бўлса, бу жиҳатларнинг сабаблари очилади, бир тил доирасидаги тадқиқотларда сезилмайдиган тил фактлари ва ҳодисалари аниқ кўзга ташланади ва ўрганиш марказига тортилади. Бунда тиллар ўртасидаги тизимли мувофиқликлар ва номувофиқликлар аниқланади. Назарий мақсадлардаги қиёслаш тилларнинг барча элементлари ва уларнинг барча тизимли муносабатларини қиёслашни тақозо этади.

Тилларни лингводидактик мақсадларда қиёслаб тадқиқ қилиш ҳам ўз навбатида тизимли қиёслашни тақозо этади. Лекин ўзга тилга ўқитишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ўқув предмети (она тили бўлмаган тил) нинг мазмуни қиёслаш учун тил элементлари, уларнинг белгилари ва муносабатларини танлаб олишга маълум чекловлар қўяди, яъни қиёсланаётган тиллар ўртасидаги фарқларни методик норелевант бўлган элементлар, белгилар, муносабатлар ҳисобига қисқартиради.

Тиллар қиёсланаётганда улардан бири эталон тил вазифасини бажариши мумкин.

Қиёсланаётган тиллар ёки улардан бирини лингвистик таҳлил қилиш учун уларни қиёслаш ҳолатига келтириш мақсадида алоҳида олинган бир тилни тадқиқ қилишда қўлланиладиган методлардан фойдаланилади.

Контрастив лингвистика маълумотларига асосланиб, таржима назарияси таржима жараёнига структур тип, тизим ва норма даражаларида тилларнинг ўзаро мувофиқлиги ва таъсирини ўрганмоқда. Ўз навбатида, таржима назарияси маълумотларининг кенг жалб қилиниши, контрастив таҳлил учун янги истиқболлар очади.

Бугунги кунда контрастив лингвистика тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида шаклланган бўлиб, ўзига хос терминологик аппаратига эга.

Контрастив лингвистикада конгруэнтлик атамаси остида тил бирликлари шакллариининг мувофиқлиги тушунилади. Бу ҳодисани тилнинг барча сатҳларида кўриш мумкин. Шу билан бир қаторда, конгруэнтлик даражаси нуқтаи назаридан ҳам фарқланади.

Контрастив лингвистикада эквивалентлик атамаси остида тил бирликлари маъноларининг мувофиқлиги тушунилади. Умумий ҳолатда эквивалентликнинг тўлиқ, қисман ва ноль даражаси фарқланади, шунингдек конвергент ва дивергент кўринишлари мавжуд.

Контрастив лингвистикада эквивалентлик даражаларидан бири сифатида лакунарлик ҳодисаси ҳам ажратилади. Лакуналар лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида юзага келади. Лакунарлик – кўплаб тиллар учун хос бўлган универсал категориядир. Лакунар бирликлар эса уникалиялардир. Шунинг учун универсалия-уникалия-лакуна парадигмаси уникалияларни универсалиялар даражасига кўтаради.

Контрастив лингвистика биринчи галда амалий характерга эга эканлиги, чет тилини ўргатишни осонлаштирганлиги сабабли трансференция ва интерференция ҳодисалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Трансференция бу ўрганилаётган тилга она тили элементлари ва кўникмаларини ижобий ўтказиш жараёни бўлса, интерференция эса айна омилнинг ўрганилаётган тил нормаларининг бузилишига, хатоларга олиб келадиган салбий таъсиридир. Интерференция ҳодисаси тилнинг ихтиёрий сатҳида содир бўлиши мумкин.

## КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК АППАРАТИ (ЛУҒАТ)

**Аббревиатура** (*италиянча abbreviatura* < *лотинча abbrevio* - қисқартирмаман)

1. Турғун от бирикма таркибидаги сўзларнинг бош ҳарфидан тузилган қисқартма. Бундай қисқартмаларнинг баъзилари ҳарфларнинг номи билан ўқилса (ХДП – хе-де-пе), баъзилари ҳарфлар кўрсатган товуш билан ўқилади (ЎзЛиДеП).

2. айн. **қисқартма сўз**. Турғун бирикма таркибидаги сўзларнинг бошланғич қисмини қўшиб ҳосил қилинган сўз.

**Автоматик таржима (машина таржимаси)** – бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ЭХМ (компьютер) воситасида, тез вақт ичида таржима қилиш тизими. Машина таржимаси бўйича биринчи халқаро конференция 1952 йилда Массачусетс технология институтида ўтказилди. 1954 йилда АҚШдаги Жоржтаун университетиди дунёда биринчи марта автоматик таржима тажрибадан ўтказилди. У **GAT** тизими (инглизча «*Georgetown Automatic Translation*» бирикмасининг қисқартмаси) деб аталади. Бу тажрибалар IBM-701 компьютерида ўтказилди. Бу тажрибанинг базаси алгоритмлардан иборат бўлиб, 50000 та сўз (60 та гап)ни рус тилидан инглиз тилига таржима қилди.

**Агглютинатив тиллар** – сўз ясалиш ва шакл ясалиши агглютинация йўли билан бўладиган тиллар. Масалан, туркий тиллар, фин-угор тиллари агглютинатив тилларга киради.

**Акустема** – тил онгидаги тил бирлиги ёки тил бирлиги фрагментининг товуш образи.

**Акцент** (<лотинча *accentus* - урғу). Бошқа тилда сўзлаганда товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тили товушлари каби талаффуз этиш: *ўзбекча акцент билан гапирмоқ*.

**Аморф тиллар** (<юнонча *amorphous* < a – инкор префикси + *morphe* - шакл). Аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллар. Масалан, *хитой тили*.

**Аналитик тиллар** (<юнонча *analitikas* – ечилиш, ажратилиш) Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, интонация ёрдамида ифодаланадиган тиллар. Масалан, *инглиз, француз, испан, форс* тиллари аналитик тиллар гуруҳига киради.

**Анализ** (<юнонча *analysis* – тақсимлаш, ажратилиш) – фалсафада тушунчани таърифлаш усули бўлиб, мазкур тушунчанинг англаниши тўлиқ ҳажмда амалга ошириш мақсадида белгилари бўйича таркибий қисмларга ажратиш.

**Аналогия** (< юнонча *analogia* — мувофиқлик, мослик). Тил элементларининг (сўз ясалиш, форма ясалиш ва б. моделларининг) ўзаро қандайдир муносабат таъсирида ўхшашлик касб этиши, продуктив бўлган ҳодисанинг бошқасига ёйилиши. *Аналогия йўли билан ўзгартиш. Аналогия асосида ясалиш.*

**Антропоцентрик лингвистика** (<юнонча *anthropos* – одам + лотинча *lingua* – тил).

1. Шимолий Американинг туб аҳолиси тилини тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳолда Америка тилшунослигида юзага келган, лингвистик, маданий ва этнографик ёндашувларни умумлаштирган тадқиқот йўналиши.

2. Инсон тафаккури тараққиётини унинг тил тараққиёти, ҳусусан, лексикада акс этиши билан боғлаб ўрганувчи соҳа. 2004 йили Белостокда бўлиб ўтган халқаро конференцияда Европанинг таниқли терминшунослари томонидан имзоланган «Белосток манифести»да мазкур соҳанинг юзага келганлиги расман эълон қилинган. Антропололингвистиканинг ўрганиш объекти асосан турли тилларнинг луғавий тизими, биринчи навбатда, терминологияси ҳисобланади.

3. айн. **Этнолингвистика.**

**Ареал** (< лотинча *arcalis* < *area* — майдон, макон). Фонетик, лексик, грамматик ҳодисаларни тарқалиш доираси.

**Ареал жамоалар** айнан тил иттифоқлари

**Ареал лингвистика.** 1. Тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғулланувчи соҳаси. 2. Тилшуносликда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳида эътибор берувчи йўналиш.

**Артикуляция** (<лотинча *articulation* <*articulare* – аниқ-равшан талаффуз қилмоқ). Нутқ органларининг товуш ҳосил этишдаги ҳаракат-фаолияти ва ҳолати. Товушларнинг ҳосил бўлишида нутқ органларининг иштироки, ҳолати нуқтаи назаридан артикуляцияда икки нарса фарқланади: 1) *артикуляция ўрни*, яъни товуш ҳосил бўлишида қатнашувчи нутқ органларининг бир-бирига энг яқинлашиб, ҳаво оқимиға тўсиқ ҳосил этадиган нуқтаси; 2) *артикуляция усули*, товуш ҳосил бўлишида иштирок этувчи нутқ органларининг бир-бирига нисбатан олган ҳолати натижасида ҳаво оқимининг биргалиб ўтиши, портлаб чиқиши.

**Атамашунослик** айн. терминология.

**Аффикс** (<лотинча *affixis* – бирлаштирилган, бириктирилган). Ўзакка зид қўйиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўшилидиган асоснинг лексик ёки грамматик маъноларининг шаклланишида хизмат қиладиган морфема. Масалан, *иш-чи-лар-имиз-ни*. Аффикслар, вазифаларига кўра, икки асосий турга бўлинади: 1) сўз ясовчи аффикслар, 2) шакл ясовчи аффикслар. Аффикслар сўзнинг

бошида (*префикс*), ўртасида (*инфикс*) ёки охирида (*суффикс*) келиши мумкин.

**Билингв** (<лотинча *bi* – икки + *lingua* – тил). Икки тил эга бўлган одам. Оилада, ёшлиқдан ўрганилган (одатда, этник) тил «биринчи тил (она тили)», кейинчалик ўрганилган тил «иккинчи тил» ҳисобланади. Бунда тил ва коммуникатив компетенция даражаси фарқланади: иккинчи тил соҳасидаги коммуникатив компетенция даражаси нисбатан пастроқ бўлади. Билингв юқори интенсивлик билан қўллайдиган тил, мазкур шахс учун «функционал биринчи тил» вазифасини бажаради, у ҳам биринчи тил, ҳам иккинчи тил бўлиши мумкин. Лекин мулоқотнинг турли соҳаларидаги билингвнинг нутқий фаолиятида функционал фаол тиллар фарқланиши мумкин; мулоқот тилининг танланиши коммуникатив соҳа ва мулоқот вазиятига боғлиқ.

**Билингвизм** (<лотинча *bi* < *bis* – икки марта + *lingua* – тил). Икки тилда бемалол фикрлаша олиш; икки тилни бир хилда эгалаганлик. Масалан, *ўзбек-тожик билингвизми*, *ўзбек-рус билингвизми*.

- икки тилни навбатма-навбат қўллаш амалиёти;

- икки тилга эгалик ҳамда улар ёрдамида муваффақиятли мулоқотни амалга ошириш (тилларни минимал даражада билган ҳолда ҳам);

- икки тилни деярли бир хилдаги мукамал даражада билиш, мулоқотнинг зарурий шароитида тенг даражада қўллаш кўникмасига эга бўлиш.

**Бобо тил** – генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тилларнинг келиб чиқиш ва таракқий этиш манбаи (асоси) деб қараладиган тил, қиёсий-тарихий метод билан тикланадиган абстракт лингвистик модель. Масалан, *Ҳинд-Европа бобо тили*. *Туркий бобо тил*.

**Бўгин** – сўзнинг нутқда алоҳида (ажратиб) талаффуз қилиш мумкин бўлган энг кичик бўлаги. Бўгин бир товушдан ёки товушлар гуруҳидан иборат бўлиши мумкин: *о-на*, *о-та*, *бо-ла*, *бал-ки* каби. Бўгин бўгин боши, бўгин охири ва бўгин чўққиси қисмларига ажратилиши мумкин.

**Глобаллашув** (<французча *global* – умумий). Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳодисаларнинг умуминсоний миқёсга эга бўлиши.

**Грамматик категория** – асосида ётувчи маъносига кўра бирлашувчи шакллар системаси. Грамматик категориянинг одатда

икки тури фарқланади: 1) *морфологик категория*, 2) *синтактик категория*.

**Грамматик маъно** – лингвистик бирликда шаклланган, морфологик ва синтактик белгилар йиғиндиси. Масалан: *-лар* аффикси кўplik маъносини (*дўстлар* каби), *-ял* аффикси ҳозирги замон маъносини (*сўраяпти* каби) ифодалайди.

**Грамматика** (<юнонча *grammatike* – ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати).

1. Тилшуносликнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими. Ўрганиш объекти, материал ва вазифаси нутқни назаридан грамматиканинг бир неча тури фарқланади: 1) *тарихий грамматика*, 2) *таъсирий грамматика*, 3) *формал грамматика*. Ўзаро қариндош ёки қариндош бўлмаган тиллар грамматик қурилишини солиштириб ўрганилишига кўра грамматиканинг икки тури фарқланади: 1) *чоғиштирма грамматика*, 2) *қиёсий грамматика*.

2. айн. **грамматик қурилиш**: ўзбек тилининг грамматикаси. Сўз формалари, уларнинг сўз бирикмаси ва гапда ўзаро боғланиши ҳақидаги қоидалар мажмуи: *ўзбек тили грамматикасини ўрганиш*.

**Денотатив маъно** (<лотинча *denotatum* – англаувчи) – денотат билан бевосита боғлиқ, уни бевосита билдирувчи маъноси. Денотатда тушунча англашилади. Масалан, *стол* лексемасини оладиган бўлсак, унинг денотати *мебель тури* эканлиги.

**Денотация** – тил бирлигининг асосий, денотатив маъно ифодаси.

**Диалект** (<юнонча *dialektos* – шева, лаҳжа). Умумхалқ тилининг сон жиҳатдан нисбатан кам бўлган худудий, ижтимоий ва касбий жиҳатдан умумийликка эга бўлган кишилар фойдаланадиган кўриниши.

**Диахрония** (<юнонча *diá* – орқали + *chrónos* – вақт).

1) Тил ҳодисаларининг тарихий ривожланишини ўрганишга йўналтирилган тилшунослик методларининг мажмуи.

2) Синхронияга қарама-қарши қўйиладиган умумий тилшуносликнинг соҳаси.

**Жаргон** (<французча *jargon*). Бирор гуруҳ вакиллариининг ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари: масалан, *оқ* (*арақ*), *қизил* (*вино*) – ичувчилар нутқига хос.

**Иерархия** (< юнонча *hierarchia* < *hieros* – муқаддас + *arche* – ҳокимият). Бутуннинг қисм ёки элементларининг юқоридан пастга ёки пастдан юқорига қараб жойлашуви. *Тил яруслари иерархияси*.

**Изоглосса** (< юнонча *isos* – бир хил, *glossa* – тил, нутқ). Изоглоссалар у ёки бу тил ҳодисасининг тарқалиш ареалини кўрсатиш учун географик хариталарга тортилган чизиқлар. Энг муҳим изоглоссалар шеваларнинг шартли чегараларини белгилаб беради. Турли тил сатҳлари учун изоглосса турини аниқлашда турли терминлар қўлланиши мумкин: изофон (фонетик изоглоссалар), изолекса (лексик изоглосса), изосема (ўхшаш семантик ривожланиш) ва ҳоказо. Изоглоссалар «боғлиқ» ва «конвергент» бўлиши мумкин:

- боғлиқ изоглоссалар ягона генетик бирликка тааллуқли бўлган тилларда ривожланади;

- конвергент изоглоссалар тил иттифоқларини ташкил қилувчи тилларнинг узоқ муддатли тил алоқалари ёки бир ҳудудда жойлашмаган алоҳида тилларнинг параллел ривожланиши натижасида вужудга келади.

**Изофа** – форс, араб ва бошқа баъзи тилларда аниқловчи ва аниқланмиш муносабатини ифодаловчи воситалардан бири. Масалан, *таржиман ҳол, дарди бедаво, балои нафс* каби бирикмалардаги тартиб ва *-и, -и* изофани таъминловчи воситалар ҳисобланади. Бу турдаги бирикмалар ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўтган.

**Икки ёклама чоғиштириш** — контрастив лингвистика бир томонлама ва икки томонлама (кўп томонлама) га бўлиниши мумкин. Кўп томонлама контрастив лингвистика ҳолатида маълум бир тилдан ташқаридаги тушунчанинг таққосланаётган тилларда ифодаланиш воситаларини чоғиштириш асосида амалга оширилади. Бир томонлама йўналтирилганликда асос қилиб олинган тилнинг маълум бир шакли маъносининг иккинчи тилда ифодаланиш воситалари аниқланади.

**Интерференция** (< лотинча *inter* — ора + *ferens, ferentis* — ўтказувчи). Она тилига хос хусусиятларни ўрганилаётган тилга ўтказиш (бу тил одатда қариндош тил бўлмайди). Масалан, рус тилида фикрловчи кишининг *Карандаш упал* гапини ўзбекча нутқида *Қалам йиқилди* каби ифодаланиш интерференция натижасида юз беради. Интерференциянинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- **бир тил доирасида интерференция** – ривожланган тил структураси турли компонентларининг ўзаро таъсир жараёнлари.

- **грамматик интерференция** – билингв нутқида она тили грамматик структурасининг иккинчи тилга таъсири. Мазкур таъсир келишик маънолари, қўмақчилар функцияларининг аралашуви, соң келишик, жинсда мослашувнинг йўқлигида намоён бўлади. Интерферент ҳодисаларининг уч типи (тури) ажратилади: 1) дифференциал белгиларни тўлиқ фарқламаслик (ўзга тилда дифференциал белгиларнинг мавжудлиги ҳамда она тилида уларнинг мавжуд эмаслиги); 2) ортиқча дифференциация (она тилида дифференциал белгиларнинг мавжудлиги ҳамда иккинчи тилда уларнинг мавжуд эмаслиги); 3) тил фактларини қайта талқин қилиш (бир хил ўринларда иккала тилда турли дифференциал белгиларнинг мавжудлиги).

Грамматик интерференция ҳодисасини кўриб чиқиш жараёнида, интерференциянинг мазкур кўриниши грамматик бирликларни жойлаш, мослаштириш, танлаш ёки мажбурий қўллаш қоидаларини ўзгартириш ҳолатларида ёки биринчи тил нутқи назаридан қўлланиши мажбурий бўлган грамматик қоидалар иккинчи тилда мавжуд эмаслиги туфайли вужудга келишини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. С.С.Сорокина грамматик интерференцияда синтактик ва морфологик кўринишларни ажратади, улар ўз навбатида, яна торроқ доирадаги кўринишларни ўз ичига олади.

- **импрессив интерференция** – чет тилидаги нутқни тушуниш билан боғлиқ бўлган интерференция тури. Бу ҳолатни лексик сатҳда кузатганимизда полисемия билан боғлашимиз мумкин. Чет тилидаги бир сўзга она тилида бир неча эквивалент тўғри келиши натижасида юзага келади.

- **коммуникатив-норелевант экспрессив интерференция** – ахборотни бузиб кўрсатиш билан боғлиқ бўлмай, суҳбатдошнинг мазкур тил ва маданият жамоасига тааллуқли эмаслиги ҳақидаги маълум бир ахборотни хабар адресатига етказиб, унга маълум бир таъсир кўрсатади.

- **коммуникатив-релевант интерференция** – билингвнинг иккинчи тилдаги нутқидаги хатолари, уни тушунишни ниҳоят даражада қийинлаштирганлиги ёки умуман тушунарсиз қилган ҳолатларда содир бўлади (импрессив интерференциянинг барча кўринишлари).

- **лексик интерференция** – лексик бирликларнинг (морфемалар, сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар) тиллараро айнан ўхшатиш натижасида вужудга келади. Лексика соҳасидаги тиллараро интерференция қуйидаги ҳолатларда намоён бўлиши мумкин:

1) турли тилларда бир тушунча мазмунининг турли воситалар орқали ифодаланиши натижасида алоқага киришган тилларнинг лексик-грамматик майдонлари доирасида лексик бирликларнинг алломорф тақсимланиши кузатилади (масалан, ўзбек тилидаги «ювмоқ» феълига рус тилидаги «мыть», «стирать» феъллари мувофиқ келади);

2) сўзларнинг категориал фарқланиши (масалан, ўзбек тилида «тоза ҳавога чиқмоқ» – инглиз тилида «to be in the open»);

3) ёлгон когнатларнинг қўлланиши (масалан, ўзбек тилида «артист» – санъаткор, инглиз тилида «artist» – рассом).

Бир қатор муаллифлар лексик интерференция доирасида семантик интерференцияни ажратишади. Уларнинг фикрича, лексик интерференция лексик сатҳда намоён бўлса, семантик интерференция семантик сатҳда намоён бўлади.

- **морфологик интерференция** – ўзга тилдаги грамматик шаклларнинг она тилидаги шаклларга мувофиқ келмаслиги натижасида уларни нотўғри қўллашдан вужудга келади.

- **нутқий интерференция** – нутқий фаолиятнинг у ёки бу кўриниши (эшитиш, гапириш, ўқиш, ёзиш) жараёнида нутқий интерференцияси вужудга келади.

- **прагматик интерференция** – асосан, фонетик интерференция доирасида ўрганилади. Бу ҳолат моделдаги товушлар ўртасидаги муносабатлар, яъни нутқий занжирнинг маълум нуқта-сида пайдо бўлиши мумкин бўлган товушлар билан боғлиқдир.

- **прогрессив интерференция** – интерференциянинг йўналиши билан боғлиқ бўлиб, она тили ўрганилаётган чет тилига салбий таъсир қилади.

- **просодик интерференция** – асосан, фонетик интерференция доирасида ўрганилади. Бу ҳолат ўрганилаётган чет тилининг просодик мувофиқликларининг бузилишида намоён бўлади.

- **регрессив интерференция** – интерференциянинг йўналиши билан боғлиқ бўлиб, ўрганилаётган чет тили она тилига салбий таъсир қилади. Масалан, рус тили таъсирида ўзбек тилида *соатни тақши* бирикмаси ўрнида *соатни кийиш* бирикмасини қўллаш.

- **семантик интерференция** – бу турдаги интерференциянинг пайдо бўлиш сабаби тиллардаги кўп маънолик, омонимия, синонимия ҳодисалари ҳамда тушунчаларнинг номланишидаги тафовутлар, яъни сўзловчиға маълум бўлган ҳодисалар янги тилда она тилидан фарқли берилганлигидадир. Масалан, ўзбек тилидаги «қора нон» – инглиз тилида «brown bread» (айнан, жигарранг нон), ўзбек тилида «бош кийимсиз» – инглиз тилида «with the open head» (айнан, очик бош билан). Интерференциянинг мазкур кўриниши кўпроқ ўзга тилни ўрганишнинг бошланғич даврида кўп учрайди, чунки тил ўрганувчилар етарли сўз бойлигига эга бўлмай, она тилидаги структураларни калкалаштириб, чет тилидаги маттни сўзма-сўз таржима қилишади.

- **синтагматик интерференция** – фонетик интерференцияга нисбаттан қўлланилади. Синтагматик интерференция маълум бир нутқий занжирга боғланган товушларга тегишли бўлади.

- **синтактик интерференция** – синтактик сатҳда қолиб-ларнинг бузилиши, сўзларнинг эркин тартиби ва ҳоказоларда намоён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, синтактик интерференцияни енгиш жуда ҳам қийин, айниқса, иборалар сунъий, нотабий бўлган ҳолатларда. С.С.Сорокинанинг фикрича, синтактик интерференция қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади: а) конструктив; б) позицион синтаксис; в) синтактик мослашув.

- **стилистик интерференция** – она тили стилистик қоидаларини ўзга тилдаги нутққа олиб киришдир. Масалан, ўзбек тилини яхши билмайдиган, рус миллатига мансуб бўлган шахсларнинг нотаниш кишиларга ўзбек тилида сен деб мурожаат қилишлари.

- **сукут шаклидаги интерференция** – ўқувчининг чет тили кўникмаларини яхши ўзлаштирмагани оқибатида нутқ жараёнида сукут сақлаши. Интерференциянинг бу турини фанга Ў.Қ.Юсупов киритган.

- **турли тиллар доирасида интерференция** – алоқага киришган тилларнинг умумий хусусият ва белгилари таъсирида ўзга тилни ўрганувчи шахс онгида иккинчи тилнинг бошқа барча тил хусусиятларини ҳам она тилидаги нутқий мулоқот хулқига ўхшатади. Натижада унинг онгида икки тилнинг барча дифференциал белгилари чалкашиб кетган янги учинчи мувофиқликлар тизими вужудга келади.

- **фонетик (фонологик) интерференция** – алоқага киришган тилларнинг товуш ва оҳанг фарқларига риоя қилмаслик натижасида

вужудга келади, яъни улар ўртасида нотўғри мувофиқликлар ўрнатиш, ўрганилаётган тил товушлари ўрнига унга хос бўлмаган она тили товушларини қўллаш, ўрганилаётган тилда фонемалар кетма кетлигига риоя қилмаслик, она тили фонемалари белгиларини ўзга тилга ўтказиш, она тили ва ўрганилаётган тил просодия ходисаларини нотўғри мувофиқлаштириш.

- **экспрессив интерференция** – чет тилида нутқ яратилиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *янги* лексемасига рус тилида *новый, свежий* лексемалари тўғри келади. Рус тилини ўрганаётган ўқувчи нутқда *янги газета* бирикмасини рус тилида *новая газета (свежая газета* ўрнида) қўлланилиши кўпроқ учрайди.

- **билвосита интерференция** – ифоданинг морфологик усуллари ўрнига лексик ёки синтактик усулларни қўллашда намоён бўлади. Масалан, синтетик шакллар ўрнига аналитик шаклларни қўллаш.

- **лингвокультурологик интерференция** – билингуларнинг иккинчи тилдаги нутқда мазкур тилларнинг икки лингвокультурологик жамоаларга мансублиги ҳамда иккинчи тилдаги оламнинг лисоний манзарасини билмаслиги натижасида она тили таъсирида вужудга келади. Лингвокультурологик интерференция қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келиши мумкин:

1) халқлар ҳамда уларнинг маданиятларининг миллий ўзига хослиги;

2) коммуникантларнинг турли миллий маданиятларга мансублиги сабабли маданий фарқланиши;

3) коммуникантлар тил онгидаги фарқлар, ўзга маданиятни «меъёрдан чекиниш» деб қабул қилиш, ўз маданиятини меъёрий деб ҳисоблаш, ўзга маданият образлари ўз маданият образлари орқали англанилиши;

4) турли маданиятларнинг ўзаро алоқалари (ўзаро таъсири) натижасида турли маданий ходисаларнинг вужудга келиши (маданий конфронтация, аккультурация, маданий экспансия, маданий диффузия, маданий конфликт ва ҳоказо).

**Интонацион конструкция, интонема, оҳанг фонемаси** – ифода маъносини фарқлаш ҳамда коммуникатив тип, ифода маъноларини ташкил қилувчи синтагма, актуал бўлинишининг маъно аҳамияти каби ифода параметрларини узатиш учун етарли бўлган интонацион белгилар мажмуидир. Тил белгисининг

кўриниши (яъни супрасегмент бирлик) бўлиб, ифода дплани ҳамда мазмун планига эга.

**Интонация** (<лотинча *intonare* – баланд товуш билан талаффуз этман). Нутқнинг синтактик маъноларни ва экспрессив-эмоционал бўёқларни ифодалаш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик томони; овознинг паст-баландлиги; оҳанг. Қуйидагилар интонациянинг таркибий элементлари ҳисобланади: 1) нутқ мелодикаси, 2) нутқ ритми, 3) нутқ интенсивлиги, 4) нутқ темпи, 5) нутқ тембри, 6) мантикий урғу, 7) фраза урғуси.

**Калька** (<французча *calque* – нусха, тақлид). Ўзга тил материалидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги. Калькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин. Масалан, *темир йўл* сўзи рус тилидаги *железная дорога, ярим ўтказгич-полупроводник* сўзининг калькасидир.

**Касбий (профессионал) тил.**

1. Бир касбга мансублик натижасида юзага келган тил кўриниши. Бугунги кунда турли жаргонлашган мулоқот тизимлари (харбийлар, талабалар ва ҳоказолар нутқи) орқали ифодаланган.

2. Бир касбга мансуб шахслар орасида мавжуд тилнинг ижтимоий кўриниши.

**Когнитив тилшунослик** (<лотинча *cognition* – билим). Тил воситасида билимларни сақлаш, ифодалаш ва узатиш механизмларини, тил ва онг муносабатини, оламни концептуаллаштириш ва категориялаштириш, билиш жараёнларида ва тажрибаларни умумлаштиришда тилнинг ўрни каби масалаларни тадқиқ этувчи соҳа.

**Коммуникатив тилшунослик** – замонавий тилшуносликнинг йўналиши бўлиб, коммуникация бирлиги сифатида нутқий актларни (таъкид, илтимос, савол ва ҳоказо) кўриб чиқади. Улар структур элементларининг (сўз, сўз бирикмаси, гап) коммуникатив аҳамияти боғланган матн (дискурс)да намоён бўлади. Таълимнинг замонавий методларини лингвистик асослаш учун қўлланилади.

**Компьютер лингвистикаси** – математик лингвистиканинг мантикий давоми бўлиб, у амалий тилшуносликнинг энг муҳим қисмини ташкил этади. Компьютер лингвистикаси 1954 йил АҚШда Жоржтаун университетида машина таржимаси бўйича дунёда ўтказилган биринчи тажриба асносида йўналиш сифатида шакллана бошлади, 1960 йилга келиб мустақил фан сифатида шаклланди. Компьютер лингвистикаси инглизча «computational

linguistics» сўзининг калькасидир. XX асрнинг 80-йилларига қадар бу фан турлича номлар билан аталган: *хисоблаш лингвистикаси, математик лингвистика, квантитатив лингвистика, инженер лингвистикаси* каби. Бу фаннинг асосий мақсади лингвистик масалаларни ечишнинг компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, инсон ва машина (компьютер) мулоқотини оптималлаштириш, табиий тилни қайта ишлаш (Natural Language Processing)дир.

**Конгруэнтлик** (<лотинча *congruens* – мувофиқ, мутаносиб, мос келадиган). Тилларнинг айнан ўхшаш шакллари. Товуш шакли тўғри келмайдиган тил бирликларида конгруэнтлик муаммоси тушунча структураси мувофиқлиги мисолида кўриб чиқилади. Турли тилларда бир хил тушунча структурасига эга бўлган сўзлар ўзаро конгруэнт бўлади. Конгруэнтликнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- **тўлиқ конгруэнт** – қиёсланаётган тиллардаги сўз шакллариининг айнан мувофиқ тушиши;

- **қисман конгруэнт** – қиёсланаётган тиллардаги сўз шакллариининг қисман мувофиқ тушиши;

- **лексик конгруэнтлик** – турли тилларда бир хил тушунча структурасига эга бўлган сўзлар. Масалан, ўзбек тилидаги *болалар богчаси* тожик тилидаги *боғчаи бачагон* – рус тилидаги *детский сад*;

- **морфологик конгруэнтлик** – турли тиллардаги сўзларнинг маълум бир категориясида қўлланилиши. Масалан, сон категориясини оладиган бўлсак, ўзбек тилидаги *одамийлик*, рус тилидаги *человечность*, тожик тилидаги *одамгари* сўзлари фақат бирликда қўлланилади;

- **фонетик конгруэнтлик** – қиёсланаётган тилларнинг фонетик сатҳида кузатиладиган шаклий мувофиқлик. Сўз шакллариининг айнан мувофиқ тушиши. Масалан, рус тилидаги *снег*, украин тилидаги *сніг*, белорус тилидаги *снег*, болгар тилидаги *снийг* сўз шакллари ўзаро тўлиқ ёки қисман конгруэнт бўлади.

**Коннотатив маъно** – денотатив маънога қўшимча равишда экспрессив, стилистик муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка).

**Коннотация** (<лотинча *ciip, con* – бирга+ *notare* – белгиламоқ), Тил бирлигининг коннотатив маъно (стилистик, экспрессив муносабат каби қўшимча маъно ёки маъноларнинг) ифодаси.

**Контакт лингвистикаси** – тил алоқалари, икки ёки ундан ортиқ тил ёки уларнинг шакллари (шева, арго, касбий лексика ва

хоказо) нинг ўзаро таъсири натижасида амалга ошади. Контакт лингвистика мазкур фавкулдда учрайдиган ҳодисани ўрганувчи фандир.

**Контекст** (<лотинча *contextus* – яқин алоқа, бирикиш, қўшилиш). Мазмун жиҳатдан тугалланган, ўз таркибидаги сўз ёки ибораларнинг маъноларини белгилашга имкон берадиган нутқ парчаси. Бундай нутқ парчаси таркибидаги сўзлар (иборалар) бири иккинчиси учун контекст (куршов) вазифасини бажаради.

**Контрастив грамматика** – контрастив лингвистиканинг йўналиши бўлиб, унинг вазифаси икки ёки ундан ортиқ тилларнинг грамматик сатҳидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир.

**Контрастив лексикология** – контрастив лингвистиканинг йўналиши бўлиб, унинг вазифаси икки ёки ундан ортиқ тилларнинг лексик сатҳидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир.

**Контрастив лингвистика** – умумий тилшунослик йўналиши бўлиб, унинг вазифаси икки ёки ундан ортиқ тилларнинг барча сатҳлардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир.

**Контрастив фонетика ва фонология** – контрастив лингвистиканинг йўналиши бўлиб, унинг вазифаси икки ёки ундан ортиқ тилларнинг фонетик сатҳидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир.

**Контрастив жуфтлик** – ўзаро қиёсланаётган икки жуфтлик.

**Конфронтатив лингвистика** – фанга Л.Заброки томонидан «контрастив лингвистика» атамаси билан бир вақтда киритилган ҳамда Шарқий Европа мамлакатларида кенг қўлланилади. Контрастив лингвистикадан фарқли равишда, биринчи ўринда эталон-тилни мақсадли қўллаш назарда тутилади.

**Концепт** (<лотинча *conceptus* – тушунча). 1. Когнитив тилшуносликда: инсон онгининг ментал ва руҳий имкониятлари, унинг билими ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизими бирлиги. 2. Лингвокультурологияда: менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турувчи жамоа онги бирлиги. 3. Психолингвистикада: инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида юзага келадиган, унинг руҳияти қонуниятларига бўйсунувчи ҳаракатчан перцептив-когнитив-аффектив тузилма.

**Концепция** (<лотинча *conceptio* – тушунча, тизим). Бирор бир ҳодиса, нуқтаи назар, ғояларни тушуниш, изоҳлаш, ёритишнинг маълум бир усули; олам, табиат, жамиятдаги ҳодисаларга

бўлган қарашлар тизими; илмий, бадий, техник, сиёсий ва бошқа фаолият кўринишларидаги конструктив омил, етакчи ғоя; ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тақозо қилувчи қарашлар мажмуи, танланган масалани ечиш йўллари мажмуи; бирор бир ҳодисани англаш, фарқлаш ҳамда изоҳлаш усули. Концепция ҳаракатлар стратегиясини белгилаб беради.

Турли концепциялар ўз терминологик аппаратига эга.

**Корелят** – мазмуни бошқа тушунча билан муносабатдагина очиладиган тушунча.

**Корпус лингвистикаси** (<лотинча *corpus* – тана) – тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, матн корпусларини яратиш, улардан фойдаланиш, уларга ишлов бериш масалалари билан шуғулланади. Корпуслар асосан электрон ҳолда сақланадиган маълум тил бирликлари, улар тилшунослар учун турли хил муаммоларни ҳал этиш учун татбиқ этишда ва турли йўналишдаги тадқиқотлар учун заруриятга қараб, турли шаклларда тузилади. Тил бирликларининг қай тарзда сақланишига қараб, махсус дастурлар ёрдамида ҳар бир керакли сўз ёки сўз бирикмаси учун дарҳол унинг қўлланиши бўйича мисоллар, имло бўйича вариантлари, синонимик қаторлари топилиши мумкин. Матнлар корпусига оид илмий тадқиқотлар салмоғининг кўпайиши натижасида тилшуносликда **корпус лингвистикаси** йўналиши шаклланди.

Корпуснинг жанри ва тематик ранг-баранглиги интернетдан фойдаланувчининг қизиқишларига боғлиқ. Масалан, илм-фан доирасида Wikipedia катта ҳажмдаги матнлар корпуси сифатида фойдаланилмоқда.

**Культуроним** – маълум халқ маданияти учун муҳим бўлган элементларнинг тилда номланиши. Культуронимлар уч асосий гуруҳга бўлинади: полионимлар, идионимлар, ксенонимлар.

- **полионимлар** – бир нечта маданиятларда учрайдиган универсал элементлар. Полионимлар шаклан фарқланиши (*river / река / дарё; teacher / учитель / ўқитувчи; library / библиотека / кутубхона; government / правительство / ҳукумат*) ёки мазмуни ҳам шакли ҳам ўхшаши мумкин. Масалан, интернационал сўзлар: *geography / география, university / университет, army / армия, democracy / демократия* ва ҳоказо.

- **идионимлар** – маълум бир маданиятга хос сўзларнинг, мазкур маданият вакиллариининг ўз она тилларида ифодаланиши. Масалан, инглиз тили идионимларига *cowboy, prairie, House of*

*Commons* сўзлари кирса; казак, степь, Дума, чоризм сўзлари рус тили идионимларини, *адрас, атлас, хон, палов* каби сўзлар ўзбек тили идионимларини ташкил қилади.

- **ксенонимлар** – маълум бир ташқи маданиятларга хос сўзларнинг сўзловчининг она тилисида ифодаланиши. Масалан, *атлас, адрас, pilaf, khan* сўзлари инглиз тили доирасида ксенонимларни ташкил қилса, *ковбой, прерия, лорд* каби сўзлар ўзбек тили доирасида ксенонимларни ташкил қилади.

**Қариндош тил** – келиб чиқиши бир, умумий бўлган, шунга кўра фонетика, лексика ва грамматикасида умумий фактлар ва хусусиятлар муштарак равишда намоён бўладиган тиллар. *Туркий тиллар. Герман тиллар. Роман тиллар.*

**Қиёсий грамматика** – қариндош тилларнинг грамматик қурилишини бир-бирига қиёслаб ўрганувчи грамматика: *Туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси.*

**Қиёсий-тарихий метод** – нисбатан кейинги вақтларга доир ёзма ва жонли тил фактларини қиёслаб ўрганиш асосида жонли тил ва ёзма манбаларда учрамайдиган (қайд этилмаган) қадимги тил фактларини тиклашдан иборат лингвистик метод. Бу метод қариндош тилларнинг маълум бир даврдаги тараққиёт қонуниятларини аниқлашга, ўз ва ўзлашма бирликларни белгилашга хизмат қилади, шунингдек, тилларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг айрим муаммолари учун замин ҳозирлайди.

**Қиёсий-тарихий тилшунослик** – тилшуносликнинг қариндош тилларни қиёсий-тарихий метод асосида ўрганувчи бўлими.

**Қиёсланаётган тил** – тилшуносликнинг қиёсий йўналишларида қиёслаш учун асос бўлаётган тил.

**Қўшма гап** – тузилиши жиҳатидан содда гапга ўхшаш икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап.

**Лакуна** – (<французча *lacune* – бўшлиқ, чуқурлик). Мулоқот жараёнида муайян маданиятнинг бошқа маданият вакили томонидан тўлиқ ёки қисман англашилмайдиган ўзига хос миллий унсур.

- **абсолют лакуналар** – бир тилда берилган маълум бир тушунчани ифодалаш учун иккинчи тилда аниқ бир сўз ёки сўз бирикмасидан иборат эквивалентнинг мавжуд бўлмаслиги. Мисол учун ўзбек тилидаги *тенгдош, умуман* сўзлари француз тилида эквивалентларга эга эмас.

- *ашёвий лақуналар* – моддий ашёлар ёки ҳодисаларнинг йўқлигини ифодаловчи лақуналар.

- *бир тил доирасида лақуналар* – бир тил парадигмалари доирасида намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида бир хил исмилларга нисбатан *адаси* лексемаси мавжуд, лекин исми турлича инсонларга нисбатан ҳеч қандай тушунча мавжуд эмас.

- *вакант (компенсацияланмаган) лақуналар* – бир тилда мавжуд бўлган миллий калоритни бошқа бир тилда изоҳлашнинг имкони бўлмаслиги. Бу турдаги лақуналарни изоҳлаш учун матнлардан фойдаланишга тўғри келади. Бу турдаги лақуналарга ўзбек тилидаги аксирган инсонга нисбатан *соз бўлинг*, узоқ сафарга кетаётганларга *ой бориб омон қайтинг*, рус тилидаги тўй маросимларида ишлатиладиган *горько* каби мисолларни келтиришимиз мумкин.

- *гендер лақуналар* – предметлар синфи учун умумий номнинг йўқлигини ифодалайди.

- *грамматик лақуналар* – бир тилда мавжуд бўлган грамматик шаклларнинг иккинчи бир тилда эквивалентга эга эмаслиги.

- *жинс тушунчалар билан боғлиқ лақуналар* – айнан гендер лақуналар.

- *конкретлаштирувчи лақуналар* – чоғиштирилаётган тилларнинг бирида маълум бир белгисига кўра мувофиқликнинг йўқлиги асосида ажратилади.

- *лексик лақуналар* – иккинчи тилда мувофиқ номинантга эга бўлмаган лақуналар.

- *лингвокультурологик лақуналар* – маиший, ижтимоий-маданий, ахлоқий воқеликни фарқловчи лақуналар. Бу лақуналарни аниқлашда халқ этнографиясида қиёсланаётган нарсанинг мавжудлиги, қанчалик даражада ундан фойдаланишларини ўрганишни талаб қилади. Кўплаб шимол халқлари (лопар, свама, чукча, ненец, саама) тилларида қорни ифодаловчи 20 дан ортиқ сўз бор.

- *мавҳум тушунчалар билан боғлиқ лақуналар* – тафаккурий категория йўқлигини ифодалайди.

- *мотивланган лақуналар* – асосан, сўзнинг юзага келиш сабаби билан боғлиқ бўлади. Бир тилда мавжуд бўлган ҳодиса ёки предметни ифодаловчи сўз иккинчи бир тил эгалари концептида шу тушунчанинг ўзи мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Масалан, ўзбек халқи учун немис тилидаги *morastig* (кўлмаклар билан қопланган, ботқоқликсимон) мотивланган лақуна.

- *мотивланмаган лақуналар* – миллий маданиятда ҳодиса ва предметлар бор, лекин уларни ифодаловчи сўзлар йўқ. Масалан, рус тилидаги *красавец* – *қелинган одам*; *кўркам нарса* ўзбек тилида мотивланмаган лақунани ҳосил қилади.

- *нисбий лақуналар* – маълум бир мувофиқликнинг қўлланилиш частотаси даражаларининг турлича бўлиши. Абсолют лақуналардан фарқли нисбий лақуналар бир тилда мавжуд бўлган тушунча доимий равишда нутқда истёмолда бўлади, иккинчи тилда эса камдан-кам ҳолатда қўлланилади.

- *ноль формадаги лақуналар* – маълум бир тилда учрайдиган тушунчага монанд бўлган бошқа бир тилда сўз ёки сўз бирикмасининг мавжуд эмаслиги. Масалан, *чай* кўплаб халқлар қатори ўзбек ва инглизлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Бу тилларнинг ҳар иккисида ҳам *чайнак*, *чай* ичмоқ, бир пиёла *чай* бирикмалари мавжуд. Лекин ўзбек тилида *бир дамлам чай* бирикмаси мавжуд бўлиб, бу инглиз тилида мавжуд эмас. *Чай бир дамлам қолди* гапи инглиз тилида *There is just enough tea left for one pot* деб таржима қилинади. Инглиз тилида дамланган *чай a brief of tea* ёки *a pot of tea* бирикмалари ёрдамида ифодаланади. Аммо биринчи бирикма маҳсулотнинг сифатини билдирса, иккинчиси идишни англатади. Шунинг учун *бир дамлам чай* бирикмаси инглиз тили учун *ноль* формадаги лақунарликни ҳосил қилади. Бу турдаги лақуналарни вакант лақуналар таркибига киргизиш мумкин.

- *номинатив лақуналар* – маълум бир тилда бир сўз билан номланган тушунча бошқа бир тилда унга тўғри келадиган номинацияга эга бўлмаслиги.

- *нутқий лақуналар* – бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга қилинган таржимаси билан қиёслаш жараёнида аниқланадиган лақуналар. Бунда асосан чет тилини тушуниш жараёни назарда тутилади.

- *стилистик лақуналар* – тил лақуналари ва нутқий лақуналар ёки абсолют ва нисбий лақуналар оралиғидаги лақуналар. Бир тилдаги сўз ёки фразеологизмнинг иккинчи бир тилда айнан шундай стилистик бўёқдорликка эга бўлмаслиги.

- *тўлиқ лақуналар* – бир тилда мавжуд бўлган тушунча, предмет ёки белгининг иккинчи бир тилда умуман йўқлиги.

- *тур тушунчалари билан боғлиқ лақуналар* – предмет ёки ҳодисаларнинг айрим турли кўринишларининг йўқлиги.

- *турли тиллар доирасида лакуналар* – икки тилни бир-бири билан ёки эталон тил билан таққослаганда аниқланган лакуналар.

- *умумлаштирувчи лакуналар* – чоғиштирилаётган тилларнинг бирида умумлаштирувчи белгисига кўра мувофиқликнинг йўқлиги асосида ажратилади.

- *уникал лакуналар* – бутун дунё вакиллари учун тушунарсиз бўлган тил бирликлари. Мисол учун, айрим иборалар фақатгина шу халқ вакиллари учун тушунарли бўлиб, бошқа бирор тил эгаси буни тушунмайди. А.И.Белов рус тилидаги *вот тебе, бабушка, и Юрьев день!* иборасини уникал лакуна деб атайди. Бу турдаги лакуналарни вакант лакуналар таркибига киргизиш мумкин.

- *хусусий лакуналар* – уникал лакуналардан фаркли равишда фақатгина айрим халқлар учун тушунарсиз бўлган лакуналар. Айнан шу лакуна деб қаралаётган тушунчалар яшаш шароити, тарихи ва маданияти, тилнинг лексик-грамматик қурилишидаги яқинлиги, тилга бошқа тилнинг таъсири жиҳатидан умумийлик ҳосил қилган халқлар учун лакуна бўлмаслиги мумкин.

- *эмотив (коннотатив, ассоциатив) лакуналар* – эмоциялар билан боғлиқ бўлган лакуналар. Асосан ассоциациялар билан боғлиқ ҳолда бўлади. Масалан, *ит ўзбек халқида содиқ дўст* сифатида ассоциациялашади. Русларда *собака* (ит) бу *жаҳлдор одам*, Колумбияда *perro* (ит) – *ўзри ва мутаххам*, Коста-Рикада эса *хотинбоз*.

- *этнографик лакуналар* – айнан лингвокультурологик лакуналар.

**Лакунар бирлик** – бир тилга (шартли равишда, А тилига) мансуб бўлган бирликлар. Лакунар бирликлар бир тилнинг иккинчи тилга нисбатан ўзига хослиги, фарқлилигини очиб бериб, чоғиштирилаётган тилларнинг энг контрастив компонентларидирлар.

**Лексема** (<юнонча *lexicos* – *сўзга оид, лугавий*). Тилнинг луғат таркибига хос бирлик; тил структурасининг лексик маъно англатувчи элементи.

**Лексик мувофиқлик** – икки тилнинг маъно жиҳатидан бир бирига яқин сўз ёки сўз бирикмалари.

**Лексикология** (<юнонча *lexicos* — *луғатга оид, луғат ҳақидаги* + *logos* - *таълимот*). Тилшуносликнинг луғат составини ўрганувчи бўлими. Ўрганиш объекти, вазифаси нуктаи назаридан лексикология икки турга бўлинади: 1) тарихий лексикология; 2) тасвирий лексикология.

**Лингвистик анализ** – тил (нутқ) бирликларини ташкил этувчи компонентлари, мазмуни, вазифаси ва бошқа хусусиятлари нуктаи назаридан тадқиқ этиш, шу нуктаи назардан тил бирликларининг муайян ҳолатини белгилаш. Лингвистик анализнинг куйидаги турлари фаркланади: 1) лексикологик анализ, 2) фразеологик анализ, 3) семасиологик анализ, 4) фонетик анализ, 5) орфографик анализ, 6) орфоэпик анализ, 7) морфем анализ, 9) сўз ясалиш анализи, 10) синтактик анализ, 11) пунктуацион анализ, 12) стилистик анализ, 13) этимологик анализ.

**Лингвистик компонент** – оригинал матн маъноли бирликларининг мажмуи.

**Лингвистик таржима назарияси** – таржима жараёни ҳамда унинг айрим босқичларини таржимашунослик, матн лингвистикаси, нейролингвистика, психология ва бошқа фанлар воситалари орқали тасвирлаш ва моделлаштириш бўйича ҳаракатлар.

**Лингводидактика** – чет тилига ўргатиш ҳамда чет тилини ўрганишни тадқиқ қилувчи амалий лингвистик фан. Лингводидактика тилларга ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади, дидактик мақсадлардан келиб чиқиб, маълум бир тилни ўқитишнинг метод ва воситаларини ишлаб чиқади, монолингвизм (бир тиллилик) ёки билингвизм (икки тиллилик) нинг тил ўзлаштиришга таъсирини ўрганади ҳамда бир қатор ёндош вазифаларнинг ечими билан шуғулланади.

**Лингвокультурология** (<лотинча *lingua* – *тил* + <лотинча *cultura* – *ишлов бериш* + <юнонча *logos* - *таълимот*). Тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психоллингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳа.

**Логозистема** (<юнонча *logos* *сўз*, *нутқ* + *episteme* – *билим*). Борлиқнинг тил эгалари онгида ижтимоий ҳамда маданий хотира орқали акс этилиб, мустаҳкамланган тил иборасини ифодалайди.

**Локал муносабатлар** (<лотинча *localis* – *ўрин*), айнан макон муносабатлари.

**Мелодема (интонаема)** – нутқ жараёнида овоз просодемадан просодемага ҳаракатланиб бориши. Мелодемаларни интонацион конструкция, интонацион модель, интонацион контур деб ҳам аташади. Ҳар бир тил ўзигагина хос бўлган мелодемалар тўпламига эга бўлади. Н.Мечковскаянинг ўзининг “Общее языкознание.

Структурная и социальная типология языков” деб номланувчи китобида тилда олтигадан йигирматагача мелодема бўлишини кўрсатиб ўтади.

**Менталитет** (<лотинча *mens* – ақл, тафаккур, фикрлан тарзи). Жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти. Менталитет миллий анъаналар, урф-одатлар, диний эътиқодларни ҳам қамраб олади.

**Метатил** (<юнонча *met* кейин, сўнг, сўнгера + тил). Маълум бир метаназариянинг ўрганиш объекти бўлган, қандайдир (одатда формаллашган) ўзга тилнинг структур, дедуктив ёки семантик хусусиятларини тасвирлаш мақсадида воситалари қўлланилган тил. Бу тил табиий ёки сунъий тил бўлиши мумкин.

**Методик релевант (мухим) бўлмаган ўхшашлик** – бир тилдаги кўникмаларнинг иккинчи тилга ўтказилишига ижобий таъсир ўтказмайдиган, ундан методик хулоса ёки тавсия чиқариб бўлмайдиган ўхшашликлар.

**Методик релевант (мухим) бўлмаган фарқ** – бир тилдаги кўникмаларнинг иккинчи тилга ўтказилишига салбий таъсир ўтказмайдиган фарқлар.

**Методик релевант (мухим) ўхшашлик** – она тили кўникмаларини ўзга тилдаги нутқда қўллашга асосланган, нутқ жараёнига ижобий таъсир қилувчи ўхшашлик.

**Методик релевант (мухим) фарқ** – тиллараро интерференцияга сабаб бўлиши мумкин бўлган она тили ва иккинчи тил ўртасидаги фарқ.

**Миллий вариантлар** – турли шароитларда, масалан, турли худудларда, ўзаро боғланмаган шароитда ривожланиши натижасида ўзига хос хусусиятлари шаклланган бир тил. Адабий кўринишларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**Миллий тил** – миллат бўлиб шаклланган коллективнинг умумий тили. Масалан, *ўзбек миллий тили, рус миллий тили, инглиз миллий тили*.

**Моделлаштириш** – барча фанлар учун хос бўлган умумилмий метод ҳисобланади ва у қуйидаги тамойилларга амал қилади:

дедуктивлик – мантикий хулоса чиқаришга асосланган бўлади, хусусийликдан умумийликка тамойилида бўлади, тафаккур экспериментидан фойдаланиш;

эвристик функцияга эга бўлиши. Яъни, у янги ғоялар бера олиши ва уни амалиётда синаб кўриш имконияти бўлиши зарур;

экспланаторлик хусусиятига, яъни тушунтириш кучига эга бўлиши керак. Шундагина модель эски назария тушунтириб бера олмаган муаммони ҳал қилади, объектининг илгари қузатилмаган, аммо келажакда амалга ошиши мумкин бўлган томонини кашф қилади.

моделни идеаллаштирилган объект сифатида талқин қилиш.

Моделлаштириш жараёни учта унсурни ўз ичига олади:

Субъект (тадқиқотчи)

Тадқиқот объекти

Ўрганувчи субъект ва ўрганилувчи объект муносабатини акс эттирувчи модель.

Моделлаштириш тилшуносликда структурализм йўналиши таъсирида фаол татбиқ қилина бошланди. Гап структурасини моделлаштириш ғояси XX асрнинг 50-йилларида америкалик тилшунос Чарльз Фриз томонидан олға сурилди (1952 йилда «The Structure of English» номли тадқиқотини яратди). Ч.Фриз ўз концепциясини дистрибутив модель деб номлаган. Бунга кўра, гап муайян сўз туркумларига оид бўлган сўзлар занжири ҳисобланади ва таҳлилда морфология базасига таянилади. Масалан, «*The young man painted the door yesterday*» жумласи дистрибутив модель асосида қуйидагича таҳлил этилади: **Д 3 И<sup>а</sup> 2-д Д И<sup>б</sup> 4**. Бу ерда **Д** – отнинг аниқловчиси (инглизча детерминер), **3** – сифат, **И** – бирликдаги от, **2-д** – ўтган замон шаклидаги феъл, **4** – равишнинг англа-тади. Демак, бу модельда турли сўз туркумларига мансуб сўз шакллариининг нутқ занжиридаги дистрибуцияси (тарқалиши, қуршови) гап структурасини моделлаштиришнинг асосий мезони саналади.

**Модель** (<лотинча *modelus* – нусха, андоза, ўлчов, меъёр). Табиий фанлар ёки фанда шундай моддий қурилма, график, схема, умуман, билиш воситаси сифатида тушуниладики, у муайян оригинал-объект ҳақидаги маълумотлар мажмуи тарзида юзага келган ҳосила-объект демакдир. Бошқачароқ тушунтирганда, модель табиий объектларнинг имитациясидир (ўхшаш, тақлидий кўринишидир), у ўзбек тилидаги қолип, андоза сўзларига мос келади. Масалан, глобус ернинг модели, ўйинчоқ машина ҳақиқий машинанинг модели сифатида баҳолалиши мумкин.

Моделларни шартли равишда куйидагича таснифлаш мумкин: 1) табиий моделлар – ўрганилаётган объект билан бир турда бўлади ва ундан фақат ўлчамлари жараёнларининг тезлиги ва баъзи ҳолларда ясалган материали билан фарқ қилади; 2) математик моделлар – прототипдан (асл нусхадан) жисмоний тузилиши билан фарқ қилади, лекин прототип билан бир хил математик тасвирга эга бўлади; 3) мантикий-математик моделлар – белгилардан иборат бўлиб, абстракт модель ҳисобланади ва тафаккур жараёнини ўрганишда қўлланилади; 4) компьютерли моделлар – математик ва мантикий моделлаштириш методларига асосланиб, компьютерда алгоритм ва дастурлардан фойдаланиб яратиладиган моделлар.

**Морфема** (<юнонча *morphe* – шакл). Сўз таркибда қатнашадиган энг кичик тил бирлиги. Асосий хусусиятига кўра, морфемалар икки турга бўлинади: 1) *ўзак морфема*, 2) *аффиксал морфема*.

**Морфемика** – морфемаларнинг тузилиши, турлари ва уларнинг сўз форма составидаги ўрни қабилар ҳақидаги таълимот.

**Морфология** (<юнонча *morphe* – форма + *logos* таълимот). 1. Сўз ҳақидаги грамматик таълимот. Морфология синтаксис билан бирга грамматикани ташкил этади: *Ўзбек тили лексикологияси ва морфологияси*, 2. Тилнинг морфологик қурилиши: *Ўзбек тилининг лексикаси ва морфологияси*.

**Мультилингв** – икки ва ундан ортиқ тилларда фаол (гапирмоқ, ёзмоқ) ёки пассив (эшитмоқ, ўқимоқ) мулоқот қила оладиган одам. Кўпроқ билингв ва трилингвлар – икки ёки учта тилни билувчи шахслар – учрайди. Уч ва ундан ортиқ тилларни билувчи инсонлар полиглот дейилади.

**Нейролингвистика** (<юнонча *neuron* – нерв + <лотинча *lingua* – тил). Психология, неврология ҳамда лингвистика фанларига ёндош соҳа. Нутқий фаолиятнинг миёдаги механизмларини ҳамда миёнинг локал шикастланиши натижасида вужудга келадиган нутқ жараёнидаги ўзгаришларни ўрганади.

**Неолингвистика** – XX асрнинг 20-йилларида итальян тилшунослигида вужудга келган лингвистик оқим. Лингвистик географияга асосланиб, неолингвистлар тилни узлуксиз бадий ижод, маънавий фаолият маҳсули сифатида тушунишади. Соф фонетик тадқиқотлардан воз кечиб, тилда семантика билан шуғулланишга даъват қилишади. Тилдаги ўзгаришларни индивидлар фаолияти билан боғлашади, уларнинг сабабларини мода, нуфуз ва ҳоказолар

таъсири билан изоҳлашади. Сўзлар тарихини жамият тарихи ҳамда матнларнинг жанр фарқлари билан боғлаб ўрганишга чорлашади. Сўз ўзлаштириш жараёнларига жуда катта аҳамият берилади. Лингвистик география ҳамда тилнинг периферия ҳудудларига (диалектлар, арга, болалар тили ва ҳоказо) алоҳида эътибор, уларни тил чегаралари йўқ деган ҳулосага олиб келади. Ж.Бартони, М.Бартולי, Ж.Бонфанте, В.Пизани асарларида неолингвистика назарияси баён қилинган.

**Ноқариндош тиллар** – келиб чиқиши турлича, умумийликка эга бўлмаган тиллар.

**Нутқ** 1. Сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган ҳодиса. 2. Нутқнинг коммуникация мақсади ва шароитига қараб лексик ва грамматик воситалардан мувофиқи сайлаб ишлатилиши билан характерланувчи тури: *Расмий нутқ*, *Сўзлашув нутқи*. 3. Синтактик ифоданинг тури: *Муаллиф нутқи*, *Ўзга нутқ*.

**Нутқ вазияти** – коммуникантлар орасидаги нутқий алоқа юз берадиган вазият. Унинг асосий параметрлари адресант, адресат, хабар, алоқа, контекст ва коддан иборат.

**Нутқ бирлиги** – тил birlikлари асосида нутқнинг ўзида юзага келувчи birlik.

**Объект-тил** – замонавий мантик, математика, фалсафа, илм метадологияси, семиотика, назарий тилшуносликнинг тушунчаси бўлган исталган тил. Бу тил табиий тил бўлиши билан биргаликда сунъий тил, ўлик тил, истеъмолдаги тил, шаклланган ва шаклланмаган тил бўлиши мумкин. Объект-тилнининг структураси ва элементлари метатил ёрдамида тавсифланади.

**Она тили** – боланинг ёшлиқдан атрофдаги катталарга тақлид қилиш йўли билан ўрганадиган тили.

**Онтолингвистика** – нутқ онтогенезиси ва болалар нутқини ўрганувчи тилшунослик соҳаси. Онтолингвистиканинг ўрганиш объекти бола тилининг шаклланиши, боланинг нутқий фаолияти, боланинг она тилини ўрганиш жараёнидир. Онтолингвистикани антропоцентриқ фанлар қаторига киргизиш мумкин.

**Оппозиция** (<лотинча *opposito* – қарама-қарши қўйиш). Икки ёки ундан ортиқ бир типдаги тил ходисаларини қарама-қарши қўйиш. Масалан, жарангли ва жарангсизлар оппозицияси.

**Парадигма** (<юнонча *paradeigma* – мисол, намуна). Тил birlikлари, грамматик формаларнинг умумий маъносига кўра

бирлашувчи, хусусий маъноларига кўра фарқланувчи системаси. Масалан, отларнинг келишик билан турланиш парадигмаси, феълларнинг шахс-сонда тусланиш парадигмаси каби.

**Паралингвистика** (<юнонча *para* – ёнида, яқинида + <лотинча *lingua* – тил). 1. Мулоқотнинг новербал воситаларини ўрганувчи тилшунослик бўлими 2. Нутқий мулоқотда иштирок этувчи новербал воситалар мажмуи.

**Параллел матн** – параллел тузилган нутқ парчалари

**Полисинтетик тиллар** (<юнонча *poly* – кўп + *synthetikos* – синтезга асосланган). Айнан инкорпорацияловчи тиллар.

**Прагмалингвистика** (<юнонча *pragma* – иш, ҳаракат) – «белги – белгидан фойдаланувчи» муносабати нуқтан назаридан тил белгиларининг қўлланишини ўрганувчи тилшунослик соҳаси. Прагмалингвистиканинг мақсади тилни ижтимоий, вазиятли ва хоказо контекстда, яъни тилни коммуникация воситаси сифатида ўрганиш.

**Просодик бирлик** – товушнинг тони, баландлиги ва кучининг ўзгариши.

**Просодия** (<юнонча *prosodia* – ургу, нақорат + *просодика*) – Нутқ сегментларининг барча сатҳларида (бўгин, сўз, сўз бирикмаси, синтагма, фраза, суперфразавий бирлик, матн) рўёбга чиқадиган ҳамда маъно фарқлаш вазифасини бажарадиган фонетик воситалар тизими. Кўпинча просодиянинг қуйидаги элементлари (компонентлари) ажратилади: нутқий мелодия, ургу, вақт ва тембр хусусиятлари, ритм, тонал тилларда сўз оҳанги. Мазкур маънода «просодия» термини интонация тушунчасига синоним бўлиб келади. Иккала термин ҳам тилнинг супрасегмент воситаларининг (бўгин, сўз ва хоказо, яъни сегмент товушлардан каттароқ бирликларда рўёбга чиқадиган фонетик воситалар мажмуи) функционал тизимини ифодалаш учун қўлланилади.

Нутқнинг ҳам идрок сатҳида (оҳангнинг баландлиги, қаттиқлиги, узунлиги), ҳам жисмоний сатҳдаги (асосий оҳанг частотаси, тезлиги, вақти) фонетик супрасегмент хусусиятларининг умумий номи.

Нутқ ташкилланишининг супрасегмент воситалари: нутқ сегментларининг (оҳангнинг кўтарилиши ва пасайиши, ургунинг тақсимланиши, темпорал ўзгаришлар, пауза) парчаланиши ва бирлашиши. Мазкур маънода просодия шеърий нутқ таҳлилида қўлланилади.

Бўгинни ифодаловчи фонетик воситалар тизими,

**Психоллингвистика** (<юнонча *psyche* – қалб + <лотинча *lingua* – тил). Инсон нутқий фаолиятининг психологик ва лингвистик жиҳатларини, нутқий мулоқот ва нутқий тафаккур жараёнида тилдан фойдаланишнинг ижтимоий ва психологик томонларини тадқиқ этувчи соҳа. Инсоннинг сўзлаш ва нутқни тушуниш қобилиятига хос бўлган жараёнларни аниқлаш психоллингвистиканинг асосий мақсади ҳисобланади.

**Реалия** – мазкур халқ ҳаёти, турмуши, анъаналари, тарихи, моддий ва маънавий маданиятига оид тушунчалар.

**Сема** (<юнонча *sema* – белги). Лексик маъно (семема)ни ташкил топтирувчи компонентлар. Масалан, *атроф* лексемасининг лексик маъноси (семемаси) «ҳамма» ва «томон» семаларидан иборат. Маълумки, лексик-грамматик гуруҳларга оид семемалардаги семалар шу семемалар учун умумий ёки хусусий эканига кўра икки асосий турга бўлинади: 1) интеграл сема, архисема, 2) дифференциал сема, фарқловчи сема.

- **архисема** – бир семантик майдондаги семемаларнинг туташтирувчи умумий семаси. Масалан, *новча*, *бақалоқ*, *чўзиқ* ва хоказолардаги «меъёр» семаси; *чопмоқ*, *оқмоқ*, *сакрамоқ* ва хоказолардаги «ҳаракат» семаси.

- **дифференциал сема** (<лотинча *differsens* – фарқловчи). Полисемантик сўз семемаларидан ҳар бирининг ўзига хос бўлган сема.

- **интеграл сема** (<лотинча *integer* – бутун, тикланган). Полисемантик сўз семемалари учун умумий бўлган сема.

- **потенциал, эҳтимолий семалар** – предмет ёки ҳодисани ифодалаш билан боғлиқ, турли ассоциацияларни акс этувчи ҳамда сўзларни маълум бир вазиятларда қўллаш натижасида вужудга келадиган контекстуал семалар. Контекстуал семалар ҳисобига нутқда (матнда) тил бирлиги маъноларининг коннотатив бўёқлари ҳосил бўлади, уларнинг асосида эса сўзнинг янги маъноси ривожланади.

- **марказий семалар** – бу асосий, энг муҳим маънолар. Улар тил тизимидаги турли фактик гуруҳларнинг асосини ташкил қилади. Марказий семалар бўйича сўзлар парадигма, синонимик қатор, антонимик жуфтлик, лексик-семантик ва антонимик гуруҳларга ажралади. Маъно структурасида архисема ҳамда функционал семалар марказий семага тегишли бўлади.

- *периферик сема* – предметнинг иккинчи даражали, муқим бўлмаган белгиларини ифодалайди. Потенциал ҳамда эҳтимоллий семалар периферик семаларга мансуб бўлади.

**Семантема**, айнан лексик маъно. Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно: маълум товуш комплексини маълум объектив воқеликка боғлаш билан киши онгида юзага келадиган мазмун-мундарижа. Масалан, *уй* сўзининг лексик маъноси — «киши яшайдиган бино», *югурмоқ* сўзининг лексик маъноси — «бир жойдан иккинчи бир жойга шиддат билан ҳаракатланмоқ, катта-катта ва тез-тез қадам ташламоқ».

#### Семантик компонент.

1. Сўз, сўз бирикмаси, гап, ифода маъносининг семантик элементи.

2. Компонент таҳлил йўли билан аникланадиган сўз маъносининг таркибий қисми.

**Семантик майдон периферияси** – ўз маъносига кўра марказдан энг узоқ бўлган бирликлар мажмуи. Перифериядаги бирликлар контекстуал маънога эга бўлиши мумкин. Одатда периферия бошқа семантик майдонлар билан контактга киришиб тил тизимининг узлуксизлигини ташкил қилади.

**Семантика** (<французча *semantique* < юнонча *semantikos* – ифодаловчи) – 1) тил бирликларининг маънолари; 2) айнан, семиология, тил бирликлари, биринчи ўринда сўзларнинг маъноларини ўрганувчи тилшунослик бўлими; 3) семиотиканинг асосий бўлимларидан бири.

**Семиотика** ёки **семиология** (<юнонча *semitice* – белгилаш, тасвирлаш, ифодалаш). Белгилар системаси ҳақидаги фан бўлиб, унда ахборотни сақловчи, узатувчи турли хил белги ва белгилар тизимларининг яратилиши, вазифаларини, белгилар системасига кирувчи ҳодисаларни, уларнинг табиати, моҳияти, турлари, кўри-нишлари, амал қилиши кабиларни текширади. Семиотика тилшуносликда муҳим методологик аҳамият касб этади. Чунки тил ҳам белги саналади, семиотикада табиий тиллар ҳам, сунъий тиллар ҳам, ҳатто йўл белгилари, аудио ва видео сигналлар ҳам тадқиқ этилади. Семиотика фани XIX асрнинг охириларида вужудга келди, унинг асосчиси америкалик олим Чарлз Сандерс Пирс (1839 – 1914 й.) ҳисобланади. Семиотикада белгилар тизими тўрт аспект асосида ўрганилади: 1) *синтактика* – белгилар структурасини текширади; 2) *семантика* – белгиларнинг мазмуний томонини текширади; 3)

*сигматика* – белги ва уни акс эттирувчи объект ўртасидаги муносабатни ўрғанади; 4) *прагматика* – белгиларнинг инсонга бўлган муносабати, фойдалилиги, амалий жиҳатларини тадқиқ этади.

**Сигнификатив маъно** (<лотинча *signifikatum* — мазмун). Белгининг мазмуний мундарижасини ташкил қилади. Масалан *стол* лексемасини оладиган бўлсак, унинг сигнификати *тўрта оёққа горизонтал ҳолатда ўрнатилган кенг тахтадан тайёрланган мебель тури эканлиги*.

**Синтаксис** (<юнонча *syntaxis* – тузиш). 1. Грамматиканинг ўзаро боғланишли нутқ қурилишини ўрганувчи бўлими. Бу бўлим икки асосий қисмдан иборат: 1) сўз бирикмалари ҳақида таълимот қисми (сўз бирикмалари синтаксиси); 2) гап ҳақида таълимот қисми (гап синтаксиси).

2. Сўз туркумларининг нутқдаги синтактик функциялари ҳақидаги таълимот (фезл синтаксиси).

**Синтетик тиллар**. Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) форма ясовчи аффикслар воситасида ифодаланадиган тиллар. Масалан, рус ва немис тиллари синтетик тиллар жумласидандир.

**Синхрония** (<юнонча *syn* — бирга + *chronos* — вақт, яъни бир-вақтlilik). Айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил системасининг маълум бир тарихий ривожланиш этапидаги ҳолати лингвистик ўрганиш предмети, сифатида.

**Система**. 1. Ўзаро турғун муносабатлар билан боғланган, бир бутун бўлиб уюшган элементлар мажмуи: *Тил системаси*. Сўз ясалishi системаси. 2. Маълум бир грамматик категорияга хос ички бўлинишларнинг (аспектларнинг) бир бутунлиги: *Майлар системаси*. *Келишиклар системаси*.

**Содда гап** – ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган, маълум фикр ифодалай оладиган, грамматик ва интонацион жиҳатдан шаклланган синтактик бирлик: *Сен космонавт бўлмақчимисан?* (С. Аҳмад.) *Тоз тепаида тўпланайтган булутлар тушга бориб қуюқлаша боилади.* (П. Қодиров.) *Мен сизга бир маши; чалиб берай.* (А. Қаҳҳор).

**Социоллингвистика** – тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; экстроллингвистик

факторлар таъсирида тил тараққиётидаги актив процесслар; радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма формаси ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва формалари; кенг халқ оммаси нутқ маданиятини кўтариш каби проблемалар билан шуғулланади.

**Структур схема** – график моделнинг қўринишларидан бири бўлиб, объект элементар бўғинларининг мажмуи ҳамда улар орасидаги алоқани ифодалайди.

**Субсистема** (тизим ости) – умумий тизим таркибига кирувчи, перифериядаги ладотонал бўлак.

**Субъективлик** – бу инсоннинг (фикрловчи субъектнинг) атроф олам хусусидаги тасаввурлари, унинг нуқтаи назари, ҳиссиётлари, эътиқоди ҳамда хоҳишларининг ифодаланиши. Фалсафада мазкур термин, одатда, объективликка қарама-қарши қўйилади.

**Сўз** – ўз товуш қобига эга бўлган, объектив нарса-ҳодисалар ҳақида тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва функцияларда қўлланадиган энг кичик асосий тил (нутқ) бирлиги. Сўз товуш томони билан фонетиканинг; лексик бирлик (лексема) сифатида лексикологиянинг; турли грамматик маъноларни ифодалаши ва шу маъноларни ифодаловчи формаларга эгаллиги билан морфологиянинг; сўз бирикмаси ва гап қурилишида материал асос бўлиб хизмат қилиши билан синтаксиснинг ўрганиш объекти бўла олади.

**Сўз бирикмаси** – бир-бири билан тобеланиш асосида бириккан, маъно ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, яхлит, бироқ қисмларга ажраладиган тушунчани ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар боғланмаси: *узоқ йўл, ўн қаватли бино, бир йиллик режа, қаламда ёзмоқ* каби. Сўз бирикмалари бир неча нуқтаи назардан таснифланади:

1. Компонентлари орасидаги синтактик алоқанинг эркинлик даражасига кўра. Бунда сўз бирикмасининг икки тури фарқланади: 1) синтактик эркин сўз бирикмаси, 2) синтактик боғлиқ сўз бирикмаси.

2. Тузилишига кўра. Бунда сўз бирикмаларининг икки тури фарқланади: 1) содда сўз бирикмаси, 2) мураккаб сўз бирикмаси.

3. Таркибидаги ҳоким компонентнинг қайси сўз туркумидан бўлишига кўра. Бунда сўз бирикмаларининг икки катта тури фарқланади: 1) отли бирикмалар, 2) феълли бирикмалар.

**Сўзнинг семантик структураси** – сўзнинг лексик маъно, маъно оттенкаси ва қўшимча оттенкалардан иборат структураси.

**Таржима** – тил воситасининг бир тури бўлиб, унда ўзга тилдаги асл матн иккинчи тилда мазкур тилдаги коммуникатив тенг қимматли матн яратилиши орқали баён қилинади.

**Таржима бирлиги** – 1. Асл матннинг минимал бирлиги бўлиб, бутун бирлик сифатида таржима қилинади, яъни таржимада унга мувофиқлик топиш мумкин, лекин мазкур бирлиكنинг таркибий қисмларини ифодаловчи биринчи тил бирликлари мавжуд бўлса, улар таржимада қўринмаслиги мумкин. 2. Эквивалентлик бирлиги. 3. Таржима жараёнининг бирлиги.

**Таржима жараёни** – таржимоннинг таржима матнини яратиш бўйича ҳаракатлари.

**Таржима назарияси** – таржима лингвистикасининг назарий қисми.

**Терминология** (< *термин (terminus) + logos* — сўз, таълимот). Бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мажмуи. Масалан, грамматик терминология, хореография терминологияси ва б.

**Тил** - 1. Нутқ тузиб, фикр, ҳис-туйғу, истак кабиларни ифодалашда хизмат қиладиган фонетик, лексик ва грамматик воситалар системаси; кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа-аралашув, фикрлашув қуроли. Бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса. 2. Нутқнинг у ёки бу стилистик белгилари билан характерланувчи тури: *Поэтик тил. Газета тили.*

**Тил алоқалари** – бирдан ортиқ тилларнинг бир-бири билан алоқага кириши натижасида ўзаро таъсири. Ушбу феноменни контакт лингвистикаси ўрганади.

**Тил (диалект) ареали** – ареал термини тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудуди, шунингдек, тилларнинг тарқалиш чегараларини аниқлаш учун қўлланилади.

Биринчи ҳолатда айрим тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудуди ареал ҳисобланади (масалан, «ж»ловчи шевалар ареали).

Иккинчи ҳолатда тиллар ёки тил жамоаларининг тарқалиш ҳудудлари ареал ҳисобланади (масалан, туркий тиллар ареали, ўзбек тили ареали).

**Тил бирлиги** – бир-биридан функцияси, ифода материали, тузилиши ва системадаги ўрни билан фарқланадиган тил ҳодисаси. Фонологик бирлик — фонема, морфологик бирлик — морфема, лексик бирлик — лексема.

**Тил иттифоқи** (<немисча *Sprachbund* (*инпрахбунд*)) – тилларнинг контакт ва конвергент ривожланиши натижасида шаклланган тиллар умумийлигининг алоҳида кўриниши. Тил иттифоқи тушунчаси биринчи мартаба Н.С.Трубецкой томонидан 1923 йили «Бобил минораси ва тиллар аралашуви» номли мақоласида кўлланилган.

**Тил контактлари** (<юнонча *contactus* - алоқа) – айнан тил алоқалари.

**Тил корпуси** – мазкур тилда мавжуд бўлган барча матнларнинг электрон ҳолатдаги жамланмаси.

**Тил тараққиётининг ички қонунлари** – тилнинг ўз табиати асосида (ўз моҳиятидан) келиб чиқадиган тараққиёт процессларини ифодаловчи қонунлар. Жуда кўп тиллар учун умумий бўлган қонунлар (масалан, луғат составининг тез, грамматик қурилишнинг аста-секин ўзгариши ва б.) билан бирга, айрим тилларнинг ўзига хос ички ривожланиш қонунлари бўлади. Масалан, ўзбек тилида сингармонизмнинг йўқолиши, бунинг натижасида унлилар сонининг камайиши; *-лар* аффикси функция доирасининг кенгайиши, сўз бирикмалари янги структур типларининг пайдо бўлиши ва ҳакозо.

**Тил узуси** (<лотинча *usus* – қоида, одат, тадбиқ). Тил бирликлари (сўзлар, турғун бирикмалар, шакллар, конструкциялар)ни ушбу тил эгалари томонидан оммавий қабул қилинган кўлланилиш тартиби. Узус тил меъёрларига яқин бўлса-да, ундан ажратилади. Узуслар бир томондан тил меъёрларига қарши кўйилса, иккинчи томондан окказионалларга қарши кўйилади.

**Тиллар оиласи** – ўзаро ўхшашлиги, келиб чиқиш, асоснинг умумийлиги билан изоҳланадиган тиллар группаси (тил шохобчаси). *Туркий тиллар оиласи*.

**Тилларнинг генеологик таснифи** (<юнонча *genialogia* – шажара) – тилларнинг келиб чиқиш манбаининг бирлиги, умумийлигига кўра гуруҳлаш. Бундай умумий манбадан келиб чиққан тилларнинг катта гуруҳлари қариндош тиллар оиласини ташкил этади. Масалан, *ҳинд-европа тиллари оиласи, олтой тиллари оиласи, фин-угор тиллари оиласи* ва б.

**Тилларнинг классификацияси** – дунё тилларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида уларнинг классификацияси тузилади. Тилшуносликда тилларнинг бир неча классификациялари мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар: ареал (географик), типологик, генеологик, функционал.

#### **Тилларнинг чоғиштирма белгилари:**

Чоғиштирилаётган тилларнинг белгиларини ажратиш тил универсалияларини аниқлаш билан боғлиқ:

- дистинктив белгилар – бир тилни бошқа тилдан ёки бир гуруҳ тилларни бошқа гуруҳ тиллардан аниқ ажратиш кўрсатувчи белгилар. Бир тилнинг барча шеваларида учрайдиган ҳамда бошқа тилларда учрамайдиган белги идеал дистинктив белги ҳисобланади;

- дифференциал белгилар – тилларни фарқлаб берувчи белгилар;

- интеграл белгилар – тадқиққа тортилган тилларга умумий бўлган белгилар;

- контрастив белгилар – икки ва ундан ортиқ тилларни чоғиштириш учун асос қилиб олинган белгилар;

- конфронтатив белгилар – тиллар бир-бирига қарама-қарши кўйиладиган белгилар. Масалан, рус тилида жинс категориясининг мавжудлиги ҳамда мазкур категориянинг ўзбек тилида йўқлиги.

**Тилшунослик** – тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, функцияси, ички структураси, классификацияси ҳақидаги, конкрет тилларнинг иш кўриш (фаолият) қонунлари ва тарихий тараққиёти ҳақидаги фан. Мақсади, вазифаси ва шу қабиларга кўра, тилшуносликнинг бир неча йўналишлари (соҳалари) бор: умумий тилшунослик, амалий тилшунослик, хусусий тилшунослик, структурал лингвистика, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси ва б.

**Типология** (<юнонча *typos* – форма, намуна + *logos* – тушунча, таълимот). 1. Тилшуносликнинг тилларни типологик таснифлаш принциплари ва усулларини ўрганувчи бўлими. 2. Тил бирликларини бирон умумий белгиси асосида таснифлаш.

- **лексик типология** – тиллараро сўзлар парадигмалари, сўз бирликлари ифодаловчи тиллараро маъно инвариантларини кўриб чиқади. Лексик типологиянинг асосий вазифаси тилнинг лексик сатҳи бирликларини қиёслашдир. Айрим тилшунослар лексик ва семантик типологияларни бирлаштириб юборишади. Лекин, фонетик-фонологик, морфологик ҳамда синтактик типологиялар

каби қиёсий типологиянинг алоҳида бўлими сифатида қўрилиши мумкин.

Лексик типология қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади: 1) сўзларнинг лексик типологияси ёки сўз типологияси; 2) сўз ясалишининг лексик типологияси ёки сўз ясалиш типологияси; 3) қиёсий лексикография; 4) лексик-статистик типология; 5) сўз ўзлаштиришнинг лексик типологияси; 6) фразеологиянинг лексик типологияси; 7) мақол ва маталларнинг лексик типологияси; 8) ономастиканинг лексик типологияси; 9) топонимиканинг лексик типологияси; 10) терминологиянинг лексик типологияси; 11) диахроник лексик типология; 12) синхроник лексик типология ва ҳоказо.

- **назарий типология** – тилнинг идеал моделлини яратиш, белги билдираётган маъноларни умумлаштириш, ўрганилаётган кўплаб тилларнинг таксономик принципларини қайд қилиш билан шуғулланади.

- **семантик типология** – тил бирликларининг семантик структурасини қиёсий нуқтаи назардан ўрганувчи лингвистик типологиянинг бўлими. Мазмун жиҳатдан бирликларни ажратиш, уларни моделлаштириш, таққослаш, тиллараро изоморф ҳамда аломорф хусусиятларини аниқлаш билан шуғулланади. Семантик типология тилларнинг семантик хусусиятлари асосида уларнинг типологик белгиларини аниқлайди. Пировард мақсади семантик универсалияларни аниқлаш.

- **синтактик типология** – феъл актантларини кодлаш стратегияси, ташкил этувчиларнинг тартиби, сўз бирикмалари таркибидаги тобе бўлакларнинг белгиланган локуслари каби масалалар билан шуғулланади. Синтактик типология таркибида тилларни қўйидагича типларга ажратиш мумкин: 1) **фаол (актив) тиллар** – от сўз туркумининг «фаол» ва «нофаол» турлари, феъл сўз туркумига мансуб сўзларнинг ҳам «фаол» ва «нофаол» сингари бўлиниши, шунингдек, сифат сўз туркумининг мавжуд бўлмаслиги кузатилади. Замонавий хитой тили, гуарани тили ва бошқа тиллар мисол бўла олади; 2) **номинатив тиллар** – номинатив (отнинг асосий келиши шакли бўлиб), ўтимли ҳамда ўтимсиз феълларнинг субъектига тўғри келади, ўтимли феълларнинг объектига мувофиқ келувчи аккузативга қарама-қарши қўйилади. Аксарият замонавий ҳинд-европа, сомиий тиллар номинатив тилларга мисол бўла олади (жумладан, рус тили); 3) **эргатив тиллар** – абсолютив (отнинг

асосий келиши шакли бўлиб), ўтимли феълларнинг объекти ҳамда ўтимсиз феълларнинг субъектига тўғри келади, ўтимли феълларнинг субъектига мувофиқ келувчи эргативга қарама-қарши қўйилади. Шимолий Кавказ тиллари, баск тили, курд тили эргатив тилларга мисол бўла олади.

- **фонетик типология** – дунёда кўп сонли тиллар мавжуд бўлишига қарамай, инсонлар амалда бир хил нутқ аппарати тузилишига эга деган қарашга асосланади. Айнан шу қараш билан боғлиқ кўп сонли қонуниятлар мавжуд. Масалан, дунёдаги турли фарқли тилларда палатализация ходисаси мавжуд.

- **морфологик типология** – морфологик сатҳдаги бирликларни қиёслайди. Тадқиқот хусусиятидан келиб чиқиб, морфологик типологияни икки типга ажратиш мумкин: 1) тилларнинг морфологик таснифи билан шуғулланувчи морфологик типология; 2) грамматиканинг алоҳида муайян масаллари билан шуғулланувчи морфологик типология.

**Товушлар артикуляцияси** (<лотинча *articulo* – бўлиш, ажратиш, парчалаш). Нутқ товушларини талаффуз қилиш жараёнида нутқ органларининг фаолият жараёни. Товушлар артикуляцияси 3 босқичдан иборат бўлади:

- **экскурсия** – нутқ аппаратининг товушни талаффуз қилишга тайёргарлиги ёки артикуляциянинг бошланиши.

- **тутиш** – нутқ органларининг ўзгармаган ҳолатдаги талаффуз жараёни.

- **рекурсия** – товуш талаффузининг тўхтатиш жараёнини ўзида акс эттирган артикуляциянинг тугаши. Бунда нутқ органи бошқа товушни талаффуз қилиш мақсадида ўз ҳолатини ўзгартиради ёки тинч ҳолатга ўтади.

**Трансференция** – ўрганилаётган тилга она тили элементлари ва кўникмаларини ижобий ўтказиш жараёни. Трансференция янги материални ўзлаштириш учун ижобий муҳит яратади.

**Ундош товуш** – оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб пайдо-бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат товуш. Уларнинг талаффузида ҳаво оқими сирғалиб ёки портлаб чиқади, бу ҳаво оқими ун пайчаларини титратиб ёки титратмай ўтади ва ҳ. Ана шулар натижасида турли жиҳатдан бир-биридан фарқли ундош товушлар ҳосил бўлади.

**Универсалия** – барча тилларга ёки дунё тилларининг мутлақо кўпчилиги қисмига ҳос умумий қонуниятлар. 1941 йилда Агинский

томонидан «The Importance of language universals» сарлавхали мақола эълон қилинди. 1961 йилда New York шаҳрида универсалияларга бағишланган халқаро конференция ўтказилди. Унда Ж.Гринберг, Ж.Женкинс, Ч. Осгудлар «Лингвистик универсалиялар ҳақида меморандум» мавзусида чиқиш қилдилар. Конференцияда Ч.Осгуд шундай ёзади: «Биз ушбу конференцияда қонсиз инқилобнинг гувоҳи бўламиз».

Фонология, морфология, синтаксис, семантика соҳаларида аниқланган лингвистик универсалиялар 2000 йилга келиб 1600 тани ташкил этди. Германиянинг Констанз университетиде лингвистик универсалияларнинг базаси (Universals Archive) яратилди ва у ҳар йили янги маълумотлар билан бойитиб борилади.

- **абсолют (тўлиқ) универсалиялар** – дунёдаги барча тиллар учун ҳақиқий бўлган қонуниятлар;

- **дедуктив универсалиялар** – ходисанинг барча тилларда мавжудлиги (масалан, барча тилларда товушларнинг мавжудлиги);

- **синхрон универсалиялар** – тил тизимларининг қонуниятларини тасвирловчи ҳолатлар;

- **диахрон универсалиялар** – тил ўзгаришлари қонуниятларини тасвирловчи ҳолатлар;

- **индуктив универсалиялар** – бошқа тиллар қонуниятларига зид бўлмаган, тилларнинг алоҳида фактларини умумлаштирувчи ҳолатлар;

- **мураккаб универсалиялар** – турли ходисалар ўртасида маълум бир боғлиқлик борлигига даъво қилувчи ҳолатлар;

- **соғда универсалиялар** – маълум бир ходисанинг борлиги ёки йўқлигини таъкидловчи ҳолатлар;

- **статистик (нотўлиқ) универсалиялар** – аксарият тиллар учун мавжуд ходисалар.

**Универсалиялар лингвистикаси** - тилшунослиқда типологик тадқиқотлар асосида тилларни таққослаш билан боғлиқ вужудга келган янги йўналиш бўлиб, тил универсалияларини аниқлайди.

**Уникалия** – бир ёки бир нечтагина тилда учрайдиган ходисалар.

**Унли товуш** – оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товуш.

**Урғу** – турли фонетик воситалар (масалан, овозни кучайтириш) орқали бўғин ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз. Ажратиш объектига кўра, урғунинг икки тури фаркланади: 1) сўз урғуси, 2) фраза урғуси. Акустик-артикуляцион характеристикасига кўра, урғунинг икки тури фаркланади: 1) экспиратор урғу, 2) музикал урғу.

Кўп бўғинли сўзларда бош урғудан ташқари, иккинчи даражали (ёрдамчи) урғу ҳам ажратилади.

**Урғусиз** – урғу тушмаган (урғу олмаган) унли, бўғин ва б.

**Флексия** (<лотинча flexio – очши, ўтиши). Бир неча грамматик маънони бир йўла ифодалайдиган шакл ясовчи морфема. Масалан, рус тилидаги *книгу* сўзидаги –у қўшимчаси ўзида тушум келишиги, бирлик, муаннас жинсни ифодалайди.

**Флектив тиллар** – грамматик маънолар флексия билан ифодаланадиган тиллар. Флектив тилларга Ҳинд-Европа (инглиз, немис, лотин, ҳинд ва бошқа тиллар), хом-сом (араб, иврит) тиллари киради.

**Фонема** (<юнонча *phoema* – товуш). Тил бирликларининг товуш қобиғи бўлиб, уларни ўзаро фарқлаш хусусиятига эга бўлган товуш бирлиги. Масалан, *қол, қил, қўл* сўзларининг товуш қобиғи бўлиб, уларни ўзаро фарқлашга *о, и, ў* фонемалари хизмат қилади.

**Фонетика** (<юнонча *phonetikos* – товушга оид < *phone* – товуш). 1. Тилшунослиқнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усулларини ва акустик хусусиятларини; бўғин, нутқнинг пауза билан ажралувчи қисмлари ва шу кабиларни ўрганувчи бўлими. Тилнинг товуш составини ўрганишда ўз олдига қўйган мақсадига кўра, фонетиканинг қуйидаги турлари фаркланади: 1) умумий фонетика 2) тарихий фонетика, 3) тасвирий фонетика, 4) қиёсий фонетика, 5) экспериментал фонетика.

**Фразеологизм** – тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англадиган, нутқ протесссида яратилмай, балки нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Тургун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури. Масалан, *томдан тараша тушгандай, оёғини қўлига олмоқ, бурнини кўтармоқ, сичқоннинг уни минг танга ва б.* Фразеологик бирликларнинг одатда уч тури кўрсатилади: 1) фразеологик кўшилма, 2) фразеологик бутунлик, 3) фразеологик чатишма.

**Чет тили** – боланинг атрофини ўраб турган жамиятдан ташқарида ўрганадиган тили.

**Шева** – маҳаллий диалектнинг фонетик, лексик, грамматик умумийликка эга бўлган, бир ёки бир неча қишлоқни ўз ичига оладиган кичик бир қисми, группаси.

**Эквивалентлик** (<лотинча *aequivalens* – тенг қимматга эга) – тил бирликларининг мувофиқлиги. Бир нутқ бирлигига хос маънони ифодалай оладиган, унга хос функцияни бажара оладиган бошқа бир нутқ бирлиги. Масалан, *огзи қулоғида, илоннинг ёғини ялаган* фразеологизмлари *хурсанд, айёр* сўзларининг эквивалентидир.

- **дивергент эквивалентлик** – А тилнинг бир сўзига Б тилда бирдан ортиқ сўз тўғри келиши;

- **конвергент эквивалентлик** – А тилнинг икки ва ундан ортиқ сўзига Б тилнинг бир сўзи тўғри келиши;

- **қисман эквивалентлик** – икки хил кўринишда учрайди. Чоғиштирилаётган тилларнинг бирида объектив олам ходисаларининг фарқланишини ифодаловчи белгилар йўқлиги дивергенция ва конвергенция ҳодисаларига олиб келади. Маълум маънода тилларда турли ички шаклга эга бўлган, яъни мотивацияси мувофиқ бўлмаган бирликлар қисман эквивалент бўлади;

- **тиллараро эквивалентлик** – чоғиштирилаётган тиллар бирликларининг марказий ва периферия семантик компонентларининг мувофиқлиги;

- **тўлиқ эквивалентлик** – А тилдаги бир сўзга Б тилда бир сўз тўғри келиши ҳодисаси. Семантик структуралар мувофиқлигини қасб этувчи тил бирликларининг семантик компонентлари мувофиқлиги.

**Экзотизм** – бошқа халқ ҳаётига мансуб бўлган предмет ёки ходисаларни ифодаловчи ўзлашган сўзлар.

**Экстралингвистик омиллар** – бу индивидлар ўртасида коммуникатив ўзаро алоқанинг сўзсиз (ахборот кўриниш, интонация, имо-ишора, юз ҳаракати, пантомимика) амалга ошиши, яъни бевосита ёки бирор бир белгилар шакли орқали ифодаланган нутқий ва тил воситаларидан фойдаланмасдан.

**Эндемик бирлик** – фақат маълум бир соҳада учрайдиган тур, жинс ҳамда бошқа таксономик бирликлар.

**Эталон** – бирор шахс ёки нарсани бошқа бир шахс ёки нарсага қиёслаш учун танланган нисбатан барқарор, миллий-этник

хусусиятга эга бўлган намунавий образ. Эталонлар кўпроқ турғун ўхшатишлар таркибида мавжуд бўлади. Масалан, *чиройли кўз* ўзбек тилида *охунинг*, қозоқ тилида *бўталоқнинг*, қирғиз тилида *сигирнинг кўзига* ўхшатишса, рус тилида *смородина, ойна, осмон* каби-ларга қиёсланади.

**Этнолингвистика** (<юнонча *ethnos* – халқ + *lingua* – тил).

1. Тилнинг маънавий маданият, халқ менталитети, халқ ижоди билан муносабати ва алоқадорлигини тадқиқ этувчи соҳа. Шевашунослик, фолклор тили, тил тарихи (унинг тарихий шевашунослик, халқнинг этник ва маданий тарихи билан боғлиқ жиҳатлари) этнолингвистика таркибига кирувчи соҳалар ҳисобланади. 2. Тилнинг маданият билан, шунингдек, этномаданий ва этнопсихологик омиллар билан муносабатини диахроник планда ўрганувчи соҳа.

**Этнопсихоллингвистика** (<юнонча *ethnos* – халқ + *psuche* – қалб + *lingua* – тил). Нутқий амалиётлар, нутқий фаолият ва унинг яхлит актлари, лисоний онг, шунингдек, нутқий мулоқот жараёнларининг юзага келишига хос бўлган миллий-маданий вариантликни ўрганувчи соҳа; психоллингвистиканинг бир бўлими.

## РЕЗЮМЕ

Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши чет тилларини ўрганишга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ўсишига олиб келмоқда. Турли тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, улардан тил ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасига айланган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур монография муҳим аҳамият касб этади. У контрастив тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган.

Монографияда дастлаб контрастив тадқиқотлар тарихи ёритилган. Муаллиф мавзуга доир жаҳон тилшунослигининг кўплаб назарий адабиётлари билан танишган, уларга ўз муносабатини билдирган.

Монографияда контрастив лингвистиканинг мултилингвистик соҳалар қаторидаги ўрни белгиланган. Контрастив, конфронтатив ва чоғиштирма тилшунослик атамаларининг моҳияти ёритилган. Контрастив лингвистиканинг турдош соҳалар билан, хусусан, таржима назарияси ва лингводидактика билан муносабати кўрсатилган.

Контрастив лингвистиканинг назарий асосларига доир илмий адабиётлар таҳлил қилинган, контрастив тадқиқотларда қиёс учун асос бўлаётган эталонлар белгилаб берилган. Шунингдек, контрастив лингвистика доирасида бажарилган тадқиқотларнинг ўзига хос жиҳатлари масалалари атрафлича ёритилган.

Тадқиқотда контрастив лингвистиканинг терминологик аппарати ишлаб чиқилган. Контрастив лингвистикада конгруэнтлик ва эквивалентлик, лингвистикада эквивалентсиз лексика тушунчаси хусусида фикр юритилган, лакунарлик ва лакунар бирлик тушунчалари изоҳланган.

Монографиянинг муҳим аҳамияти сифатида шуни таъкидлаш лозимки, унда иккинчи тилга ўқитиш жараёнида трансференция ва интерференция ҳодисалари масалалари ҳам ёритилган. Интерференция, яъни ўрганилаётган тил нормаларининг бузилиши, хато-ларга олиб келадиган салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан муҳим тавсиялар берилган. Монографиянинг лугат қисмида контрастив лингвистиканинг терминологик аппарати изоҳланган.

## РЕЗЮМЕ

Возрастание роли и значения Независимого Узбекистана в мировом сообществе привело к увеличению потребности в изучении иностранных языков. Определение общих и дифференциальных сторон различных языков, применение полученных данных в процессе обучения превратилось в одну из актуальных задач современного языкознания. Именно с этой точки зрения важное значение имеет данная монография. Она посвящена теоретическим проблемам контрастивной лингвистики.

Монография начинается с освещения истории контрастивных исследований. В ней даётся обзор мировой научной литературы, имеющей отношение к данной теме. Всесторонне проанализированы работы, выполненные в рамках контрастивной лингвистики.

В монографии определено место контрастивной лингвистики в ряду мултилингвистических дисциплин, освещается сущность лингвистических терминов «контрастивная лингвистика», «конфронтативная лингвистика» и «сопоставительная лингвистика». Показаны отношения контрастивной лингвистики со смежными лингвистическими областями, в частности, с лингводидактикой и теорией перевода. Определены эталоны осуществления контрастивных исследований.

В данном исследовании большое внимание уделено вопросам терминологического аппарата контрастивной лингвистики. Рассмотрены такие термины и понятия контрастивной лингвистики как конгруэнтность и эквивалентность, безэквивалентная лексика, лакуна и лакунарная единица.

В качестве достижения данной монографии можно указать на то, что в ней подробно освещены вопросы трансференции и интерференции, имеющих большое значение в процессе обучения второму языку. В ней даны рекомендации по преодолению лингвистической интерференции, являющейся отрицательным переносом норм родного языка на изучаемый язык и приводящей к нарушениям языковых норм второго языка. В словарной части монографии описан терминологический аппарат контрастивной лингвистики.

## SUMMARY

Rising of the role and significance of Independent Uzbekistan in world community opens necessity for learning foreign languages. Defining of common and differential sides of different languages and using acquired data in the process of education is become one of the actual issues of modern linguistics. Actually, this monograph has essential significance from this point of view. It is dedicated to the issues of contrastive linguistics.

The monograph begins with an enlightenment of the history of contrastive researches. It provides with world scientific literature overview which concern to this particular theme. The works on contrastive linguistics are analyzed comprehensively.

The monograph considers the issue of enlightenment of the notions of contrastive linguistics, confrontative linguistics, comparative linguistics in World linguistics. The relationship of contrastive linguistics with neighboring linguistic fields, particularly with Linguodidactics and Theory of translation is indicated. Models of contrastive research implementations are defined. This research pays much attention to contrastive linguistics terminology apparatus. Such terms and notions as contrastive linguistic, congruence, equivalence, non-equivalent lexis, lacunas and lacunar units are considered.

The issue of transference and interference which has much importance in the second language acquisition is enlightened clearly and it could be considered as the main result of this monograph. Recommendations on defining linguistic interference, which is negative transfer norms of native language to the second language acquisition. Terminological apparatus of contrastive linguistics is described in vocabulary part of the monograph.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Маънавият», 2008.
2. Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? –Т.: «Фан», 1972.
3. Абражеев А.И., Данилов П.А., Бигаев Р.И. Очерки по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. –Т.: «Ўқитувчи», 1960.
4. Абрамов Б.А. Теоретическая грамматика немецкого языка. Сопоставительная типология немецкого и русского языков. –М.: «ВЛАДОС», 1999.
5. Азизов А.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. –Т.: «Ўқитувчи», 1983.
6. Алимов В.В. Интерференция в переводе (на материале профессионально-ориентированной межкультурной коммуникации и перевода в сфере профессиональной коммуникации): автореф. дис. ... д-ра филол. наук. –М., 2005.
7. Алимов В.В. Интерференция в переводе: на материале профессионально ориентированной межкультурной коммуникации и перевода в сфере профессиональной коммуникации. 2-е изд. –М.: Ком Книга, 2011.
8. Апресян Ю.Д. Коннотации как часть прагматики слова (лексикографический аспект) // Русский язык. Проблемы грамматической семантики и оценочные факторы в языке. –М., 1992.
9. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. –М., 1974.
10. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. Учебное пособие. 3-е изд. –М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005.
11. Ахунзянов Э.М. Двухязычие и лексико-семантическая интерференция. –Казань: Изд. Казанского университета, 1978.
12. Баграмова Н.В. Лингводидактические основы обучения второму иностранному языку: учеб. пособие. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2005.

13. Байрамова Л.К. Введение в контрастивную лингвистику. – Казань, 2005.

14. Байрамова Л.К. Лакунарные единицы и лакуны // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 3. – Благовещенск: БГПУ, 2006.

15. Байрамова Л.К. Ментальные межъязыковые лакунарные единицы и внутриязыковые лакуны // Сопоставительная филология и полилингвизм: диалог литератур и культур. – Казань: КГУ, 2005.

16. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва: 1955.

17. Баранникова А.А. О строении слога в русском и узбекском языках // Современный русский язык. Уч. зап. МГПИ им. В.И.Лешца. – М., 1971, N 423.

18. Баранникова Л.И. Проблема интерференции и вопросы взаимодействия языков // Вопросы методики преподавания иностранных языков в связи с проблемой языковой интерференции. – Саратов, 1966.

19. Баранникова Л.И. Сущность интерференции и специфика ее проявления. Проблема двуязычия и многоязычия. – М., 1972.

20. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Междунар. отношения, 1975.

21. Белянин В.П. Психоллингвистика. – М., 2011.

22. Бердникова О.В. Контрастивно-фонологический анализ вокализма русского и испанского языков. автореферат дис. кандидата филологических наук: 10.02.19 / Воронежский гос. ун-т, – Воронеж, 2003.

23. Блягоз З. У. Контактное русское и родное языков в условиях двуязычия: Учебное пособие. – Ростов-на-Дону, 1976.

24. Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. I, – М., 1963.

25. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. – Тамбов, 2001.

26. Боровков А.К. По поводу «иранизации» узбекского языка. Известия АН Узбекской ССР, – Т., 1956, №8;

27. Брызгунова Б.А. Звуки и интонации русской речи. – М., 1967.

28. Будагов Р.А. Сравнительно-семасиологические исследования (романские языки). – М., 1963.

29. Бурунов Ж. Типологические категории и сравнительное изучение языков. Диссертация доктора филологических наук. – М., 1979.

30. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003.

31. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Воронеж, 1999.

32. Вайнрайх У. Языковые контакты. Состояние и проблемы исследования. – Благовещенск, 2000.

33. Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие. Зарубежная лингвистика. Вып. III. – М., 1999.

34. Вайнрайх У. Языковые контакты. Состояние и проблемы исследования. – Благовещенск, 2000.

35. Верещагин Е.М. Две психоллингвистические методики объективного установления типов билингвизма // Методы билингвистических исследований. – М., 1976.

36. Верещагин Е.М. К проблеме разносистемной принадлежности лексем при билингвизме: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1966.

37. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. – М.: «Индрик», 2005.

38. Вилломан В.Г., Соболева П.А. Деривация и исчисление в контрастивной лингвистике // Семантика и производство лингвистических единиц. – Пермь: Изд-во Пермского ун-та, 1979.

39. Виноградов В.А. Интерференция. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., Советская энциклопедия, 1990.

40. Виноградов В.А. Стратификация нормы, интерференция и обучение языку // Лингвистические основы преподавания языка. – М., 1983.

41. Волохина Г.А., Попова З.Д. Морфологическая парадигматика русского языка. 2 издание. –Воронеж, 1991.
42. Волохина Г.А., Попова З.Д. Русские глагольные приставки. Семантическое устройство, системные отношения. –Воронеж, 1993.
43. Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. –М., «Прогресс», 1989.
44. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. –М., Международные отношения, 1977.
45. Галунов В.И., Родионов В.Д. Моделирование процессов передачи информации в звуковом диапазоне. –Л., 1988.
46. Гарифуллина А.М. Фразеологические единицы, выражающие эмоции и чувства человека, в турецком и английском языках: автореферат дис. ... кандидата филологических наук. –Казань, 2005.
47. Гвишиани Н.Б. Контрастивное исследование современных языков и корпусная лингвистика // ФН. - 2004, № 1.
48. Гергиева З.Г. О статусе контрастивной лингвистики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского, 2009, №6.
49. Гинзбург Р.С. Сочетаемость и референтная соотнесенность слова // Сб. науч. тр. МГПИИЯ им. М.Тореза. Выпуск 145. –М., 1979.
50. Григорьева Л.Н. Основные положения контрастивной лингвистики и ее внутренняя таксономия // Немецкая филология в Санкт-Петербургском университете: традиции и современность. СПб, 2001.
51. Грошева М.А. О взаимосвязи лингвистических наук, исследующих соотношение между различными языковыми системами. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://frgf.utmn.ru/last/No8/list.htm>
52. Гудавичюс А. Сопоставительная семасиология литовского и русского языков. –Вильнюс, 1985.
53. Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. –Т., 1983.

54. Дешериев Ю.Д. Введение. В кн: Развитие национально-русского двуязычия. –М., 1976
55. Джеймс К. Контрастивный анализ // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. –М., «Прогресс», 1989.
56. Ди Пьетро Р.Дж. Языковые структуры в контрасте // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. –М., «Прогресс», 1989.
57. Ефимов А.И. М.В.Ломоносов и русский язык. –Москва, 1961.
58. Жаналина Л.К. Сопоставительное словообразование русского и казахского языков: Учеб. пособия. – Алматы: Респуб. издат. Каз. акад. Образования им. П. –Алтынсарина, 1998.
59. Жельвис В. И. К вопросу о характере русских и английских лакун // Национально-культурная специфика речевого поведения. – М.: «Наука», 1977.
60. Жлуктенко Ю.А. Лингвистические аспекты двуязычия. Киев, 1974.
61. Зайченко Н. К сопоставительному анализу русских и чешских наименований животных // Ceskoslovenska rusistika, 1988, № 4.
62. Залевская А.А., Медведева И.Л. Психолингвистические проблемы учебного двуязычия. –Тверь: Твер. гос. ун-т, 2002.
63. Залевская А.А. Вопросы теории и практики исследований // Этнокультурная специфика языкового сознания. Сборник статей. – М., 1996.
64. Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. –Москва: МГУ, 1970.
65. Зеленецкий А.Л. Контрастивная лингвистика и типология // Вестник Воронежского государственного университета. Сер.: Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2010. № 1;
66. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. –М.: «Просвещение», 1991.
67. Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбектожик билингвизмида намоён бўлиши. Фил. ф. н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т., 2007.

68. Зубкова Л.И. Лингвострановедческий подход в изучении национально-культурной специфики слова // Научно-методический сборник. – Воронеж, 1993. №43.
69. Иванов А.О. Безэквивалентная лексика. – СПб.: Союз, 2007.
70. Исабеков С.Е. О роли внутри и межъязыкового сопоставления в лингвистике // Сравнительно-сопоставительное изучение языков и интерференция: Сб. научных трудов. – Алма-Ата, 1989.
71. Исенова Ф.К. Сопоставительное языкознание и контрастная лингвистика в современной языковой парадигме // Вестник КарГУ. Сер. филологическая. – Караганда: изд-во КарГУ, 2007. №1.
72. Калнынь Л.Э. О функциональном значении явлений слога // Изв. АН СССР. Отделение литературы и языка, 1981, № 5.
73. Карлинский А.Е. Типология речевой интерференции // Зарубежное языкознание и литература. – Алма-Ата, 1972. Вып. 2.
74. Кашкин В.Б. Сопоставительная лингвистика (учебное пособие для вузов). – Воронеж, 2007.
75. Климов В.В. Языковые контакты // Общее языкознание: формы существования, функции, история языка. – М., 1970.
76. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М., 1974.
77. Комиссаров В.Н. Перевод, как лингвистическая проблема // Проблемы переводческой интерпретации текста в трудах российских лингвистов конца 20-го, начала 21-го веков. – Ереван: «Лингва», 2009.
78. Копров В.Ю. Выражение субъектно-объектных отношений в современном русском языке. Методическая разработка. – Воронеж, 1982.
79. Копыленко М.М. О межъязыковой идиоматичности и связанных с нею явлениях // Филологические науки, 1964, № 1.
80. Косериу Э. Контрастная лингвистика и перевод: их соотношение // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. – М., «Прогресс», 1989.
81. Краткая история языкознания [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://helpiks.org/1-6163.html>
82. Крюк В.Г. Сопоставительная лексикология. – М., 1997.
83. Курманбаев Н.М. Заметки о картазианских основаниях генеративной лингвистики // Вопросы языкознания, №4., 1975.
84. Кэтфорд Ж.К. Обучение английскому языку как иностранному // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. – М., «Прогресс», 1989.
85. Ладо Р. «Linguistics across cultures». – Л., 1957.
86. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. – М.: 1997.
87. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1998.
88. Маматов М.Ш. Предикативные атрибуты в немецком и узбекском языках. Автореферат дисс...канд.филол. наук. – Л.: 1976.
89. Манакин В.М. Проблемы контрастной лексикологии близкородственных языков // Языкознание, 1994, № 1.
90. Маслова В.А. Коммуникативная лингвистика. В кн: Современные направления в лингвистике. – М., «Академия», 2008.
91. Махонина А.А. К вопросу о классификации межъязыковых лагун // Язык и национальное сознание. Вып. 4. – Воронеж: ВГПУ, 2003.
92. Махонина А.А., Стернина М.А. Опыт типологии межъязыковых лагун // Лагуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 2. – Благовещенск: БГПУ, 2005.
93. Махмуд Н., Йаман Э. Туркча ўзбекча, ўзбекча туркча лугат –Т.: Гофур Гулом, 1993.
94. Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. – М.: «Аспект Пресс», 2006.
95. Миньяр-Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. – М.: Воениздат, 1980.
96. Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро шевалари. –Т., 1969.
97. Михайловская Н.Г. Вопросы типологии интерферентных явлений в русской речи билингва. В кн: Методы сопоставительного изучения языков. – М., 1988.

98. Мокиенко В.М. Сопоставление в теории и практике преподавания русского языка как иностранного // Русский язык за рубежом, 1987. №5.

99. Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). –Владимир, 1975.

100. Мыркин В.Я. Каким быть учебному пособию по курсу «Сравнительная типология иностранного и родного языков?» // Сопоставительный анализ лексических и грамматических единиц (категорий) в русском и германских языках: межвузовский сборник научных трудов. –Вологда, 1986.

101. Никкель Г. Контрастивная лингвистика и обучение иностранному языку // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. –М., «Прогресс», 1989.

102. Новое в лингвистике. Вып VI, Языковые контакты. – Москва: «Прогресс», 1972.

103. Нурмонов А. Танланган асарлар. I жилд. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабати. –Т., “Академнашр”, 2012.

104. Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. –Т., “Академнашр”, 2012.

105. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. –Т., “Академнашр”, 2012.

106. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Т., 2011.

107. Общая психология: учеб. пособие для студентов пед. ин-тов. –М.: «Просвещение», 1973.

108. Огурцова О.А. К проблеме лакунарности // Функциональные особенности лингвистических единиц: сб. тр. Кубан. ун-та. Вып. 3. –Краснодар: Изд-во Кубан. ун-та, 1979.

109. Одилов Ё. Сохта ўхшашлик ёки таржимоннинг ёлгончи дўстлари // Тил ва адабиёт таълими. 2014, 8-сон.

110. Омашева Ж.М. Сопоставительные и контрастивные исследования в современной лингвистике. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.rusnauka.com>

111. Очерки русско-немецкой контрастивной грамматики. Имя. –Калинин, 1982.

112. Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. –Т., 1934.

113. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Т., 1933.

114. Попова З.Д., Стернин И.А. Лексическая система языка. – Воронеж, 1984.

115. Попова З. Д., Стернин И.А. Язык и национальная картина мира. –Воронеж: ВГУ, 2002.

116. Потапова Р.К., Камышная Н.Г. Слоги его перцептивно-временные корреляты // Вопросы языкознания, 1975, № 4.

117. Психология: учебник /под ред. А.А. Смирнова [и др.]. – М.: Учпедгиз, 1962.

118. Пылаева О. Б. Относительные этнографические лакуны // Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 2. –Благовещенск: БГПУ, 2005.

119. Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. –Т., “Академнашр”, 2011.

120. Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. –Т., 1989.

121. Реформатский А.А. О сопоставительном методе. В кн.: Лингвистика и поэтика. М., 1987.

122. Рецкер Я. И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык // Теория и методика учебного перевода. –М., 1950.

123. Ричи Дональд. Японский поцелуй // Мир по-японски. СПб.: –Северо-Запад, 2000.

124. Розенцвейг В.Ю. Об одном типе синтаксической интерференции. В кн.: Фонетика Фонология Грамматика. –М., «Наука», 1971.

125. Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов // Новое в лингвистике, вып. VI, –М., 1972.

126. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. –Л., 1972.

127. Сафаров Ш. Гап қурилиши: лингвистик таҳлил ва лингводидактика // Филология масалалари. –Т.: ЎзДЖТУ, 2003, 3-4 сонлар.
128. Седов К.Ф. Дискурс и личность. –М., 2004.
129. Скаличка В. О современном состоянии типологии // Новое в лингвистике, вып VI, Языковые контакты. –М.: Издательство иностранной литературы, 1963.
130. Скаличка В. Типология и сопоставительная лингвистика // Новое в зарубежной лингвистике: Выпуск XXV. –М., «Прогресс», 1989.
131. Солодуб Ю.П. Контрастивная фразеология // Филологические науки, 1998 - № 4.
132. Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. –М., Восток-Запад, 2006.
133. Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. –Воронеж, 1985.
134. Стернин И.А. Лексическая лакунарность и понятийная эквивалентность. –Воронеж: ВГУ, 1999.
135. Сусов И.П. Введение в теоретическое языкознание // Balkan Rusistics: [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.russian.slavica.org/printout12.html>.
136. Сусов И.П. История языкознания. –М.: АСТ: Восток-Запад, 2006.
137. Теория языка, методы его исследования и преподавания. Л., 1981.
138. Токарев В.Г. Лингвокультурология. –Тула, 2009.
139. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т., «Ўқитувчи», 1995.
140. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (беш томли). –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
141. Уман Л.М. Проблема грамматической интерференции (на материале русского и французского языков): автореф. дис. канд. филол. наук. –М., 1964.

142. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанл. номз. дисс.авторсф. –Т., 1998.
143. Успенский Б.А. Поэтика композиции (Структура художественного текста и типология композиционной формы). –М.: Искусство, 1970.
144. Федоров А.В. О задачах сопоставительного изучения языков // Немецко-русские языковые параллели. –М., 1961.
145. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. –М.: Высш. шк., 1983.
146. Фомиченко Л.Г. Когнитивные основы просодической интерференции. –Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2005.
147. Фразеологическая номинация. –Ростов-на-Дону, 1989.
148. Хауген Э. Языковой контакт // Новое в лингвистике. –М., 1972. Вып. 6.
149. Хельбиг Г. Языкознание – сопоставление – преподавание иностранных языков // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. –М.: «Прогресс», 1989.
150. Ҳакимов М.Х. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. –Т., Академнашр, 2013.
151. Черданцева Т.З. Язык и его образы. –М.: Международные отношения, 1977.
152. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. –Новосибирск, 1987.
153. Чернухина И.Я. Основы контрастивной поэтики. –Воронеж, 1990.
154. Швейцер А.Д. Теория перевода (статус, проблемы, аспекты). –М.: «Наука», 1988.
155. Штернеманн Р. Введение в контрастивную лингвистику // Новое в зарубежной лингвистике. –М.: Прогресс, 1989. Вып. XXV.
156. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. –Москва: Иностранная литература, 1950.
157. Щерба Л.В. О понятии смешения языков // Избранные работы по языкознанию и фонетике. –Л., 1958.

158. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л., 1968;

159. Эргашева С. Социолингвистикада «тил сиёсати» тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. 2-сон.

160. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. –Т., 1974.

161. Юсупов У.К. Лингводидактический аспект сопоставительного изучения языков. В кн.: Сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку. –М.: «Наука», 1987.

162. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Т., 1980.

163. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. –Т.: «Фан». 2007.

164. Юсупов У.К. Вклад языковедов Узбекистана в развитие сравнительного языкознания // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) III. –Т., 2006.

165. Юсуф Б. Туркча-ўзбекча «алдоқчи сўзлар» лугати. –Т.: «Ворис», 2009.

166. Языкознание. Большой энциклопедический словарь. Гл. ред. В.Н. Ярцева. –2е изд. - М.: Большая Российская Энциклопедия, 1998.

167. Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. –М.: Наука, 1981.

168. Coseriu B. Kontrastive Linguistik und Übersetzungstheorie ihr Verhältnis zueinander // Kontrastive Linguistik und Übersetzungswissenschaft. Munchen, 1981.

169. Gladrow W. Russischim Spiegeldes Deutschen. Wien: –Lang, 1998.

170. Johansson S. Contrastive linguistics and corpora. Reports from the project 'Languages in Contrast', University of Oslo, 2000.

171. Johansson S. Seeing through multilingual corpora. –Amsterdam: Benjamins, 2007.

172. Konig E. Kontrastive Grammatik und Typologie. In Lang, E. and G. Zifonun (eds.), Deutsch – typologisch, 31-54. Berlin/New York: Mouton de Gruyter, 1996.

173. Hansen K. Trends and problems in contrastive linguistics // Zeitschrift fur Anglistik und Amerikanistik. 1985. Vol. 33, № 2.

174. Ivir V. The communicative model of translation in relation to contrastive analysis // Kontrastive Linguistik und Übersetzungswissenschaft. Munchen, 1981.

175. Kemal Demiray Temel türkçe sözüik Istanbul, 1988.

## МУНДАРИЖА

Кириш	3
Контрастив тадқиқотлар тарихидан	6
Контрастив лингвистиканинг мультингвистик соҳалар қаторидаги ўрни	16
Контрастив, конфронтатив ва чоғиштира тилшунослик атамалари хусусида	24
Контрастив лингвистика ва лингводидактика	33
Контрастив лингвистика ва таржима назарияси	36
Контрастив лингвистиканинг назарий асослари	44
Тилларни контрастив жиҳатдан ўрганиш тамойиллари	50
Контрастив лингвистикада конгруэнтлик ва эквивалентлик	66
Лингвистикада эквивалентсиз лексика тушунчаси хусусида	71
Контрастив лингвистикада лакуна ва лакунар бирлик тушунчалари хусусида	76
Иккинчи тилга ўқитиш жараёнида трансференция ва интерференция ходисалари	86
Айрим хулосалар ўрнида	94
Контрастив лингвистиканинг терминологик аппарати (луғат)	97
Резюме	134
Резюме	135
Summary	136
Фойдаланилган адабиётлар	137

СОҲИБА МУХТОРАЛИЕВНА ЗОКИРОВА

## КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2016

Мухаррир: М.Ҳайитова  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 16.11.2016.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 9,0. Нашр босма табоғи 9,5.  
Тиражи 500. Буюртма №226.

